

34
3 60

ПЕДАГОГИКА



“ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ”
ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ

У30.2 77

34

3-60

~~Ўзбек филологияси
факултеци~~

Бўри Зиёмухаммадов
Шоира Абдуллаева

~~Ў Қ У В З А Л~~

ПЕДАГОГИКА

~~Ў Қ У В
Ўзбек филологияси
факултеци
Ў Қ У В З А Л~~

34 (045.8)

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
Tashkent 1973
AXBOROT-RESURS MARKAZI

~~Ўзбек филологияси
факултеци
KUTUBXONASI~~

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»

давлат илмий нашриёти

Тошкент — 2000

Зиёмуҳаммадов Б., Абдуллаева Ш.

Педагогика: Олий ўқув юртлари учун дарслик.—Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000.—128 б.

1. Автордош.

ББК 74.58я73

Дарслик биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида» Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тамойилларидан келиб чиқиб, Шарқ мутафаккирларининг таълим ва тарбия тўғрисидаги фикрлари, шунингдек, жаҳон педагогика фани тажрибаси асосида яратилган. Дарсликнинг яратилишида Ўзбекистоннинг XXI асрда ривожланиши бўйича Президент И. А. Каримов томонидан эълон қилинган олти устувор йўналиш асос қилиб олинган.

Китоб педдагогик олий ўқув юртлари учун педагогикадан дарслик сифатида тайёрланган, айти маҳалда амалиётчи педагогларга ҳамда педагогикага ихтисослашган олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқув қўлланма сифатида тавсия этилади.

Тақризчилар:

педагогика фанлари доктори, проф. Э. Чориев
педагогика фанлари доктори, проф. Т. Усмои хўжаев
педагогика фанлари доктори, проф. У. Маҳкамов
педагогика фанлари номзоди, проф. Т. Усмонов

№ 108—2000

Алишер Навоий помидаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат кутубхонаси
Нусха 1200
Карт. нусхаси 2400

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2000.

© Б. Зиёмуҳаммадов, Ш. Абдуллаева, Тошкент, 2000.

КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар меҳнат тақсимоти тамойилларидан келиб чиқиб, таълим ва тарбия ишлари бутунлай мураббий, ўқитувчи ва педагоглар зиммасига юклатилиб қўйилган эди.

Тажриба кўрсатадики, таълим ва тарбия билан ҳамма, яъни бутун жамият аъзолари шугулланишлари керак. Бу масъулиятли ва шарафли ишда боғча тарбиячиси, мактаб ўқитувчиси ва институт домлалари билан бир қаторда жамиятнинг билимли ва обрў-эътиборга эга бўлган аъзолари, олий маълумотли мутахассис ва раҳбар ходимлар ҳам ўз ҳиссасини қўшиши керак. Чунки улар ўзларининг билимлари ва юқори малакалари билан меҳнат жамоаларида катта эътиборга эгадирлар, ҳамма жойда сўзлари юқори таъсир кучи билан ажралиб туради.

Аmmo шу вақтгача халқ хўжалигининг турли тармоқларига мутахассис тайёрлайдиган олий ўқув юртларида таълим ва тарбия бериш сирларини ўргатувчи педагогика фани ўқитилмас эди.

Ушбу ижтимоий ҳодисани Президентимиз Ислом Қаримов чуқур ҳис қилган ҳолда жамиятимиз истиқлолининг, биринчи йилларидан бошлаб нопедагогик олий ўқув юртларида педагогикадан билим беришни тавсия этдилар.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1996 йил 7 августдаги 189-сонли буйруғига кўра халқ хўжалиги мутахассислари тайёрлайдиган барча олий ўқув юртларида педагогика фани ўқитила бошланди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонунда: «Ўзбекистон Республикаси таълим тўғрисидаги сиёсатини умуминсоний қадриятларни, халқнинг тарихий тажрибасини, маданият ва фан бобида кўп асрлик анъаналарини, жамиятнинг истиқболдаги ривожланишини ҳисобга олган ҳолда юргизади»¹, — дейилган. «Бугун олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, — деди Президент И. А. Қаримов, — биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизлари-

¹ «Халқ таълими» журнали, 1992 й, 10—12-сон, 1-бет.

ни аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак»¹. Президентимизнинг бу сўзлари барча ижтимоий соҳада фаолият кўрсатувчилар, шу жумладан маорифчилар учун методологик асосдир. Бу фикр жамиятимизнинг ижтимоий буюртмасидан келиб чиққан бўлиб, ўзбек халқининг аслий орзусига мос келади.

Мустақил давлатимиз жаҳондаги ривожланган ва маърифатли мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун иқтисодий қудратимизни янада ошириш, уни ХХІ аср илмий-техника тараққиёти талабларига жавоб берадиган тарзда қайта қуришимиз талаб қилинади. Бундай долзарб масалаларни амалга ошириш учун демократик тамойиллар ва бозор муносабатлари шароитига мос келадиган дунёқарашни шакллантиришимиз зарур бўлади.

Бунинг учун ижтимоий ислоҳотлар жараёнида тоталитар тузум даври педагогикасидан бутунлай воз кечишимиз шарт. Чунки у ўта мафкуралаштирилган бўлиб, ҳаётда ўзини оқламади. Совет педагогикаси марксизм таълимотидан келиб чиқиб, аҳолини андозали фикр юритувчи ва буйруқларни бажарувчи кишиларга айлантиришга мўжалланган эди. Бу таълимот мустаҳкам бўлмаганлиги туфайли, унинг заминига қурилган жамият парчаланиб кетди. Демак, шу жамиятга хизмат қилиб келган педагогикани тубдан ислоҳ қилишимиз зарур. Энди биз миллий маърифий меросимиздан кенг фойдаланишимиз ва жаҳон педагогикаси тўплаган билимлар асосида тузилган миллий педагогикамизни яратишимиз, унинг тамойиллари, дарс бериш усул ва услубларига ўтишимиз, аста-секин педагогика илм-фанини ислоҳ қилишимиз керак бўлади.

«Таълим-тарбия ислоҳоти ҳақида гапирар эканмиз, — деган эди И. А. Қаримов, — унинг мазмунини лўнда қилиб ифода этиш мумкин: бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак...

Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган қилиб тарбияланади»².

¹ И. А. Қаримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т. «Ўзбекистон», 1995, 9-бет.

² Ислон Қаримов. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., «Шарқ», 1997. 9-бет.

Бозор муносабатлари шароитида мустақил фикр юритувчи, эркин, ташаббускор, тадбиркор ва миллий ғурурга эга бўлган кишилар керак. Бундай кишиларни тарбиялаш учун халқнинг тарихий шаклланган маърифий маънавиятидаги келиб чиқиб, умуминсоний педагогик қадриятларга таянувчи миллий педагогика фанини шакллантириш жоиз.

Мазкур дарслик Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», алломаларимизнинг маърифий қарашлари ва жаҳон педагогикаси тўплаган билимлар, шунингдек Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги нутқида илгари сурилган ғоялар асосида яратилди.

Педагог бўлмаган олий маълумотли мутахассислар тайёрлайдиган ўқув юртларида педагогика фанини ўқитиш жараёнида талабаларда қуйидаги билим ва кўникмаларни шакллантириш кўзда тутилади:

— ўз ихтисосини ўзлаштириш пайтида ҳамда ижтимоий ва гуманитар фанлар бўйича бериладиган билимларни онгли эгаллаш учун педагогика фанининг назарий асосларини ўргатиши ва ўзларида бу билимларга кўникма ҳосил қилиши;

— Марказий Осиё ва жаҳон халқларининг педагогик мероси билан танишиб, ўзларида умуминсоний ва миллий ғурур ҳосил қилиши;

— индивид, жамият аъзоси, шахс, миллат фарзанди, мутахассис деган тушунчаларни улар абстракт ҳолда эмас, балки кишиларнинг ижтимоий моҳиятининг такомилли ҳисобланган маънавиятни яратиш, уларнинг ёшига, физиологик, психологик ва ирсий асосларига боғлиқ ҳолда таълим-тарбия орқали шакллантиришнинг педагогик асосларига тушуниб етиши;

— билиш фаоллигини ошириш учун «Дидактика», яъни билиш назарияси асослари билан бирга тасаввуфнинг ботиний билимлар топиш усуллари билан танишиши;

— илғор педагогик технология деган тушунчанинг моҳиятига етиб, ўз маънавияти устида тинмай ишлаш кўникмасини ҳосил қилиши ҳамда ижтимоий ҳодисаларни бошқариш назарияси ва амалиётини эгаллаши.

МИЛЛИЙ ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

✓ Ҳар бир шахс, халқ ва миллатнинг ўзига хос орзумидлари ва маънавий қарашлари бўлади. Улар орасида таълим ва тарбияга бўлган эҳтиёж алоҳида ўринни эгалайди. Чунки ҳар бир соғлом инсонда тинмай билим олиб туриш эҳтиёжи мавжуд. Аслида фикр доираси кенг ва тарбияли инсонгина ўзини эркин ва бахтли ҳис қилади.

Ҳар қандай давлат ўз халқининг тараққиёт босқичига мос ижтимоий тузумни танлаб олади. Давлатнинг маърифат тизими жамият танлаб олган тузумнинг ижтимоий буюртмасини бажаришга йўналтирилган бўлади.

Бизнинг бугунги маориф тизимимиз демократик давлат ва бозор муносабатларига асосланган бўлиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Қаримов биринчи чақириқ Республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясида қилган маърузасида ҳур Ўзбекистонда демократик тузумни барпо эта бориш билан бирга, амалга оширилаётган улкан ўзгаришларнинг асосий иштирокчилари бўлган жамиятимиз аъзоларининг маънавиятини бутунлай янгича қарор топшириш лозимлигини айтган эди. Бу фикрларни Президентимиз кейинги чиқишларида ҳам бир неча бор таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тарихий ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида жамият маънавиятини янада юксалтириш ва кадрлар масаласини Ўзбекистоннинг XXI асрда ривожланишининг энг устувор йўналишлардан бири сифатида олға суради.

Келажаги буюк давлатни қураётганлар тафаккури, ахлоқи янги иқтисодий муносабатларни таркиб топтиришга ва моддий неъматлар яратишга астойдил йўналтирилган бўлиши лозим. Мана шундай ижобий хислатларга эга инсонни тарбиялаш таълим-тарбия тизими зиммасига юклатилган.

Яқин ўтмишимиздаги «совет педагогикаси»нинг таълим-тарбия бериш усуллари барча одамлар бир хил қобилиятга, бир хил дунёқарашга, бир хил эҳтиёжга эга, деган ижтимоий ҳаёт қонуниятига зид, «тақлид қилиш» усулига асосланган эди. Шу билан биргаликда, ўқишга ҳаммани жалб қилиш мақсадида дидактика-

нинг олтин қондаси бўлган диққат қилдириш тамойилига зид ҳолда ўқитишга ҳаракат қилинди. Ваҳоланки, педагогика илми ва амалиётининг маълумотига қараганда, ўқитувчи талабалар диққатини ўзинга қаратиб, уни дарс охиригача сақлаб туриш учун синфдаги болалар сони 15—20 дан ошмаслиги керак экан. Акс ҳолда, дарсларни ижро бўлмаслигига, ёш авлодни эса, «мактабга бориб келувчилар», «битирувчилар» ва «ҳеч нарса билмайдиган» кишилар тоифасига айлантира боради.

Ундан ташқари, «коммунизм кишиси» андозасидан келиб чиқиб, ҳаммани бирдай тезкорлик билан билимдон қилиб тарбиялаш мақсадида ўқишнинг ҳар бир босқичида ҳаддан ташқари кўп фанлар киритилиб, ҳатто ўртача қобилиятга эга бўлган бола ҳам билимни қабул қилиш имкониятидан маҳрум бўлди. Натжидада ўқувчи ва талабалар меъеридан анча кўп ахборотни онгига сиғдира олмасдан, бора-бора ўқишга лоқайд муносабатда бўла бошлаганлар. Берилаётган билимни тўлиқ эгаллайман, деган тиришқоқ болалар, бу билимларни фақат тақлид усули орқали ёд олиб улгуришган, ҳолос. Механик равишда ёд олинган билим турғун бўлмай, бола хотирасидан тез ўчиб кетади.

Шу билан биргаликда «совет педагогикаси» ўта мафкуралаштирилган бўлиб, фақат материалистик дунёқараш, синфий қарама-қаршилиқ, миллий ва ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олмаслик ва ҳоказолар барча фанлар, шу жумладан педагогика фани мағизмазига сингдирилган эди. Бундай жонсиз назарий педагогик адабиётларни тубдан қайта кўриб чиқиб, миллий истиқлол мафкураси ва ХХІ асрдаги Ўзбекистон тараққиётининг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, жаҳон илғор педагогик фикрлари асосида миллий педагогика дастур ва дарсликларини яратиш зарур.

Миллий педагогика деганда давлат конституцияси, таълим тўғрисидаги қонун ҳамда истиқбол ривожланиш дастурлари, жамиятнинг тарихий тараққиёт қонуниятлари ва жаҳондаги илғор педагогик технологиялар асосида тузилган таълим-тарбия назарияси, усул ва услублар мажмуи тушунилади.

Ҳар қандай давлатдан юқори тараққиёт даражасига эришиш учун, энг аввало, иқтисодийнинг устуворлигини таъминлаш, мавжуд табиий, иқтисодий ва инсон ресурсларини ишга солиш ва, энг асосийси, одамлар

маънавиятнинг замон талабига жавоб берадиган тарзда шакллантириш талаб этилади.

Маънавият — бу шахснинг эгаллаган фойдали билимлари (билим туридан қатъи назар) унинг ҳаётида бир неча бор такрорланиши натижасида кўникма ва малака босқичларидан ўтиб, руҳига сингиб, унинг ҳаёт тарзига айланиб кетган ижобий ижтимоий сифатларидир. Демак, маънавият турлари қуйидагиларни ўз ичига олади: диний маънавият, ахлоқ ва одоб маънавияти, дунёни илмий билиш маънавияти, техник маънавият, касбий маънавият ва бошқалар. Ахлоқ ва одоб маънавияти инсон ижтимоий моҳиятининг энг устки қобилини ташкил қилади. Шунинг учун баъзилар маънавиятни кишининг ахлоқ ва одобга оид билимларининг ҳаётда акс этиши, деб тушунади. Бу маънавиятнинг тор маънода тушунишдир.

Киши билимни қанчалик чуқур эгаллаган бўлса ҳамда бу билимларни амалиётда қанчалик кўп қўллаган бўлса, унинг маънавияти шунчалик бой ва мукамал бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек: «Фақат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олади, аксинча, билимкам, оми одамлар авторитаризмни ва тоталитар тузумни маъқул кўришини ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда исботламоқда»¹.

Ўзбекистон халқи асрий орзуси — мустақилликка эришиб, барқарор тараққиёт йўлидан бормоқда. Эндликда халқимиз ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси, ўз тарихининг ижодкори, миллий маънавият ва қадриятларининг чинакам соҳибига айланмоқда. Миллий анъаналар, динимиз, тарихимиз қайтадан тикланмоқда, ўзлигимизни тобора чуқур англаб етмоқдамиз.

Жадаллик билан ривожланиб бораётган жамият маорифчилар олдига халқ хўжалиги учун замонавий ва юқори малакали кадрларни тайёрлаб беришдек ижтимоий буюртмани кўндаланг қилиб қўйган.

Республикамизда юқори малакали ва маънавиятли кадрларни тарбиялаб етиштириш мақсадида бир қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар яратилган.

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. «Ўзбекистон», 1997, 150-бет.

Жумладан, «Таълим тўғрисида» Қонун ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Бу ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда маорифчилар ва зиёлиларимиз зиммасига катта масъулият юклатилди.

1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тарихий IX сессияси бўлиб, унда таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш ва уни тараққий эттиришнинг бир неча ўн йилларга мўлжалланган дастури қабул қилинди.

Сессияда Президентимиз Ислон Каримов сўзга чиқиб, жамият ривожланишида инсон омили, яъни жамият аъзоларининг маънавий комиллиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтган эди. «Сир эмаски, — деган эди Президент, — ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир». Шундан кейин Президентимиз таълим-тарбия соҳасида «совет мактабидан» бизга мерос бўлиб келаётган қурсурларга тўхталиб, улардан қутулиш зарур эканлигини айтган. Шу билан бирликда 70-йилларда таркиб топган ва замон талабига жавоб бермай қолган таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш зарурлигига тўхталди. «Қисқача қилиб айтганда, — деган эди И. Каримов, — ҳаётимизнинг ўзи уларнинг янги таркибдаги ва ягона услубдаги замонавий ўрта махсус касб-ҳунар ва билим ўқув юртларини ташкил қилишни тақозо этмоқда?»¹.

Президентимиз «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни таҳлил қилар экан, таълим-тарбия ислоҳотини босқичма-босқич ўтказиш мақсадга мувофиқ, деб таъкидлаганди. Биринчи босқич ўтиш даври бўлиб, уни 1997—2001 йилларда амалга ошириш режалаштирилган. Иккинчи босқич 2001—2005 йилларни ўз ичига олиб, бунда Миллий дастурни кенг миқёсда амалга ошириш мўлжалланган. Ва, ниҳоят, учинчи босқич 2005 ва кейинги йилларга мўлжалланган бўлиб, бу босқичда тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш кўзда тутилган.

Президентимиз Миллий дастурни шарҳлар экан,

¹ Ислон Каримов. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., «Шарқ», 1997. 5-бет.

кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ва фаолият кўрсатишнинг асосий тамойилларини амалга ошириш вазифаларини санаб ўтди. Буларга:

— барча хил ва турдаги таълим муассасаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

— давлат таълим стандартларини жорий этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш механизминини ишлаб чиқиш;

— ихтисослар, малака даражасига кўра мутахассисларга бўлган умумдавлат ва минтақавий талабларнинг истиқболини аниқлаш;

— таълим тизимини тузилиш ва мазмун жиҳатидан ислоҳ қилиш учун ўқитувчиларни ва мураббийларни қайта тайёрлаш;

— давлат ва ижтимоий муассасаларнинг касбга йўналтириш бўйича фаолиятини такомиллаштириш. Бунда касб танлашнинг бозор эҳтиёжлари ва имкониятларинини эътиборга олиш зарур, токи ҳар бир шахс ўзига мос касбни эгаллай олсин;

— ўқувчи ёшларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

— таълим муассасаларинини, биринчи навбатда умумий таълим мактабларинини давлат томонидан молиявий ва моддий-техникавий тўлиқ таъминлаш меъёрларинини ошириш ва унинг механизминини такомиллаштириш;

— кадрлар тайёрлаш тизими истеъмолчилари — корхоналар, муассасалар, фирмалар, ҳиссадорлик жамиятлари, банклар ва бошқа тузилмаларнинг имкониятларидан, биринчи навбатда, ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртлари ва олий ўқув юртларининг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш учун мумкин қадар кенгроқ фойдаланиш;

— кадрлар тайёрлаш ва таълим соҳасига чет эл сармоялари, халқаро донорлик ташкилотлари ва жамғармаларнинг маблағларинини жалб этиш;

— қонун доирасида ўқув режалари, дастурлари ва ўқитиш йўриқлари, таълимий хизматларни белгилашда таълим муассасаларига, биринчи навбатда, олий ўқув юртларига мустақиллик бериш ва ўзини-ўзи бошқариш усулларинини жорий этиш.

Шундан сўнг, Президентимиз таълим-тарбия соҳасининг асосий бўғини ҳисобланган узлуксиз таълим

босқичларини батафсил тавсифлаб берди, кадрлар тайёрлашнинг бу дастурини амалга оширишнинг мураккаб томонларини кўрсатди. Президентимиз аниқлаб берганидек, дастурни амалга оширишнинг энг мураккаб томони ўқув жараёнини ташкил этиш, таълим мазмунини белгилаш, уларни махсус дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари билан таъминлаш масаласидир. Ушбу дарслик бундан олдин чоп этилган ўқув дастури билан биргаликда маълум даражада бу муаммони ҳал қилишга йўналтирилган. Дастурда белгилаб қўйилган вазифаларни руёбга чиқаришда янги таркиб топаётган миллий педагогика илм-фани етакчи ўринни эгаллайди. Чунки мустақил фикр юритувчи, ўз соҳасининг билимдони, байналмилал ва демократик дунёқарашга эга бўлган шахсни фақат миллий педагогика ёрдамида тарбиялаш мумкин.

Янги шаклланиб келаётган миллий педагогика фанининг вазифаси. Республикамизда ва бошқа мамлакатларда чоп этилаётган педагогикага оид мақола, рисола ва монографик асарларни йиғиш, уларни жаҳон педагогика фани тўплаган умумий тамойиллар кўригидан ўтказиш, сўнг уларни яна бир бор синовдан ўтказиб, миллий педагогика назариясини яратиб бориш ҳамда шу назариядан келиб чиқиб Марказий Осиё ҳудудига мос таълим ва тарбия бериш усул ва услубларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Педагогика фанининг вазифаларидан келиб чиқиб, унга қуйидаги таърифни бериш мумкин: Педагогика фани, деб таълим-тарбияга оид билимларни муштарак ҳолда жамлаб, уларни саралаб, синовдан ўтказувчи ва бир тартибга келтирувчи, уларни бошқаларга ўргатувчи инсон фаолият турига айтилади.

Педагогика фанининг биринчи вазифаси бутун дунёдаги маърифат соҳасига тегишли билимларни тўплаб, уларни дидактика кўригидан ўтказиш. Дидактика кўригидан ўтказиш деганда, педагогикага тегишли мақола, рисола ва йирик асарлар мазмуни ва моҳиятини дидактика тамойилидаги талабларга солиштириб кўришдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, чоп этилаётган педагогикага оид асарларнинг 7—10 фоизи дидактиканинг тамойилларига тўғри келар экан. Шунинг учун педагогика фанининг биринчи вазифаси нашрдан чиққан педагогикага оид асарларни дидактика тамойилларига таққослаб, таҳлил қилишдир. Амалиётчи —

Ўқитувчи ва педагогларнинг вазифаси эса педагогик адабиётларни ўз фаолиятида кўр-кўрона қўллашдан масдан, уларга танқидий ёндошиб, дидактика таҳли-лидан ўтказиб қўллашдан иборатдир.

Педагогика фанининг иккинчи вазифаси, муайян асар дидактиканинг барча томоилларига мос келишлиги маълум бўлгандан кейин, унинг маҳаллий шароитга тўғри келиш-келмаслигини аниқлашдир. Чунки, ҳар қандай ижтимоий воқеликда, шу жумладан таълим-тарбия жараёнида ҳам, ҳукм сурувчи қонуниятлар маълум бир ижтимоий шароитнинг объектив борлигини қанчалик тўла ифода этган бўлишига қарамай, бошқа ижтимоий шароитга тўғри келмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам маорифчи олимлар, ўз ҳудудидан ташқарида педагогиканинг ҳамма қонуниятларига асосланиб яратилган таълим-тарбия усул ва услубларини ўз ҳудудида қайтадан синаб кўришлари шарт. Акс ҳолда четдан келтирилган усул ва услубларни педагогик самара беради, деб қўлланса, кутилган ижтимоий натижани бермаслиги мумкин. Яқин ўтмишимизда бунга мисоллар жуда кўп. Липецк усули, Амонашвили, Шаталов усулларини қўллашимиз деб, ҳеч қандай натижаларга эришилмади. Чунки улар бошқа ҳудуд шароитларида шаклланган усуллар эди.

Педагогика фанининг учинчи ва асосий вазифаси педагогик соҳада асрлар давомида тўпланган билимларни дарс беришнинг маълум усули ва услублари ёрдамида, тасдиқланган режа ва дастурлар асосида ўқитувчиларга бериш ва бу билимларни амалиётда қўллашни ўргатишдир.

Олинган билимларни текшириш учун саволлар:

1. Профессional ўқитувчилардан ташқари кимлар таълим ва тарбия билан шуғулланишлари мақсадга мувофиқ?

2. Ўзбекистон Республикаси қабул қилган «Таълим тўғрисида»ги Қонундан келиб чиқиб таълим сиёсатини таҳлил қилинг.

3. Ўзбекистондаги таълим-тарбия тизимини ва унда қўлланиб келинаётган педагогикани ислоҳ қилишнинг ижтимоий сабабларини айтиб беринг.

4. Ушбу фан ўқитилгандан кейин талабаларда қандай ижтимоий кўникма ва малақа таркиб топиши керак?

5. Эркин ва бахтли инсон, деб кимларни айтиш мумкин?

6. Келажаги буюк давлатни қураётган кишиларнинг энг умумий ижтимоий сифатлари қандай бўлиши керак?

7. «Миллий педагогика» тушунчасини таърифланг.

8. «Маънавият» тушунчасини таърифланг.

9. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни шарҳлаб беринг.

1-мавзу бўйича семинар машғулоти учун савол ва топшириқлар:

1. Педагогика, таълим-тарбия ҳақидаги фан ва унинг пайдо бўлишидаги ижтимоий ва иқтисодий шароитлар.

2. «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг шарҳи ва унинг аввалги таълим-тарбияга онд қонунларидан фарқи.

3. «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг мазмун ва моҳияти ҳамда тарихий аҳамияти.

4. Мамлакатимизда таълим ва тарбия ислоҳотининг бориши.

Адабиётлар: 1—10; 16—20.

ПЕДАГОГИКА ИЛМИНИНГ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ, ПРЕДМЕТИ ВА МАҚСАДИ ВА БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН МУНОСАБАТИ

Педагогика жамиятнинг таълим-тарбияга бўлган эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган инсоний фаолият соҳаси. Бу фан ўқитувчиларга билим бериш ва бу билимларни ҳаётда қўллай олиш сирларини ўргатади. Педагогика фанининг таълим-тарбия бериш билимларини манбаи қаерда? Жавоб: ҳамма фанлар қатори ўз илмидан олади.

Маълумки, инсон илмий фаолияти давомида тадқи-

қотлар олиб бориб, билимларни аниқлайди ва уларни ўз соҳа фанига узатади.

Фан эса, соҳа илми аниқлаган билимларни тўплаб, уларни саралаб, ўз ҳудудида қайта синовдан ўтказиб, уларни ўз хазинасида керакли тартибда сақлайди ва бу билимларни уни эгаллайман деганларга, маълум бир педагогик усуллар билан ўргатади. (1-расм.) Демак, соҳасидан қатъи назар, ҳар қандай илм ўз тадқиқотини бир бутунликка, яъни нарса ёки ҳодисага қаратган бўлади. Бу бутунлик нисбий бўлиб, ўз навбатида бир неча ўзаро функционал боғлиқ қисмлардан ташкил топган бўлади. Шунинг учун ҳам мажму деб номланади.

Бутун борлиқ чексиз катта ва кичик ҳамда шаклан турли-туман мажмулардан ташкил топиб, ҳар бири нисбатан бир бутунликни ташкил қилади. Шу мажмуларни ташкил қилувчи қисмлар орасидаги узвий алоқадорликларни ва бу мажмуларнинг хусусиятларини аниқлаб берувчи инсон фаолиятига илм, дейилади.

Мажмулар назариясига биноан уни ташкил қилувчи ҳар бир қисм ҳам ўз навбатида мажму ҳисобланиб, бир неча қисмлардан ташкил топган бўлади ва бошқа илм соҳасининг тадқиқот объекти бўла олади. Шу билан биргалликда ҳар қандай мажму ўзидан бир поғона юқори бўлган мажмуга қисм бўлиб киради. (2-расм.)

Муайян илм соҳаси ёки тармоқ илми тадқиқотларни аниқ бир мажмуга қаратиши шу илмнинг тадқиқот объекти, дейилади. Маълум бир илмнинг тадқиқот объекти, деганда мазкур илм ўз тадқиқотларини қайси мажмуга қаратганлигини тушунмоқ лозим.

Аmmo ҳар қандай мажму бир неча жабҳалардан иборат бўлади. Жабҳа деганда мажмуни ташкил қилувчи қисмлари ва ўз поғонасидаги мажмулар орасидаги узвий боғлиқлик тушунилиши керак.

Мажмуни ташкил қилувчи қисмлар орасидаги функционал алоқадорлик маълум нарса ёки ҳодисанинг алоҳида жабҳаси ҳисобланиб, илм учун тадқиқот предмети вазифасини ўтайди. Функционал алоқадорликни қонуният дейилади. Бир объектни бир неча илм соҳалари ўрганиши мумкин. Объект бир бўлса ҳам уларнинг ҳар қайсиси алоҳида тадқиқот қирраларига эга.

Ҳар қандай илм ўз олдига фақат битта мақсадни қўяди. Бу—ўзи мавжуд, ammo шу вақтгача илмда ўрганилмаган тадқиқот объектидаги қонуний алоқадорликларни

ИЛМ

Илмий тадқиқот усуллари
 брқали нарса ва ҳо-
 дисалар тўғрисидаги
 билимларни аниқлайди,
 яъни ўрганади ва тад-
 қиқот ўз таслиғини
 тошғач фанга беради

Билим

Билим

Билим

Билим

Билим

Билим

Билим

ФАН

Илм аниқлаб берган билим-
 ларни тўплаб, саралаб,
 ўз худудида сынаб кў-
 риб, тартиби билан
 сақлайди ва бошқалар-
 га ўргатади

Билим

Билим

Билим

Билим

Билим


Билим

Билим

АМАЛИЁТ

Фандан олган билимларини
 ҳаётда қўллайди. Етиш-
 маган билимларни аниқ-
 лаб, уларни илмий
 асослаб бериш учун
 илмга бужуртма беради

Мутахас-
 сисларМутахас-
 сислар



аниқлаш ва бу қонуниятлардан инсоннинг қандайдир эҳтиёжини қондиришда фойдаланишни кўрсатиб беришдир.


Мазкур фалсафий тушунчалардан келиб чиқиб, педагогика илмининг тадқиқот объекти, предмети ва мақсадини аниқлашга ўтамиз. Инсонга таълим-тарбия у она қорнида эканлигидан бошлаб, то қабрга киргунга қадар берилиши керак. Демак, таълим-тарбия, биринчидан, жараён, иккинчидан, у узлуксиз. Айнан шу жараённи педагогика илми ўрганганлиги сабабидан, педагогика илмининг тадқиқот объекти узлуксиз таълим-тарбия жараёнидир.

Педагогика илмининг тадқиқот предмети эса, таълим-тарбия жараёнини ташкил этувчи, билим ва тарбия берувчилар ҳамда уни ўзига қабул қилувчилар орасидаги педагогик муносабатдир. Педагогик муносабат деганда, фақат таълим ва тарбия бериш мақсадида намоён бўладиган муносабатларга айтилади (3-расм).

Педагогика илмининг тадқиқот олиб боришдан мақсади, таълим-тарбия берувчилар ва уларни олувчилар орасидаги педагогик муносабатларнинг кечиш қонуниятларини аниқлаш ва шу қонуниятлар асосида билим бериш ҳамда тарбияланувчиларни таълим орқали олган билимларини ҳаётда қўллай олишга ўргатиш усул ва услубларини яратишдир.

Педагогиканинг умумий тадқиқот объекти бир бўлгани билан таълим ва тарбия бериш босқичларига қараб: *она педагогикаси*, яъни онанинг боласи билан қорнидаги даврдан бошлаб қиладиган тарбиявий муносабати, *оила педагогикаси* — оила аъзолари билан тарбияланувчи болалар орасидаги педагогик муносабатлар; *оила ва ўқув муассасаларидан ташқари*, яъни *норасмий педагогика* — таълим-тарбия олувчининг кўча-кўй ва бошқа мактабдан ташқари муассасаларда оладиган таълим ва тарбияси, *мактабгача таълим педагогикаси* — *боғча таълими*, *мактаб педагогикаси* — *умумтаълим педагогикаси*, *касб-ҳунар педагогикаси*, *махсус педагогика* — *иқтидорли ва ақли заиф болаларнинг педагогикаси*, *олий таълим педагогикаси*, *малака ошириш педагогикаси* сингари тармоқларга бўлинади.

Бу таълим ва тарбия бериш босқичларидаги педагогик жараённинг кечиш қонуниятлари бир-биридан фарқ қилганлиги учун ҳар бир босқичнинг таълим-тарбия бериш усул ва услублари ҳам бошқачадир.



Расм 3. Узлуксиз таълим-тарбия жараёни.

Педагогика тадқиқот предметига қараб яна: педагогика тарихи ва назарияси, дидактика ва услубиёт деган соҳаларга бўлинади. Ҳар қандай илм-фаннинг назарияси, яъни асосий тушунча, атама ва қонуниятлар мажмуси тарихан таркиб топади. Муайян илм-фан назариясини тўлиқ билмоқчи бўлсак, унинг тарихини ҳам ўрганишга мажбурмиз. Педагогиканинг тушунча ва қонуниятлар мажмуини билмоқчи эканмиз, унинг тарихини ҳам ўрганамиз. Чунки ҳар бир қонуният, тамойил, тушунча ва атаманинг ўз шаклланиш тарихи бўлади. Шу нуқтан назардан педагогика назарияси ва тарихини бирлаштириб, алоҳида илм-фан — педагогика тарихи ва назарияси, деб ном берилган.

Дидактика — билим бериш назарияси. Аниқроғи, таълим-тарбия берувчилар ва уларни олувчилар орасидаги педагогик муносабатларнинг кечиш қонуниятларини аниқловчи ва шу соҳада қўлланиладиган тушунча, атама ва қоидаларни илмий асослаб берувчи ҳамда уларни бошқаларга ўргатувчи педагогик илм-фан тармоғидир.

Услубиёт — педагогика соҳасида тарихан таркиб топган ва аниқланган атама, тушунча ва қонуниятлардан фойдаланиб, дидактика тамойилларига асосланган ҳолда таълим ва тарбия беришнинг усул ва услубиётини яратувчи ва уларни бошқаларга ўргатувчи илм-фан тармоғидир.

Бу илм-фан турлари ўз навбатида бир қатор хусусий илм-фан турларига бўлинади. Масалан, она педагогикаси — «она педагогикасининг тарихи ва назарияси», «она тарбияси услубиёти».

Оила педагогикаси — «оила педагогикасининг тарихи ва назарияси», бизда энди шаклланиб келмоқда, «оила дидактикаси» шаклланиши керак: «оиладаги таълим ва тарбия услубиёти» бизда анча ривожланган.

Мактабдан ташқари педагогика — «Мактабдан ташқари педагогиканинг тарихи ва назарияси» ҳали шаклланмаган; «мактабдан ташқари таълим ва тарбия услубиёти» яқин ўтмиш давр педагогикасида яхши шаклланган.

Форобий, Инб Сино, Беруний ва Марказий Осиёлик бошқа алломаларнинг дидактик қарашлари ва Ян Амос Коменскийнинг «Буюк дидактика»си ўсмир болалар таълим-тарбиясига мос бўлиб, синф — дарс услубида олиб бориладиган таълим ва тарбияда асқотади. Бу тизим ва унинг тармоқлари — таълим-тарбия тарихи

ва назарияси: мактаб дидактикаси, мактаб таълими ва тарбия бериш услублари дунёда энг кенг ва яхши ривожланган босқичдир. Бу мавзу дарсликнинг кейинги бўлимларида батафсил ёритилган.

Олий педагогика — «олий таълим тарихи ва назарияси» — Болтиқ бўйи мамлакатларида ва Россияда яхши ривожланган; олий таълим дидактикаси, олий таълим усул ва услублари — бутун Европада яхши ривожланган илм-фан.

Малака ошириш педагогикаси — «малака ошириш педагогикасининг тарихи ва назарияси» — Болтиқ бўйи мамлакатларида ривожланган. «Малака ошириш дидактикаси» Болтиқ бўйи мамлакатларида қисман ривожланган. «Малака ошириш таълим ва тарбиясининг услубиёти» Болтиқ бўйи ва Россияда яхши ривожланган, бизда энди ривожланмоқда.

Кўриб турганимиздек, узлуксиз таълим-тарбия жараёнининг ҳамма босқичларида барча педагогик илм-фан тармоқлари бирдай ривожланган эмас. Уларнинг баъзилари тўлиқ шаклланиб, яхши тараққий этган бўлса, баъзилари эса ҳали таркиб ҳам топмаган. Келгуси педагог авлодларнинг вазифаси узлуксиз таълим ва тарбия жараёнининг барча босқичларидаги педагогик илм-фан тармоқларини ривожлантириб, ягона педагогик илм-фан тизимини таркиб топтиришдир.

Педагогика ижтимоий фанлар туркумидан ҳисобланиб, ўз навбатида фалсафа, мантиқ, тил, тарих, руҳшунослик, социология, ахлоқ ва одобшунослик ҳамда нафосат илм-фанлари билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳар қандай педагогик фаолиятнинг пировард мақсади ёш авлодда тўғри дунёқарашни шакллантириш экан, шу билан биргаликда диалектиканинг умумий қонунлари ҳар қандай инсон фаолиятида энг умумий методологик асос ролини бажарар экан, педагогика тўғридан-тўғри фалсафа билан боғлиқдир. Чунки у, киши дунёқарашини шакллантирувчи ва бутун борлиқнинг умумий ривожланиш қонуниятларини ўргатувчи фандир.

Тўғри фикрлашни, инчунин ўз фикрини тушунчалар орқали тўғри ифода этишни мантиқ фани ўргатганлиги туфайли ўқитувчилар мантиқ қонуниятларини, яъни тўғри фикрни шакллантириш услубларини яхши билишлари лозим. Шу нуқтаи назардан педагогика мантиқ фани билан чамбарчас боғлиқ.

Тўғри фикрлашни ўрганиб, фикрни она ёки хорижий

тиллар орқали бошқаларга тўғри етказиб бериш сирларини тилшунослик илм-фани аниқлаб беради. Таълим берувчи ўз фикрини тарбияланувчиларга тўғри етказиб бериши учун бир неча тилларни яхши билиши керак. У фонетика, грамматика, стилистика ва бошқа соҳаларнинг қонун ва қоидаларини яхши эгаллаган бўлиши шарт.

Болаларда миллий ғурурни шакллантириш учун улар ўзлари яшаб турган ҳудуднинг, унда истиқомат қилиб келаётган халқнинг тарихини билишлари шарт. Педагог бошқа фандан билимларни миллат тарихига, унинг алломаларига боғлаб ўтса, болаларда миллий ғурур пайдо бўла бошлайди. Бунинг учун педагог тарихни яхши билиши керак. Шу нуқтаи назардан педагогика тарих билан ҳам узвий боғлиқ.

Педагогик фаолият инсон тафаккурига таъсир этиб, унга билим бериш ва бу билимларга унда кўникма ва малака ҳосил қилдириб, унинг маънавиятини бойитишга йўналтирилган экан, педагог инсоннинг руҳий ҳолатини, унинг тафаккурида кечадиган жараёнларни яхши билиши ва бу жараёнларни бошқара олиши керак. Бундай билим ва кўникмага педагогни руҳшунослик фани ўргата олади, холос. Шу боис педагогика руҳшунослик фани билан ҳам узвий боғланган.

Педагог турли ижтимоий гуруҳлар билан ишлайди. Мисол, қизлар ва ўғил болалар; ёш болалар, ўспиринлар, катта ёшдагилар; шаҳарликлар, далачилар; ўзбеклар; тожиклар; руслар ва ҳоказо. Ҳар бир ижтимоий гуруҳнинг ўзига хос ижтимоий қобиғи (менталитети) мавжуд. Дарс берганда буларни ҳисобга олиш керак. Бундай билимларни социология бериши мумкин. Педагог социология қонун ва қоидаларини ҳам яхши билиши шарт. Демак, педагогика социология билан ҳам боғлиқдир.

Ўқитувчи ва педагоглар дарс ўтиш ва маъруза ўқиш жараёнида сўзлари равон, товуши текис ва юмшоқ ҳамда оҳангдор бўлиши учун қироатхонлик (риторика) билимларини эгаллаган бўлиши жоиз. Бу педагогиканинг риторика билан боғлиқ эканини кўрсатади.

Ҳар қандай ўқитувчи болаларга фақат ўзи эгаллаган билимларни эмас, айни чоқда ёшларга ахлоқ ва одоб билимларини ҳам беради. Бунинг учун ҳар бир ўқитувчи умуминсоний қадриятлар билан бирга миллий ахлоқ ва одоб сабоқларини яхши эгаллаган бўлиб, уларни тарбияланувчиларга сингдириши керак. Кўриб туриб-

мизки, педагогика ахлоқ ва одобшунослик — этика фани билан ҳам узвий боғланган.

Ундан ташқари педагогика эстетика билан ҳам боғлиқдир.

Олинган билимларни текшириш учун саволлар:

1. Маълумки, билимлар тури сон-саноксиз, инсоният ҳаётида бу билимлар қандай таркиб топади?
2. Мажму тушунчаси нимани билдиради?
3. Бир бутунлик деб нимага айтилади?
4. Тадқиқот объекти деб нимага айтилади?
5. Тадқиқот предмети деган тушунча нимани билдиради?
6. Ҳар қандай тадқиқодлардан кўзда тутилган мақсад?
7. Педагогиканинг тадқиқотлар, олиб боришдан мақсади?
8. Педагогика илмининг умумий тадқиқот объектини тушунтириб беринг?
9. Педагогика илмининг умумий тадқиқот предмети ни таърифланг.
10. Педагогиканинг таркибий қисмлари?
11. Педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги?

2-мавзу бўйича ўтказиладиган семинар машғулот саволлари:

1. Ҳар қандай илмининг тадқиқот объекти ва предмети қандай аниқланади?
2. Педагогика илмининг умумий тадқиқот объекти, предмети ва тадқиқотдан олдиға қўйган мақсади нимадан иборат?
3. Дидактика илмининг тадқиқот объекти, предмети ва мақсади.
4. Услубиёт мазмуни ва унинг тармоқлари?

Адабиётлар: 1,4,8,9,18,19,20,21,23,26.

МИЛЛИЙ ПЕДАГОГИКАНИНГ ҚИСҚАЧА ТАРИХИ ВА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Инсоният ўзининг тарихий тараққиёти даврида таълим-тарбияга бўлган эҳтиёжини қондириш учун маърифий жараёнда объектив қонуниятларни аниқлайди ва шу асосда таълим-тарбия услубларини яратади.

Маълумки, ибтидоий жамиятда кишилар ўзларининг жуда оддий меҳнат фаолияти жараёнида кўпгина эҳтиёжларини қондирганлар. Ўғил болалар эркаклар билан юриб, ов қилиш, қурол ясаш ишларини бажарганлар. Қизлар эса уйда қолиб, оналарига қарашар ва уй меҳнатининг барча турларини ўрганар эдилар. Бу даврда узлуксиз таълим-тарбия жараёни ягона халқадан иборат бўлиб, онладан бошланиб, шунинг ўзида тугар эди.

Уруғчилик жамоасида одамларнинг меҳнат фаолияти соҳаларга ажрала бориб, болаларда касб-ҳунарга интилиш фаоллашиб борди. Ота-оналар болаларига ўз касбини ўргатиш билан бирга, уларни амалда қўллашни ўргата, айни чоқда одоб ва ахлоқдан ҳам таълим бера бошлаганлар.

Жамият тараққиёти жараёнида одамларда ерни ўлчаш, сув тошқинининг олдини олиш, кишиларни даволаш, жамиятни бошқариш усулларига онд билимларга эҳтиёж орта борди. Натижада меҳнатни тақсимлаш тамойили вужудга келиб, ёзувга ва уни ўқитадиган ўқитувчиларга талаб пайдо бўлди. Дастлаб расмкашлик ривожланиб, пиктографик хат юзага келган бўлса, кейинчалик ҳарф билан ёзиш усули пайдо бўлди ва тез тарқала бошлади.

Таълим-тарбия ривожланиб бориши билан маърифий жараённинг қонуниятлари аниқланиб, шу асосда билим бериш ва кўникма ҳосил қилиш усуллари ҳам яратила бошланди. Натижада маърифатнинг назарий асослари шакллана борди. Одамларга таълим-тарбия беришни ўзига касб қилиб олган кишилар ҳам пайдо бўла бошладилар. Шулардан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия соҳаси ва шу соҳа соҳиблари вужудга келди. Аста-секин таълимий мақсадлар ҳам шаклланиб, одамнинг ижтимоий сифатлари аниқлана борди.

Геродотнинг «Тарих» китобида қадимги сақлар, форслар ва массагетлар инсондаги энг шарафлайдиган сифат жасурликдир, дейилган. Шунга кўра, улар ўғил

болаларни беш ёшдан йигирма ёшгача фақат уч нарсага: **отда юришга, камондан отиш ва адолатли бўлишга ўргатишган.**

Император Ян Ди (615—716)нинг элчиси Вэй-Цзининг ҳисоботларида ҳам Самарқанддаги таълим-тарбияга оид маълумотлар мавжуд. «Аҳолиси моҳир савдогарлардир. Уғил бола беш ёшга тўлар экан, унга **савод ўргата бошлайдилар**», — дейди ўзининг маълумотида Вэй-Цзи.

Бизгача етиб келган эпик ривоятларда аждодларимизнинг **ватанини, халқини севиш, ор-номус ва дўстларига, сафдошларига садоқат каби ижтимоий сифатлари, бурч ҳисси, ҳар қандай машаққатларга бардош бериш уларнинг асосий хислатлари бўлган.**

Зардўштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто» да ҳам таълим-тарбия масалаларига катта аҳамият берилган. Унда: «Тарбия ҳаётнинг энг муҳим тиргаги, таянчи бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш лозимки, у аввало яхши ўқишни, кейин эса ёзишни ўрганиш билан энг юксак поғонага кўтарилсин»¹, — дейилган. Авесто»нинг яна муҳим томони шундаки, унда ер, сув ва ҳаво муқаддас деб эълон қилиниб, атроф муҳитни ифлос қилган ва уни асраш қоидаларини бузганлар қамчи билан жазоланганлар.

«Авесто»да инсон ўз меҳнати туфайли барча ёмонликлардан, ёвузликлардан қутулиши мумкин, деган улуғ ғоя ётади. Унда ахлоқийликнинг асоси — саховатлилик, деб кўрсатилган. Ахлоқ — яхши фикр, сўз ва ҳаракат бирлигидан иборат, дейилган.

Марказий Осиёга Ислом кириб келиши билан бу анъанавий сифатлар мустаҳкамланиб бойитилди.

Ислом ақидалари, унинг ахлоқий, ҳуқуқий тамойилларининг асосий манбаи «Қуръони карим»дир. Бу муқаддас китоб кишиларни тенгликка, биродарликка, тинч-тотув яшашга, эзгуликка ундайди. Ислом одамларни яхшиликка даъват этади, ёмонликдан қайтаради. Инсонпарварликни тарғиб этиб, разолатни қоралайди, одоб-ахлоқ, руҳий-маънавий поклик ва камолатга, меҳнат қилишга ҳамда ер юзини обод ва гўзал қилишга ундайди. У адолат, тенглик, тинчлик ва эркин тараннум этади.

Қуръонда иймоннинг ўзига хос мезони саналган

¹ А. О. Маковельский. Авесто. Баку, «Азербайжан», 1960, 18-бет.

саховат, меҳмоннавозлик, жасорат, сабр-қаноат, тўғрилик, вафодорлик ва садоқатлилика катта эътибор берилган. Унда кишилар орасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш тўғрисида ҳам кўрсатма бор. Бу олий даражадаги инсоний хислатлар бўлиб, пок қалбли кишиларгина бунга эриша олади, дейилади. Бу хислат тинчлик, осойишталик келтиради. Шунинг учун кишиларнинг ўзаро дўстона алоқаларини мустақкамлаш мусулмончилик талабларидан саналади. Мусулмонларнинг иккинчи муқаддас китоби — ҳадисларда инсоннинг маънавий камолот мезони, унинг тафаккур доираси, дунёқарашининг кенглиги, билимларни қай даражада эгаллаганлиги кўрсатилган. Жамиятга ва ўзига фойда келтирувчи шахс бўлиб етишишда муҳим омил — билим эгаллаш, деб қайд қилинган.

Имом ал-Бухорийнинг тарбия ҳақидаги қарашларида жаҳолат кишига ўлим келтирувчи фожиа сифатида қораланади. У одамларни тўғри сўзли бўлишга, ваъдага вафо қилишга даъват этиб, мунофиқ кишининг учта белгиси борлигини кўрсатади, улар: ёлғон гапириш, ваъдага вафо қилмаслик ва омонатга хиёнат қилишдан иборатлигини айтади. У мусулмон кишини ҳақорат қилишни гуноҳ, у билан уришишни кофирлик, деб билади. У инсоннинг куч-қудрати жисмонан паҳлавонлигида эмас, балки жаҳл чиққанда ўзини тия олишда, деб ҳисоблайди. Имом ал-Бухорийнинг таълим-тарбия хусусидаги таълимотида ахлоқий қарашлар муҳим ўринда туради. Унинг уқтиришича, баланд товуш билан ўринсиз кўп кулиш бошқалар дилига озор берувчи хислатдир. Халққа ёқимли ва эҳтиромли бўлиб, унинг муҳаббатига сазовор бўлишни гўзал ахлоқлилиқ, деб билади аллома. Улуғ мутафаккир оилавий муҳитнинг барқарор, тинч, оила аъзоларининг соғ-саломат, тўқ бўлишини истайди. Шундай бўлган оила бахтиёрдир, дейди.

Мутафаккир асарида кичикларга шафқатли, катталарга ҳурматда бўлиш зарурлиги алоҳида таъкидланади. У ўз таълимотида билим ўрганиш, уни ўргатиш йўллари ва усуллари масаласига ҳам алоҳида эътибор берган. Умуман, улуғ юртдошимиз Имом ал-Бухорийнинг «Ал-адаб ал-муфрад» асарини умуминсоний ахлоқий қадриятлар дурдонаси, десак ҳеч муболаға қилмаган бўлаемиз.

Аллома Абу Исо ат-Термизий (824) ёшлиқ чоғидан ҳадис мутолаасига киришиб, тезда ҳадисларни тўплай

бошлаган ва бу ишда шуҳрат қозонган. Имом ат-Термизийнинг «Сунан» китобида келтирилган ҳадисларда унинг таълим-тарбияга оид фикрлари кўп учрайди. Чунончи: «Хайрли ва яхши ишлар қилишга даъват этишинг ва зулмдан қайтаришинг — сенинг садақанг», «Адашган кишиларга тўғри йўл кўрсатишинг ҳам — садақа», «Ҳатто камбағалларга хушмуомалада бўлишинг ҳам — сенинг садақанг», «Ерда халақит бериб ётган бирор тош, тиканак ёки суякни бир чеккага олиб қўйишинг — садақа», «Ўз пақирингдан бошқаларнинг идишига сув солиб беришинг ҳам садақанг ҳисобланади». Соғлом танда соғ фикр бўлади, деган халқ мақолига амал қилиб, аллома ёшлигиданоқ соғлиқни сақлашга, вақтни бекор ўтказмасликка даъват этади: «Икки нарса борким, кўпчилик уларнинг қадрига етмайди: бири соғлиқ, иккинчиси бўш вақт».

Имом ат-Термизий тўплаган ҳадислар орасида болаларни ахлоқ-одоб, марҳумларга ҳурмат руҳида тарбиялаш тарғиб этилади: «Чинакам сабр-тоқатли деб мусулмон кишининг мусибат юз бергандаги чидамлигига айтилади», «Марҳумларнинг фақат яхши сифат ва қилмишларини сўзланглар. Ўлган киши ҳақида ёмон сўзлар айтилмасин». Ҳақиқий мўмин деб хушхулқ ва аёлига нисбатан хушмуомала кишига айтилади».

Ислом динининг маърифатга бўлган ижобий муносабати ислом дунёсида катта кўтаринкилик руҳини пайдо қилди.

Бу кўтаринкилик бутун Араб халифалигининг, Яқин ва Урта Шарқнинг жонланиш даври деб аталди. Бу жараён IX асрдан бошлаб XV—XVI асрларгача давом этди.

Шарқ жонланиш даврида илм-фан ривожланиши уч йўналишда бўлди. Биринчи йўналиш — математика-тиббиёт йўналиши бўлиб, буларга математика, астрономия, кимё, геодезия, минералогия, тиббиёт, фармакология ва бошқа шунга ўхшаш фанлар киритилиб, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғонийлар математикага оид, Закариё ар-Розий ва Ибн Сино кимё ва тиббиётга оид йирик асарлар яратдилар.

Иккинчи йўналиш — ижтимоий-фалсафий йўналиш, бунда фалсафа, тарих, матниқ, фикҳ, руҳшунослик, нотиқлик ва шунга ўхшаш бошқа фанлар бўлиб, бу соҳада қомусий олимлар Форобий, ал-Киндий, Ибн

Сино, Заҳириддин Байҳақий, Муҳаммад Наршахий ва бошқалар фаолият кўрсатганлар.

Учинчи йўналиш — таълим ва тарбия йўналиши бўлиб, бу соҳада қомусий олимлар ўз қарашларини ижтимоий-фалсафий ва илмий асарлари таркибида ёки ахлоқий асарларида баён этсалар, адиб ва тарбияшунос олимлар ўз асарларида таълим-тарбиянинг назариясини ифодалаганлар. Маълумки, Шарқ жонланиш даврида инсон муаммоси маънавий соҳасидаги асосий масала бўлган. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия масалаларига катта эътибор берилган.

Маърифий рисолаларда асосан ахлоқнинг назарий ва амалий масалалари таҳлил этилган. Форобий, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Тусий, Даввоний, Кошифий, Қайковус, Саъдий, Жомий, Навоийларнинг «Фозил одамлар шаҳри», «Бахт саодатга эришув ҳақида», «Ахлоқ ҳақида рисола», «Ишқ рисола», «Қутадғу билик», «Ахлоқи Носирий», «Ахлоқи Жалолоий», «Ахлоқи Муҳсиний», «Ҳиббатул ҳақойиқ», «Қобуснома», «Гулистон», «Бўстон», «Маҳбубул қуллуб» каби таълим ва тарбияга онд асарлари инсон шахсини, маънавиятини шакллантириш муаммосини ҳал этишда соф маърифий асарлар сифатида муҳим аҳамиятга эга. Мазкур асарларда инсоннинг маънавий камолга етишиши юксак хулқ-одоб, илм-фанни эгаллаш асосидагина амалга ошиши мумкин, деган ғоя илгари сурилган.

Шарқ жонланиш даври маърифатчилигида касб-ҳунарни эгаллаш илм ўрганиш билан баб-баравар олиб борилиши талаб этилади. Ҳар бир ёш йигит, у қайси табақа фарзанди бўлмасин, касб-ҳунар ўрганиши зарурлиги алоҳида таъкидланади. Ҳар бир ҳунарманд ўз касбига эътиқод ва ҳурмат билан қараши, вазифасини садоқат билан адо этиши зарур.

Шарқ жонланиш даврининг мутафаккир олимларидан бири **Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийдир**. У математика соҳасида янгилик яратган назарийчи ҳамда маърифатчи олим сифатида тарихда ном қозонган.

Хоразмий илмий мероси билан билим назариясига улкан ҳисса қўшди. «Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр вал-муқобала» асарида сонли квадрат ва чизиқли тенгламалар, уларни ечиш йўллари баён этилади.

Хоразмий билим беришда талабанинг шахсий кузатишларига ҳамда олган билимларидан фойдаланишига

катта эътибор берган. Бунда у билим изловчиларнинг илмий тадқиқот манбаларини тўплаш, улардан фойдаланиш ва кузатганларини тушунтира олиш, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишларига катта аҳамият беради.

Кўпчилик мутафаккирлар қатори Хоразмий ҳам билим беришнинг кўрғазмали тажриба усуллари, савол-жавоб, кўникма ва малакаларини шакллантиришда билимларни синаш усулидан фойдаланган.

Хоразмий билишни сезгидан мантиқий тасаввур орқали фарқ қилиш ҳақида фикр айтган: «Сезги орқали билиш қисман билиш бўлса, мантиқий билиш эса ҳақиқатий билишнинг муҳим томонини намоён этади».

Хоразмий билиш назариясига муҳим ҳисса қўшиб, биринчилардан бўлиб синов — кузатиш ва синов усулларига асос солди, самовий жисмларнинг ҳаракатини акс эттирувчи жадвал асосида математик масалаларни алгоритм усулида ечишни ишлаб чиқди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Хоразмий таълим усуллари ва илм-фанга қўшган улкан ҳиссаси билан инсонни ақлий камолга етказишда ўз ўрнига эгадир.

Ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти мутафаккир **Абу Наср Форобий** номи билан боғлиқ бўлиб, унинг инсон камолоти ҳақидаги таълимоти таълим-тарбия соҳасида катта аҳамиятга эга. Машҳур юнон файласуфи Арастудан кейин Шарқда ўз билими, фикр доирасининг кенглиги билан ном чиқарган йirik мутафаккир Форобийни «муаллим ус-соний («иккинчи муаллим»)» деб атайдилар.

Форобий ўз асарларида таълим-тарбиянинг муҳимлиги, унда нималарга эътибор бериш зарурлиги, таълим-тарбия усуллари ҳақида фикр юритади. «Фозил одамлар шаҳри», «Бахт ва саодатга эришув тўғрисида», «Ихсо ал-улум», «Илмларнинг келиб чиқиши», «Ақл маънолари тўғрисида» каби асарларида ижтимоий-тарбиявий қарашлари ўз ифодасини топган.

Форобий таълим-тарбиянинг асосий вазифаси жамият талабларига жавоб бера оладиган ва шу жамият учун хизмат қиладиган етук инсонни тарбиялашдан иборат, деб биледи. У таълим-тарбияга биринчи бўлиб таъриф берган олим.

Таълим деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш; тарбия—таълимнинг назарий фазилатларини, маълум ҳунарни эгаллаш учун за-

рур бўлган хулқ нормаларини ва амалий малакаларни ўргатишдир, дейди олим.

Абу Наср Форобий яна айтади: «Таълим деган сўз халқлар ва шаҳарликлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириш, тарбия эса шу халқлар ўртасидаги туғма фазилат ва амалий касб-ҳунар фазилатларини бирлаштириш, деган сўз».

Форобий фикрича, ер юзида фақат инсон билиш қобилиятига эга. Ҳақиқатни билиш эса, инсоннинг табиий ривожланиш ҳолатидан биридир, дейди. Инсон зотига икки хусусият мансуб, дейди аллома. Бири — табиатдан берилган хусусиятлар, иккинчиси — ўз хоҳиш ва ихтиёри билан таълим-тарбия орқали орттирилган хусусиятлардир. *Маърифат — тарбияланувчининг хоҳиши ва иродасини керакли йўналишда бошқариш санъатидир*, дейди Форобий.

Форобий фикрича, инсоннинг энг юксак хусусияти унинг бахтга эришганлигидадир. Бахтга эса, дейди аллома, фақат фойдали билимларни ўзида жамлаш орқали эришиш мумкин. Чунки инсон дил роҳатининг энг юқори чўққиси — билим олиш жараёнидадир.

Киши бахтга фақат мақтов ёки фақат койиш эшитиш орқали эришолмайди. У бахтга ҳам койишлар, ҳам мақтовлар эшитиш орқали эришиши мумкин, дейди Форобий.

Форобий хоҳиш-истак эркинлиги ва танлов эркинлиги орасидаги фарқни аниқлаб, ўзининг маърифий таълимотига асос қилиб олди. Унинг фикрича, *сезги ва тасаввурдан келиб чиққан хоҳиш-истаклар барча жонзотларга хос, бироқ бу хоҳиш-истакларни тафаккур элагидан ўтказиб, ўз ҳаракатини аниқ бир мақсад сари йўналтириш фақат инсонга мансубдир, дейди ва бу ҳолатни эркин танлов деб атайди.*

Форобий барча кишиларнинг юксак бахт эгаси бўлишини истаб, уларга тинмай назарий билимлар эгаллашни тавсия қилади. Чунки, кўп билимга эга бўлган кишигина ўз мақсадини тўғри танлай олади, дейди аллома. Яна у, назарий билимлар билан бир қаторда, киши ахлоқ ва одобга ўрганиб боришини таъкидлайди. Форобий фикрича, ҳақиқат ва яхшилик бир-бирига уйғундирлар. Билим олиш орқали киши ҳақиқатни англаса, ахлоқ ва одобни киши яхшиликни била олади, дейди.

Таълим-тарбия жараёнини амалга оширишда Форобий икки усулдан фойдаланишни тавсия қилади.

Агар тарбияланувчи билим олишга иштиёқи зўр бўлса, унга «юмшоқ усул»ни, агар ўқишга хоҳиши бўлмаса, «қаттиқ усул»ни, яъни мажбурлаш усулини қўллаш жоиз, дейди олим.

Инсоннинг деярли ҳамма ижтимоий сифатлари, дейди Форобий, ташқи ижтимоий муҳит таъсирида шаклланади ва ривожланади. Шунинг учун, кишининг инсоний сифатларини шакллантиришда мақсадга йўналтирилган таълим-тарбия ва тарбияланувчининг эркин танлови етакчи ўрин эгаллайди.

Форобийнинг билиш назариясига оид диалектик фикрлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Унинг фикрича, мулоҳазадан ҳақиқий билим босқичига ўтиш икки йўл орқали амалга ошади: 1) синтез усули; 2) анализ усули. Қизиғи шундаки, Форобийда бу усуллар индукция, дедукция усуллари орқали амалга оширилади.

Форобийнинг қуйидаги фикрлари долзарблигини шу кунгача йўқотгани йўқ. Унинг фикрича, билимни ёд олиш усулига нисбатан маъносини тушуниш анча афзалдир. Ундан ташқари, Форобий аёлларнинг билим олиш қобилиятини эркакларнинг билим олиш қобилияти билан бирдай деб ҳисоблаб, уни илмий асослашга уриниб кўрган.

Форобий маърифат назариясига оид бундай хизматларидан ташқари, таълим-тарбияни амалга оширишнинг бир қатор усулларини ҳам яратиб берганки, улар шу кунгача долзарблигини йўқотмаган.

Яна Форобий тарбия жараёнининг муваффақиятли кечиши учун тарбия берувчининг ўзи тарбияли бўлмоғи шарт дейди ва тарбия берувчининг бир қатор сифатларини таърифлаб беради.

Қомусий олим **Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний** X асрнинг иккинчи ярми ва XI асрнинг бошларида — ғоят мураккаб тарихий даврда яшади ва ижод этди.

Берунийнинг билимларни эгаллаш йўллари, усуллари ҳақидаги фикрлари ҳозирги давр учун ҳам долзарбдир. Таълим бериш жараёнида талабани зериктирмаслик, бир хил фанни ўргатавермаслик; узвийлик; изчиллик, мавзуларни қизиқарли асослаб, кўргазмали баён этиш ва ҳоказоларга эътибор бериш кераклиги уқтирилади.

Олим билим олувчиларга қалбни ёмон иллатлардан, инсон ўзи сезиши мумкин бўлмаган ҳолатлардан, қотиб қолган урф-одатлардан, ҳирседан, беҳуда рақо-

батдан, очкўзликдан, шон-шуҳратдан сақланиш зарурлигини уқтиради.

У барча иллатларнинг асосий сабабчиси билимсизликда, деб билган. Билимлар эгаллашда эса кишида билимга интилиш, қизиқиш ва ижтимоий муҳит ўрнини алоҳида таъкидлайди.

Билим олишда тушуниб ўрганишга, илмий тадқиқотчининг маънавий покликка риоя этишига алоҳида эътибор берган. Беруний фикрича, ахлоқийлик инсоннинг энг асосий сифати бўлиши керак. Бу хислат бирданига таркиб топмай, у кишиларнинг ўзаро мулоқоти даврида сараланиб, муайян ижтимоий муҳитда таркиб топади.

Беруний фахрланишни яхши хулқ маъносида ишлатиб, «Ёдгорликлар» асарида шундай дейди: «Фахрланиш — ҳақиқатда яхши хулқ ва олий феъллар, олдин кетиш, илму ҳикматни эгаллаш ва имконият борича мавжуд нопокликлардан тозаланишдир. Кимда шундай сифатлар топилса, ҳукм унинг фойдасига ва кимда булар етишмаса ҳукм унинг зарарига бўлади».

Мутафаккир инсон камолотида меҳнат ва меҳнат тарбиясининг ўрни ҳақида муҳим фикрларни баён этади. У ҳар бир ҳунар эгасини меҳнатига қараб турларга бўлади. Оғир меҳнат сифатида бинокор, кўмир қазувчи, ҳунарманд, илм-фан соҳиблари меҳнатини келтиради. Айниқса, илм аҳли — олимлар меҳнатига алоҳида эътибор бериш, уларга хайрихоҳ бўлишга чақиради, уларни маърифатчилар, жамият равнақиға ҳисса қўшувчилар, деб билади. Беруний инсон камолотида уч нарса муҳимлигини таъкидлайди — бу ҳозирги маърифат илм-фани ҳам эътироф қилувчи — **ирсият, ижтимоий муҳит** ва **тўғри таълим-тарбиядир**. Абу Райҳон Беруний назарида инсон камолга етишишининг муҳим омиллари маърифатли бўлиш ва юксак ахлоқлиликдир. Беруний илмий билишга доир, таълим усуллари ҳақидаги қарашлари билан маърифат назариясида ўзинга хос мактаб яратди.

Шарқда машҳур бўлган алломалардан бири, ўрта асрнинг буюк мутафаккири **Абу Али ибн Синодир**.

Маълумки, Ибн Сино ҳам бошқа мутафаккирлар каби ўзининг таълим-тарбияга оид қарашларини фалсафий, ижтимоий қарашлари билан боғлиқ ҳолда ифодалаган, махсус рисолаларда талқин этган.

Абу Али ибн Сино камолотга эришишининг биринчи мезони саналган билимларга етишишга даъват этган.

Чунки илм-фан табиат ва жамият қонуниятларини очиб, авлодларга етказди. Бу мақсадга етишиш учун инсон қийинчиликлардан қўрқмаслиги зарур, дейди. «Эй биродарлар! Одамларнинг ботири мушкулотдан қўрқмайди. Камолот ҳосил қилишдан бош тортган киши одамларнинг энг қўрқоғидир»¹. Зеро, билимли киши жасур, ўлимдан ҳам қўрқмайдиган, фақат ҳақиқатни билиш учун ҳаракат қиладиган бўлади, дейди у'фкирини давом эттириб.

У ҳақиқатни билиш учун билимга эга бўлиш кераклигини, лекин ҳар қандай билим ҳам ҳақиқатга олиб келмаслигини, инсон ўз билимининг ҳақиқийлигини англаш учун мантиқдан ҳам хабардор бўлиши зарурлигини уқтиради. Ибн Синонинг таълим усуллари ҳақидаги таълимоти асосида ҳам билимларни эгаллашда мантиқий тафаккурга, шахсий кузатиш ва тажрибаларга таяниш керак, деган ғоя ётади.

Ибн Сино болаларни мактабда ўқитиш зарурлигини қайд этар экан, таълим-тарбияда қуйидаги тамойилларга риоя этиш зарурлигини таъкидлайди:

— болаларга билим беришда бирданига китобга банд қилиб қўймаслик;

— таълимда енгилдан оғирга бориш орқали билим бериш;

— олиб бориладиган машқлар болалар ёшига мос бўлиши;

— жамоа бўлиб мактабда ўқитишга эътибор бериш;

— билим беришда болаларнинг майли, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш;

— ўқитишни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб бориш.

Юқоридаги масалаларга Ибн Сино ўзининг «Тадбири манзил» асарининг «Болани мактабда ўқитиш ва тарбиялаш» бўлимида тўхталиб, таълим ва тарбия жараёнини очиб беради.

Талабага билим бериш ўқитувчининг асосий бурчидир. Шунга кўра, Ибн Сино ўқитувчи қандай бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритар экан, шундай йўл-йўриқлар беради:

— болалар билан муомалада босиқ ва жиддий бўлиш;

¹ Ибн Сино. Фалсафий қиссалар. Т., «Бадий адабиёт ва санъат нашриёти», 1963, 15-бет.

— берилаётган билимни талабалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш;

— таълимда турли усуллардан фойдаланиш;

— фанга қизиқтира олиш;

— берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиш;

— билимларни талабаларнинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериш;

— ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиш зарур.

Ибн Сино инсоннинг шаклланишида унинг атрофини ўраб олган ижтимоий муҳит алоҳида рол ўйнашини, ана шу муҳит инсоннинг атроф дунёни билишинигина эмас, балки унинг хулқида яхши ёки ёмон жиҳатларнинг таркиб топишига ҳам таъсир этишини, шунинг учун ҳам болаларни тарбиялашда эҳтиёткор бўлиш, уни ёмон ижтимоий муҳитдан узоқроқ сақлаш зарурлигини уқтиради.

Ибн Сино инсон камолотида ақлий, ахлоқий тарбия билан бир қаторда жисмоний тарбиянинг муҳим аҳамиятини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан исботлайди.

Ибн Синогача инсоннинг камолга етишида жисмоний тарбиянинг таъсири ҳақида яхлит таълимот яратилмаган эди. Болага ҳали у туғилмасдан туриб ғамхўрлик қилиш, гўдаклик давридан бошлаб тарбияни бошлаш зарурлигини таъкидлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Ибн Синонинг таълим-тарбиявий қарашларида инсоннинг ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний ривожланиши унинг камолга етишишида асосий мезон сифатида талқин қилинади.

Халқимизнинг таълим-тарбияга онд қарашлари, хулқ-атворга онд хислатлари XI асрда яшаб ижод этган улуғ олим, мутафаккир **Маҳмуд Кошғарийнинг** «Девону луғотит-турк» асарида кенг баён этилган.

Бу асарда билим олишнинг қадри, олимларни ҳурмат қилиш, меҳмондўстлик, хушхулқлик, мардлик ва жасурликни тарғиб этувчи шеърлар кўп учрайди. Бундай шеърлар туркий халқлар қадим-қадимлардан бошлаб инсон шахсини шакллантиришда таълим-тарбияга катта эътибор берганлигини кўрсатади.

«Девону луғотит-турк»даги мақолларда таълим-тарбиянинг роли, дўстлик ва ҳамкорлик, меҳнатга муҳаббат, илм олишга ва касб-ҳунар эгаллашга ундаш, ватанпарварлик ва қон-қариндошлик туйғуси, тежам-

корликнинг оқибатлари, хулқ-одоб қоидалари, сиҳат-саломатликка оид ўғитлар талқин этилади.

Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср) ўз даврининг етук му-тафаккири, чуқур билимли, донишманд кишиси эди. Буни «Қутадғу билик» («Саодатга бошловчи билим») асарининг мундарижаси ва мазмунидан билсак ҳам бўлади. У ўз асарида тиббиёт, фалакиёт, тарих, та-бииёт, география, риёзиёт, ҳандаса, фалсафа, адабиёт, таълим-тарбия, фикҳга оид фикрларни баён этиб, файласуф ва қомусий олим сифатида ўзини намоён этди.

«Қутадғу билик» — бахт ва саодатга элтувчи би-лим, таълим деган маънони билдиради. Демак, асар номидан ҳам унинг панд-насиҳатлари, таълим-тарбияга оид, ҳар томонлама комил инсонни тарбиялайдиган етук маърифий асар эканлиги яққол кўриниб турибди.

Асарда илгари сурилган ахлоқий хислатларни са-наб ўтиш олимнинг таълим-тарбия, ахлоқ масалалари-ни қай даражада чуқур билганлиги адолат, ишонч, садоқат, хушмуомалалик, ширин сўзлик, саховат, мардлик, ҳимматлилик, тавозе, ҳурмат ва эҳтиром, тadbиркорлик, ақл-заковат, халоллик, эзгулик каби хислатлар улуғланади.

Қайковуснинг (XI аср) «Қобуснома» асари Шарқ-да сақланиб келаётган анъанага кўра панд-насиҳат тарзида ёзилган бўлиб, бир неча асрлардан бери халқ-ларни, жумладан, ёшларни ҳаётга, амалий фаолиятга тайёрлашда муҳим қўлланма бўлиб келмоқда. У Шарқ маърифатчилиги фикри тараққиётида инсон камолотини шакллантиришда муҳим ўринни эгаллайди.

Муаллиф одамлар хислатларини уч хилга бўлади; бири ақл, иккинчиси ростлик, учинчиси жувонмардлик. Жувонмардлик асосини Қайковус уч нарсада деб би-лади. Биринчиси — айтган сўзнинг устидан чиқиш, иккинчиси — ростликка хилоф қилмаслик, учинчиси — хайр ишини эътиборда тутиш¹.

Қайковус жувонмардлик йўлини танлаган ёшларга ўзини уч нарсадан: кўзни ёмон назардан, қўлни ёмон ишдан, тилни ёмон сўздан сақлашни тавсия этади.

Олим билим олиш йўлига кирган толибларга ҳам йўлланма беради:

— ҳамма вақт парҳезли ва қаноатбахш бўлиш, бекорчиликдан ўзини тийиш, доим шод-хуррам ва ҳа-

¹ Қайковус. «Қобуснома». Т. «Ўқитувчи», 1986, 153-бет.

ракатчан бўлиш, китоб ўқишга берилиш, илм йўлида қайғу-ҳасратга берилмаслик, билимни ёдда сақлаш учун такрорлаб бориш, ёд олиш, илмда ҳақиқат учун курашиш, тақлид қилмаслик, доим ўз ёнида китоб ва бошқа ўқув қуролларини сақлаш, оз сўзлаб, кўп тинглаш; илм йўлида мунозарадан чекинмаслик, лекин уни жанжалга айлантирмаслик, исбот ва далиллар билан ўз фикрини баён қилиш; олимнинг айтгани билан қилган иши бир бўлиши кераклиги, билимни чуқур ўрганиш, ҳар бир касб, соҳанинг билимдони бўлишда доимо камтар, оқил, халқпарвар бўлиш. «Билғил, ақл бир молдурки, уни ўғри ололмас, у ўтда ёнмас, сувда оқмас», — деган ибора ҳам Қайковусга тегишлидир.

Қайковуснинг «Қобуснома»си XI асрда юзага келган йирик тарбиявий асардир. Бунда ўша даврга хос ҳар бир ёш эгаллаши зарур бўлган ақлий, ахлоқий, жисмоний тарбия билан боғлиқ фаолият турлари — отда юриш, мерганлик, сувда сузиш, ҳарбий машқлар, ифодали ўқиш, хаттотлик, шеър ёзиш, мусиқа билимини эгаллаш, шатранж ва нард ўйинини билиш кабилар ўз ифодасини топган.

Қайковуснинг катта хизмати шундаки, у ёшларни ҳар томонлама камолга етказишнинг назарий масалаларини амалий фаолият билан боғлаб олиб борди, унинг ўғитлари ҳар қандай тузумда ҳам ўз қийматини йўқотмади ва амалий ҳаёт дастури сифатида ўз ўрнига эга бўлди.

Шарқ шеърятининг йирик вакили, файласуф, математик ва астроном **Умар Хайём (1048—1123)** «Борлиқ ва мажбурият ҳақида рисола», «Уч саволга жавоб», «Умумий фаннинг предмети ҳақида ақлнинг нури», «Мавжудликнинг умумийлиги тўғрисида рисола» каби асарлар яратган.

Умар Хайёмнинг таъкидлашича, соғлом фикр, зийрак ақл ва ўткир зеҳн инсонни баркамол қилиб шакллантиради; шунингдек инсон юксак ахлоққа эга бўлиши, яқинларини севиши лозим.

Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида маърифий жиҳатдан энг юксак саналган асарлардан бири **Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақоийқ»** асарида ҳам марказий ўринда инсон, уни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш масаласи туради.

Ўз даврининг забардаст мутафаккири ва етук мутасаввиф шоири **Нажмиддин Кубро Хивакий** (1145 йилда туғилган) рубоийларининг асосий ғояси—

комил инсонни тарбиялаш. У одамни ҳалокатга бошловчи нафс, хусумат, гумон, таъна, нифоқ, риё, фосиқлик каби ёмон феъл-атвордан халос бўлишга, фақат яхши ишлар қилишга, руҳий покликка чорлашга даъват қилади.

Хоразмлик мутафаккир **Сулаймон Боқирғоний** (1186 йилда вафот этган) одоб-ахлоқ ҳақида гапирганда, инсонда гўзал хулқ, нафси зоҳир ва нафси ботинни тарбия қилмоқни назарда тутди. Зеро шоирнинг инсоний гўзал фазилатларга даъват этилган ҳикматларини ҳар киши ўз ҳаётига татбиқ қилиши лозим. Айниқса, жамиятимизда маънавий тарбия ишларига алоҳида эътибор берилаётган бир даврда Боқирғонийнинг тарбиявий панд-насиҳатлари диққатга сазовордир.

Муслиҳиддин Саъдий XII аср Шарқ мумтоз маданиятининг йирик намояндаларидан. Унинг «Гулистон» асари Шарқ таълим-тарбия тарихида ўзига хос маърифий шоҳ асар сифатида тан олинган.

Бу асар инсонни камолотга етакловчи ҳикматлардан ташкил топган.

IV—XV асрларда Самарқандда яшаб ижод этган улуг аллома **Мирсаид Шариф Журжоний** (1340—1413) мантиқ, ҳуқуқ, фалсафа, тил ва бошқа фанларга оид 50 дан ортиқ асар ёзган. Унинг «Борлиқ ҳақида рисола», «Оламни акс эттирувчи ойна» каби асарларида фалсафа, мантиқ ва тарбияшуносликка оид бир қатор илмий ва назарий масалалар ёритиб берилган. У Шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбияга доир изланишларини ривожлантирди ва бойитди.

Марказий Осиёда кейинги илмий-маданий тараққиётда жонланиш **Соҳибқирон Амир Темур** (1336—1405) ва темурийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида юз берди.

Буюк бобокалонимиз ҳар вақт: «Инсонпарварлик ва мардликни Аллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди», — деган ҳикматни такрорлашни хуш кўрган ва ҳаётда шунга амал қилган.

Шуни айтиш керакки, Амир Темур одоб-ахлоқ, иймон, эътиқод, таълим-тарбия соҳасида ўзи юксакликка, мукамалликка эришган сиймолардан биридир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун унинг ўзи томонидан яратилган одоб ва ахлоққа оид дастурлар, ўғитлар, панд-насиҳатларни ўқиб чиқиш kifоя.

Амир Темур ўзининг «Темур тузуклари» асарида бундай дейди: «Мен сифатларимнинг энг аввали деб

беғаразликни тушундим. Ҳаммага ҳам бир хил: жиддий ва одил қарадим, ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қилмадим, бойни камбағалдан устун қўймадим».

Бу Амир Темурнинг энг асосий, биринчи сифати бўлса, унинг иккинчи сифати: «Мен ҳар доим Исломга қаттиқ риоя қилдим ва Аллоҳ таолонинг амри билан улуғланган шахсларга ҳурмат билан қарадим».

Учинчи сифати: «Мен камбағалларга кўп хайр-эҳсон қилдим. Ҳар можаро ва муаммони диққат билан текширдим ва уни мумкин қадар тўғри ҳал қилишга бутун жаҳдимни сарф қилдим».

Тўртинчи сифати: «Халойиққа раҳм қилдим, барчага наф еткурдим. Бунда бировга ноҳақ озор етказмадим ва мендан ёрдам сўраб келганларни кўкрагидан итармадим. Қуръондаги Парвардигорнинг, Аллоҳнинг амрига бўйсуниб ва халқига шафқат қилиш даркор, деган оятини ўзимга фарз билиб, ўқиб олдим ва умр бўйи барча юмушларимда унга амал қилдим».

Бешинчи сифати: «Исломга тааллуқли ишларни мен ҳар доим кундалик ва дунёвий ишлардан устун қўйиб келдим. Аввал тангрига итоатни адо этиб бўлгандан сўнг кундалик ишларга қўл урдим».

Олтинчи сифати: «Барча сўзларимда доим ҳақиқат-ғўйликка амал қилдим. Бу дунё ва у дунё ҳақида эшитганларимдаги ҳақиқатни ёлғондан ажрата олдим».

Еттинчи сифати: «Мен ҳар кимгаки, ваъда берсам, унга вафо қилдим, ҳаргиз ваъдага хилоф иш қилмадим. Мен доимо ваъдаларимни аниқ бажарсам, шундагина одил бўлишимни ва кимсага жабр етказмаслигимни англадим».

Саккизинчи сифати: «Доимо ўзимни Аллоҳнинг ердаги мулкнинг посбони деб билдим ва парвардигорнинг изнисиз уни сарф этмадим...»

Тўққизинчи сифати: «Мен ҳар доим тангрининг амрини ва унинг пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларини тўла адо этишга интилдим...»

Унинг сифати: «Мен ҳар доим инсоф байроғини баланд кўтардим ва иймон тарқатишни ўз буюклигимнинг қудратли замини деб билдим».

Ун биринчи сифати: «Мен доим саидларга эҳтиром билан қарадим, уламо ва шайхларни эъзозладим».

Шундай қилиб, соҳибқирон Амир Темурнинг ибратли, ҳаётий панд-насиҳатлари ва ўғитларининг ҳар бири мазмун ва маъно кенглиги, мантиқнинг кучлилиги, теранлиги, таъсири, умуминсоний қадриятлар асосида

қурилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади, уларни ҳадсиз хазина, одоб-ахлоққа оид дастурлар дея оламиз.

Темур ва Темурийлар даврида илм-фан ва маърифат тез тараққий этиб, у жаҳонда етакчи ўринларга чиқиб олди. Айниқса, **Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбек** (1394—1449) даврида илм-фан, адабиёт ва санъат, маърифатчилик тез тараққий этди. Айни, Улуғбек даврида ўқитувнинг синф тизимлари, болаларни ёши бўйича табақалаштириб ўқитиш, ўқув-тарбия ишларининг аниқ бир муддатини белгилаб қўйиш, хотин-қизларга таълим-тарбия беришни аниқ бир тизимга солиш ва бошқа кўплаб шунга ўхшаш ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, Улуғбек ўқиш муддатини қатъий 8 йил қилиб белгилаб қўйди.

Шунингдек, дарс беришнинг индивидуал усулидан жамоа усулига ўтказилди. Бунда ҳар бир гуруҳда ёш жиҳатига кўра, 15—20 ўқувчи бир вақтда сабоқ олар эдилар. Бу дарс ўтишнинг синф тизимига яқинлашиш эди.

Улуғбек кенг кўламда тадқиқот ўтказишга қодир, илмий кашфиётларни амалга ошира оладиган олий босқичдаги мадрасалар бўлишини ҳам орзу қилган. 1431 йилда Ғиждувонда қурилган мадрасадан айнан шу мақсадни кўзда тутган эди. Шунинг учун ҳам биз Улуғбек ҳақли равишда Самарқандда олий таълим тизимига асос солган, дея оламиз. Улуғбек мударрисларнинг инсоний хислатларига, билими ва маҳоратига катта аҳамият берган. Уларнинг барчаси давлат таъминотида бўлишини йўлга қўйган, энг маҳоратли ус-тозларни эъвозлаган. Айни пайтда, у мударрисларнинг дарс беришидан ташқари илмий тадқиқотларда ишти-рок этишларини талаб этган.

Улуғбек асос солган мадрасаларда илоҳий билимлардан ташқари илми тиббия, илми ҳикмат, илми кимё, илми наботот, илми нужум, илми ҳандаса, ҳарбий ва жисмоний тарбия каби ўнлаб зарурий фанлар ўқитилган.

Қомусий билимлар соҳиби, буюк мутафаккир **Алишер Навоий** фан ва санъатнинг турли соҳалари; адабиёт, тарих, тил, мусиқа, хаттотлик, тасвирий санъат, меъморчилик ва бошқа билимларни ривожлантириш билан бирга таълим-тарбияни такомиллаштиришга ҳам катта эътибор берганди. У ўзининг «Хамса», «Вақфия», «Мажолисун нафоис», «Муҳокаматул-луға»

тайн» асарларида тарбияга оид ўз қарашларини ифода этади.

Алишер Навоий ўзининг бадий асарларида комил инсон образларини яратиб, таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларини ифодалаган бўлса, маърифий асарларида комил инсонни шакллантиришнинг мазмуни, йўллари, усулларини баён этади. Алишер Навоий ўз даврининг илғор, маърифатпарвар алломаси сифатида исломдаги таълим-тарбия ақидалари, ўзидан илгари ўтган мутафаккирларнинг қарашларини анъанавий тарзда давом эттирди. Айниқса, инсон камолотида илм-фаннинг ўрни, ақл-идрокнинг аҳамияти, ақлий тарбиянинг моҳиятини ёритиб берди.

Алишер Навоий билим олишда барча фанларни ўрганишни тарғиб этади. У билимни узлуксиз ўрганиш зарур, дейди. Буюк аллома билим олиш тамойилларини ўз даврида тўғри ифодалаб, ҳатто таълим тизимини ўз даврида мактаб, мадрасаларда ўқиш, олим, ҳунарманд, санъаткорларга шогирд тушиб ёки мустақил ҳолда билим олиш имкониятларидан фойдаланишни тавсия этади.

Алишер Навоий ҳар бир инсон ақлли, ахлоқли, билимдон, оқил, доно, софдил, саховатли, сабр-қаноатли, адолатли, мурувватли, камтар, мард ва жасур бўлмоғи лозим, деб таъкидларди.

Навоий бундай фазилатларга эга бўлган баркамол инсоннинг фақат бадий образини яратиб қолмай, уни тарбиялаш усулларини ҳам баён этди ва маърифат, илм-фан тараққиётида «Назмул-жавоҳир», «Хайратул-аброр», «Маҳбубул-қулуб»дек шоҳ асарлари билан муносиб ўринга эга бўлди.

Умуман, ўрта асрда яшаб ижод этган алломалар, фозиллар, мутафаккиру уламолар маърифий таълим-тарбия асосларини яратиб бердилар. Улар қаторига **Абдураззоқ Самарқандий, Абдурахмон Жомий, Жалолиддин Даввоний, Ҳусайн Воиз Кошифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур** ва кўплаб бошқаларни киритса бўлади.

Темурийлар салтанатидан кейин Туркистон тожтахт талашиб олиб борилган қонли феодал урушлар майдонига айланди. Шу давр ичида илм-фан, маданият ва маърифа тҳам таназулга юз тутди. Бироқ шунда ҳам Тошкент, Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларда янги мадрасалар қад кўтариб, талабаларга диний ва дунёвий билимлар бериш йўлга

қўйилган. Айниқса, Бухоро мадрасаларининг шуҳрати баланд эди. Бунда жаҳоннинг кўплаб мусулмон давлатларидан келган талабалар таҳсил олар эдилар. Бу мадрасаларда таълим олганларнинг обрў-эътибори ҳам жуда юқори эди.

Бу даврда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида диний мафкура ҳукмрон эди. Сиёсий турмушда ҳам, оилада ҳам хулқ-атворда диний талабларга риоя этилар, мадрасаларда асосан илоҳий таълим асослари ўргатилар эди. Уқитиш усуллари ниҳоятда мураккаб ва қийин бўлганлиги учун мадрасаларни ҳамма талабалар ҳам муваффақиятли тугата олмасди. Истеъдодли, билимга чанқоқ талабаларгина очлик, қийинчиликларни енгиб, 15—20 йиллаб «мадраса тупроғини ялаб» уни тугатганлар. Улар ўз шаҳри ва қишлоғига бориб, масжидда имомлик ва мактабдорлик қилиб, тезда шуҳрат қозонганлар.

Мадрасани тугатганлардан мударрис, мутавалли, қози ва имомлардан ташқари, фан арбоблари, адиблар, шоирлар етишиб чиқарди. Чунончи: Бобораҳим Машраб, Муҳаммад Амин Косоний — Намангоний, Фазлий Намангоний, Шавқий Намангоний, Сайидо Насафий, Сўфи Оллоёр, Дилшод — Барно, Увайсий, Муҳаммад Мир Олим Бухорий, Абулғозий Баҳодирхон, Махтумқули, Саъдий, Залилий, Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ ва бошқалар ана шулар жумласидандир. Бу даврда Абулғозийнинг «Шажараи турк», «Шажараи тарокима», «Манофе ул-инсон» каби асарлари машҳур бўлди.

Сўфи Оллоёрнинг «Сирож ул-оҷизин», «Сабот ул-оҷизин» асарлари мактабларда савод чиқарилиши билан ўқитилар эди. Унда ислом динининг асосий вазибалари, ақидалари баён этилганди. Улар инсоний фазилатлар, бадний ҳикматлар ҳамда ҳикоятлар тарзида баён этиларди. Китобда илгари сурилган масалалар ояту ҳадисларга мувофиқ ёзилганлиги намён бўлади. Унда «Аллоҳ таолони танимоқ», «Аллоҳ таоло маърифатининг баёни», «Аллоҳ таоло саккиз сифатининг баёни» ва бошқалардан сўнг ислом динининг асосий қоидалари, юксак ахлоқий талаблар ҳикоятлар, ҳикматлар асосида баён этилиб берилади. Бу даврда мактаб, мадрасаларда грамматика, ҳандаса, мантиқ, қироат, тафсир, шариат, ҳикмат, ислом тарихи ва ақидаларига оид назарий билимлар, иш юритиш, бойлик тақсимоти ва шу каби бошқа ўнлаб дунёвий ҳамд диний билимлар ўргатилар эди.

Мазкур даврда тилшунослик, тарих фанлари ривожланди, шеърят кенг равнақ топди. Кўплаб асарлар араб, форс ва бошқа тиллардан таржима қилинди, халқ оғзаки ижодиға катта эътибор берилди. Халқ оғзаки ижодиёти орқали ёшларга қаҳрамонлик, меҳнатсеварлик, ҳақиқатгўйлик, садоқат каби ижтимоий сифатлар тарғиб қилинди. XIX асрда Ўзбекистонда ва умуман Марказий Осиё ҳудудида таълим-тарбия муаммолари билан махсус шуғулланувчи мутахассислар бўлмаган. Лекин даврнинг илғор кишилари, шоир ва алломалари ўз маърифий қарашлари асосида таълим-тарбияни ривожлантирганлар. Улар таълим-тарбиянинг моҳияти, ижтимоий роли, мақсад ва вазифалари, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни сингари масалалар ҳақида ўз фикрларини билдирганлар. XIX аср Марказий Осиёсида таълим муассасаларини аниқ бир тизими ҳақида гап юритиш қийин. Бу даврда асосан ўғил ва қиз болаларнинг саводи чиқариларди, диний таълим-тарбия бериларди. Мадрасаларда ўғил болаларга диний таълим берадиган олий таълим муассасалари бўлар эди. Демак, Марказий Осиё ҳудудида XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярми турғунлик даври бўлиб, минтақада ижтимоий ўзгаришлар зарурлиги сезилиб турган эди. Бунинг учун инсон тараққиёти тарихида ҳар доим бўлганидек, таълим-тарбия тизимини қайта қуриш, аниқроғи, уни янгидан шакллантириш талаб этиларди.

XIX асрнинг 60—80-йилларида Туркистон ўлкаси Чор Россияси томонидан истило қилингандан сўнг таълим-тарбия соҳасидаги таназзул янада чуқурлашди. Эндиликда Туркистондаги мактаб ва мадрасалар махсус ёлланган баъзи бир айғоқчилар томонидан тафтиш қилиниб, уларнинг фаолияти нотўғри талқин этилар таълим масканларида турли бидъатлар расм қилинар эди. Вақф мулкларини қисқартириш йўли билан бир қанча мадрасалар ёпиб қўйилди. Хуллас, чор ҳукумати-нинг мустамлакачи маъмурияти ўлкадаги эски мактаб ва мадрасаларга нисбатан турли хил кураш усулларини қўллаган. 1890 йилдан бошлаб идоравий йўл билан назорат қилиб туриш учун махсус инспектор (мубошир) лавозими таъсис этилган. 1896 йилдан бошлаб мактаб ва мадрасалар шаҳар ва уезд ҳокимлари орқали назорат қилинган.

Бу даврда Туркистон мактаб ва мадрасаларидаги тарбиявий ишларни генерал-губернаторлик бошқарар•

ди. Мустамлакачилар 1875 йилдан бошлаб эски усулдаги мусулмон мактаблари қаторида аввал ўз болаларини ўқитиш учун Туркистон ўлкасида ибтидоий ва ўрта мактабларни жорий қилишга киришдилар. 1886 йилдан эса рус-тузем мактабларини очдилар.

Туркистондаги «жонланиш»нинг учинчи тўлқинининг ёрқин намоёндалари жадидлар эди. Жадидлар ҳаракати тарихимизнинг порлоқ саҳифаларидан бири бўлди. Жадидлар фаолиятига назар солсак, улар нақадар ватанпарвар, фидойи, ўз ғояларини ҳимоя қилиш йўлида ҳатто ҳаётини қурбон қилишга ҳам тайёр мардинсонлар эканлигини кўрамиз. Уларнинг ҳар бири миллатни илм-маърифатли қилиш йўлида хормас-толмас курашчилар бўлганлар.

Улар танлаган йўл тамоман янги йўл бўлиб, миллий таълимни юксак чўққиларга олиб чиқишга қаратилган эди.

Лекин жадидлар чор ҳукумати даврида ҳам, большевиклар даврида ҳам рўшнолик кўрмадилар. Уларга миллатчи, жамиятга ёт унсурлар тамғасини босишди. Аслида улар ҳар қандай этник инсон жамоасининг табиий эҳтиёжи бўлган миллий мустақиллик тарафдорлари, миллий қаҳрамонлар бўлиб, тазйиқдан қутулишнинг бош йўли халқни ўқитиб билимли, маънавиятли қилишда, деб ҳисоблаган эл фарзандлари эдилар.

Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, жадидлар ҳаракатини тадқиқ этиш ва ўрганиш имкониятига эга бўлдик. Маърифатчилигимиз тарихида ўчмас из қолдирган жадидларнинг таълим-тарбия тўғрисидаги фикр ва ғояларини атрофлича ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Улар эски усулдаги мактаблар илм-фан тараққиётига маълум даражада тўсқинлик қилаётганини англаб, таълим-тарбия ишларини ва ўқитиш усулларини ислоҳ қилиш ғоясини кўтариб чиқдилар.

Жадидлар ҳаракати ижтимоий-тарбия ишларида алоҳида оқим сифатида XX аср бошларида Қрим, Қозон, Кавказ ва Марказий Осиёда шаклланди. Жадидликнинг йирик намоёндаларидан бири қримтатар Исмоилбек Ғаспирали (1851—1914) эди. У «Таржумон» рўзномасида мусулмон мактаб ва мадрасаларда диний билимларни, араб, форс, нужум, ҳандаса (жами 17 фан) билимларини ўргатишни ҳам тарғиб қилган.

Исмоилбек Ғаспиралининг ҳаракатлари натижасида

Бухоро амири унга биринчи жадид мактабини очишга рухсат берди.

Иккинчи жадид мактабини 1898 йилда Қўқонда Салоҳиддин очди. Шу йил Тўқмоқда ҳам янги усул мактаби пайдо бўлди.

1899 йилда Андижонда Шамсиддин ва Тошкентда Маннон қори янги усулдаги мактабларни очдилар. Шундай қилиб, 1903 йилда Туркистон ўлкасида 102 та бошланғич ва 2 та ўрта жадид мактаби бор эди.

Жадидлар 1908 йилда Бухорода рўзномалар нашр эттирдилар, янги усул мактаби («Мактаби усул жадид») ташкил қилдилар, бу мактабларда дин асослари билан бирга ҳисоб, география, табиатшунослик ва бошқа дунёвий фанлар ўқитилар эди. Бироқ ҳар қандай ислоҳий ҳаракатларга тиш-тирноқлари билан қарши турган жаҳолатпарастлар ифвоси билан амирлик салтанати янги усулдаги мактабларни ёпади. Шундан сўнг 1909 йил 18 июнда Бухоро жадидлари — ҳожи Рафий, Мирза Абдулвоҳид, Мунзий, Жамшид Хўжа Меҳрий, Аҳмаджон Маҳдум, Садриддин Айний, Муқимиддин Маҳдум, Абдурауф Фитрат, Усмонхўжа Пўлатхўжа, Садр Ашир ўғли ва бошқалар «Тарбия атфол» («Болалар тарбияси») номидаги яширин жамият туздилар. Бу махфий жамият камбағал-йўқсиллар учун мактаблар очди, уларни бепул ўқитди, омма орасида газета, журнал ва китоб тарқатди. Шу ҳаракатлари билан меҳнаткаш халқ фикрини уйғотишда катта ҳисса қўшди. «Болалар тарбияси» жамиятидаги маърифатпарвар жадидлар ташаббуси билан 1912 йилда тожик тилида «Бухорои шариф» ҳамда ўзбек тилида «Турон» газеталари нашр этилди. Жадид мактабларини битирган ўнлаб ёшлар ана шу жамият орқали мусулмон Шарқининг Истамбул, Анқара, Қоҳира, Макка шаҳарларига ўқишга юборилди. Жадидлик ҳаракати аста-секин инқилобий тус олгач, амир ва чор Россияси маъмуриятлари уларнинг фаолларини беаёв йўқ қила бошладилар. Юзлаб жадид фаолларини ҳибсга олиб, кўпларини қатл қилдилар.

Туркистон жадидларининг йирик намояндаси **Маҳмудхўжа Бехбудий (1878—1919)** Туркистон ёшларини маърифатли қилиш тўғрисидаги ғояларни тарғиб қилиб, улар ҳар томонлама маълумотли, маданиятли кишилар бўлиб етишишлари зарурлигини назарда тутади: бир тоифадагилар диний маълумотли кишилар бўлиб, улар миллатнинг диний мураббийлари сифати-

да исломнинг софлигини муҳофаза қилишлари, иккинчи тоифадагилар эса дунёвий билим эгалари бўлиб, улар ижтимоий ҳаётда мусулмонлар манфатларини ҳимоя қилишлари керак эди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий бутун онгли фаолияти давомида фақат халқ манфаатларини ҳимоя қилди, халқни бахтиёр этиш, фарзандларини саводхон қилиш учун курашди. 1914 йилда ёзилган «Ёшларга мурожаат» мақоласида «...исломият шундай дини метин ва қобили тараққийдурки, нақадар илми замонавий кўп ўқилса, инсоннинг дини исломга шунча ақидаси маҳкам бўлур...», «ҳатто лозим бўлганда мулкингизни сотсангизда, ўғлингизни замонча ўқимоғи сағий қилингиз», — деб таъкидлайди¹.

Шундай қилиб, Маҳмудхўжа Беҳбудий ўзбек халқининг миллий мустақиллик йўлида улкан истеъдодни, билимини, бутун куч-ғайратини, азиз умрини фидо қилди. Унинг ҳамфикрларидан тошкентлик жадидлардан **Мунавварқори Абдурашидхон** ўғли ҳам «усули савтил» мактабига ихлос билан қараб, чор ҳукумати Туркистон ўлкасидаги аҳолини маънавий-маданий қоқлоқликда сақлаётгани ва ундан қутулиш чоралари фақат мактаб таълим-тарбиясидаги кескин ислоҳотга боғлиқлигини тўғри тушунган ҳолда чор ҳукуматининг мустамлакачилик бошқариш усулига қарши курашда фаоллик кўрсатди. Мана шу мақсад йўлида Тошкентда илғор фикрли зиёлилар ва турли гуруҳлардан иборат «Турон» жадидлар жамиятини ташкил этди.

Мунавварқори Туркистон ўлкасининг иқтисодий ва маданий тараққиёт йўлига киришишида, мусулмон болаларига дунёвий билимлар беришнинг бирдан-бир йўли, энг аввало, мавжуд эски мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилиш, янги маърифат тармоқларини очиш, деб тушунган ҳолда, рус-тузем мактабларига қарши янги усулдаги мактабларни очишга аҳд қилади.

Ўзбек халқини маърифатли қилишга интилган Мунавварқори 1918 йил май ойида Тошкент шаҳрида «Турк ўчоғи» илмий-маданий жамиятини тузади. Ушбу жамият Туркистон туркларини миллий байроқ остида бирлаштириб, уларга миллий руҳ, миллий ғоя ва миллий тарбия бериш, миллий урф-одатлар асосида умумий турк маданиятини вужудга келтиришни ва шу

¹ С. Қосимов «Беҳбудий ва жадидчилик» «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 1990 йил 19 январь.

тариқа миллатимизнинг руҳий ва жисмоний қувватини орттиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Мунавварқори ана шу ғоя асосида астойдил иш олиб боради ва рус дорилфунуни қаторида мусулмон бўлимини очишга муваффақ бўлади. Уни дорилфунуннинг ўзбеклар учун махсус ўқитувчилар тайёрловчи бўлими «Дорилмуаллимин» очилишида сўзлаган нутқи эътиборга сазовор бўлиб, долзарблигини шу кунгача йўқотгани йўқ... Инсон маърифатли (билимли маъносида) бўлиб, кўзи очилмагунча виждони уйғонмаслиги, виждон уйғонмаса на ўзини, на халқини эркин муҳофаза қила олмаслигини, бу эса нймонсизлик эканини нозиклик билан ифода этади.

Мунавварқори 1926 йили қамоққа олиниб, унга «ёвуз ниятли жаҳид ва туркпараст», «миллатчи», «халқ душмани» тамғаси босилиб, 1931 йилда отишга ҳукм этилди.

Мунавварқорининг тақдирига бирин-кетин унинг сафдошлари ҳам шерик бўлишди. Улар қаторига Муҳсин Шермухамедов (1895—1929), Абдулла Қодирий (1894—1940), Муҳаммадшариф Сўфизода (1875—1943), Саидахмад Сиддиқий (1864—1929), Аваз Утар ўғли (1884—1919), Бобохун Салимов (1874—1929) ва бошқалар киритилди.

Хуллас, Турк заминида вужудга келган миллий уйғониш вакиллари — жаҳидларнинг аксар қисми маорифнинг мавжуд ҳолатига қарши бош кўтариб, ислохотлар ўтказиш, янги усул мактаблари ташкил этиш, туркистонликларни қисқа муддатда ривожланган, маданиятли ва фаровон турмуш кечирадиган халққа айлантириш йўлида ҳаракат қилдилар. Уларнинг эзгу амаллари, покиза ниятлари, илғор ғоялари авлодлар томонидан давом эттирилиб, 60—70 йилдан кейин уларни амалга ошириш имконияти пайдо бўлди. Бу имкониятни қўлдан бой бермай миллий мактаб ва унинг янги маърифат усул ва услубларини яратиш вақти келди.

Маърифатнинг қисқача тарихи таҳлили шунини кўрсатиб турибдики, у қайси даврда ва қайси ҳудудда шаклланиб, ривож топганлигидан қатъи назар, қуйидаги тамойилларга асосланган:

— одамларнинг ирқидан, динидан, миллатидан ва истиқомат қилиб турган жойидан қатъи назар, уларнинг таълим-тарбияга бўлган эҳтиёжи натижасида шу ижтимоий соҳа ва унинг илм-фани вужудга келди:

— маърифатнинг бирдан-бир мақсади аҳолига билим бериш ва уларни бу билимларни ҳаётда қўллай олишликка ўргатишдир;

— бундан мақсад одамларда тегишли кўникма ҳосил қилдириш, уларда ижобий ижтимоий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш;

— қадимги ва ундан кейинги асрларда яшаган аждодлар учун ростгўйлик, соғлом фикр ва жасурлик, одоб ва ахлоқийлик, меҳнатсеварлик, меҳмоннавозлик, иймон ва эътиқодлилиқ асосий хислатлар ҳисобланган;

— таълим-тарбияда оддийдан мураккабга, маълумдан номаълумга, умумийдан хусусийга бориш, кўргазмалилик ва узлуксизликка амал қилиш, тушунарли тилда, ҳаётий мисолларда ҳамда замонавий усулларда баён қилиш.

Педагогика ҳам бошқа фан соҳалари сингари ўзининг асосий тушунчалари ва талқинига эга. Маърифат — бу таълим ва тарбияни амалга оширувчи инсон фаолияти соҳаси. Билимга эга ва уни бошқаларга ўргатиш истаги бўлганлар «таълим-тарбия берувчи»лар — ўқитувчи, домла, маърузачи деб номланади. Билимга талабгорлар — «билим олувчи»лар — ўқувчи, талаба, тингловчи, шогирд деган номлар билан аталади. Билим бериладиган муассасаларга мактаб, академик-лицей, коллеж, институт, университет, академия кабилар киради. Кўриб турибмизки, педагогик жараённинг бир қатор тушунчалари мавжуд экан. Бу ижтимоий воқеликнинг асосий мақсади бўлган билим бериш — таълим ва тарбия жараёнида амалга оширилади. Шундай экан, педагогик тушунчаларга таъриф беришни айнан мана шу атамалардан бошладик.

Билим — бир бутунликни ташкил қилувчи қисмлар орасидаги уларнинг ички заруриятдан келиб чиққан боғлиқликдир. Уни қонуният деб ҳам юритилади. Чунки бу зарурий боғлиқлик нарса ва ҳодисаларнинг табиатидан келиб чиқиб, бизнинг ихтиёримиздан ташқари ўзи мавжуд. Уни ўзгартириб бўлмайди. Билим кишидан кишига маълумот (ахборот) орқали ўтади.

Маълумот — у икки маънода ишлатилиб, иккиси ҳам педагогикага тегишли. 1. Хабар — ўқиш жараёнини амалга оширувчи восита. Билимли кишининг унга талабгор бўлганларга билим бериши, етказиши. Маълум қилиш деб, тил ва кўргазмалар ёрдамида уни бошқаларга билдиришдир. 2. Билим даражаси. Ўқиш, билиш, яъни борлиқдаги объектив мавжуд қонуният-

ларни ҳис қилиш натижасида олинган билимлар йиғиндиси — паст маълумотли, ўрта ва юқори маълумотли ва ҳоказо.

Таълим — маълумотни маълум бир тартибда бериш ва уни олиш жараёни. Бу жараён бир қатор маърифий усул ва услублар орқали амалга оширилади. Таълим турлари кўп: ахлоқ-одоб таълими; табиий билимлар бўйича таълим; техник таълим; касб-ҳунар таълими; сиёсий таълим ва ҳоказо.

Тарбия — кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг уч хил талқини мавжуд. 1. Болани боқиб, вояга етказиш. 2. Парвариш, қаров, тарбиялаб ўстириш. 3. Қишининг олган билимларини амалиётда қўллай олишга ўргатиш. Масалан: одоб ва ахлоққа ўргатиш — ахлоқий тарбия, ҳунар-касбга ўргатиш — ҳунар тарбияси; шариат қоидаларига ўргатиш — шариатга асосланган тарбия ва ҳоказо. Тарбия таълимсиз амалга ошмайди. Таълим беришдан мақсад, унинг кетидан тарбия беришдир, яъни таълим орқали эгалланган билимларни амалиётда қўллай олишга ўргатиш. Таълим ва тарбия тушунчалари ўзаро узвий боғлиқдир.

Шахс шаклланиши — инсон биоижтимоий мавжудот бўлиб, биологик ривож билан бир қаторда ижтимоий ривожлана бориб, камолотнинг маълум бир босқичида шахсга айланади. Қишида бир қатор ижтимоий сифатлар таркиб топади, илмий асосланган мустақил фикр шаклланади.

Ижтимоий тараққиёт — ташқи ва ички, бошқариладиган ва бошқарилмайдиган омиллар билан кишига таъсир этиш, яъни шахснинг шаклланиш жараёни англашилади. Инсоннинг ижтимоий тараққиётида мақсадга йўналтирилган таълим-тарбия етакчи ўринни эгаллайди.

Педагогик фаолият — жамиятнинг таълим-тарбияга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида умуминсоний сифатлар ва миллий фазилатларни шакллантиришни илмий асосланган режа — дастурга мувофиқ амалга ошириш, яъни авлодни ҳаётга тайёрлайдиган ижтимоий зарур фаолият туридир.

Педагогик жараён — ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги муносабат, билим бериш — билим олиш, ўргатиш — ўрганиш майлида кечадиган муносабатлар тизими.

Педагогик тамойил (принцип)лар — ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабатда бериладиган билим тури,

ҳажми ва мазмуни, шунингдек ўқув қуроллари ва тарбияланувчиларнинг руҳий хусусиятлари ва шулар ораларидаги зарурий боғлиқлик (қонуният)лардан келиб чиққан қондалар.

Педагогик тажриба — таълим-тарбия берувчи томонидан маърифатнинг тамойиллари ва таълим-тарбия беришнинг муайян усул ва услубларини тўлиқ ўзлаштириш ҳамда уларни амалда қўллашдаги реал шарт-шароитларни, болалар жамоаси ва ҳар бир шахснинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда амалиётда татбиқ этишдир.

Илғор педагогик тажриба — ўқитувчи томонидан маърифат фанининг тамойиллари ва таълим-тарбия беришнинг усул ва услубларини яхши ўзлаштириб, уларга ижодий ёндашган ҳолда, нисбатан самаралироқ усул ёки услуб яратиш тушунилади.

Шахснинг ҳар томонлама камолга етиши — маълум бир тарихий шарт-шароитлардаги шахс қобилияти ва иқтидори, унинг биоижтимоий моҳиятларини ташкил қиладиган ҳамма кучларни тўлиқ ривожлантиришдан иборат.

Педагогик муҳит — таълим-тарбия мақсадларига мувофиқ равишда тузилган шахслараро муносабатлар мажмуи.

Ижтимоий муҳит — инсон шахсини шакллантирувчи ижтимоий муносабатлар мажмуи. Ижтимоий тафаккур, турмуш тарзи ва шахслараро, гуруҳлараро муносабатларнинг ўзаро мувофиқ келиши ва бир-бирини бойитишидир.

Ички муҳит — кишининг ўзига хос асабий фаолиятларни, характернинг ўзига хослиги, ҳаётий тажриба ва ирсий тафаккур кўникмалари мажмуи, одатдаги руҳий ҳолатларда ўзини намоён этадиган таъсирчанлик ва воқеликка муносабатларнинг ўзаро бир-бирига мувофиқ келиши, бир-бирини тўлдириши ва бойитишдир.

Ирсийлик — кишининг ўзига хосликларини белгилаб берадиган анатомик, физиологик, психологик, ташкилий жиҳатлар, ота-она томонидан ирсий бирликлар орқали ўтказилган белгилар.

Руҳият — шахснинг субъектив қиёфаси, кишининг вужуди ва юқори даражада ташкил этилган материя— онги ҳамда руҳининг биргаликдаги ҳаракат маҳсулидир.

Ўз-ўзини англаш — кишининг ўзига ва ўз фаолиятига бир жамоа ёки бутун жамият нуқтан назаридан баҳо бера олиши.

Фаолият — қандайдир шахсий, гуруҳий, миллий ёки умуминсоний эҳтиёжларга жавоб берувчи мақсад сари йўналтирилган ҳаракат.

Таълим ва тарбиянинг инсонийлиги — педагогик жараёни, яъни таълим-тарбия берувчилар билан талаба орасидаги педагогик муносабатлар оқимини ўта инсоний (ўзаро ҳурмат, иззат ва муҳаббат) руҳида амалга ошириш.

Таълимни демократлаштириш — муайян жамият ва конкрет шахс эҳтиёжи ва имкониятидан келиб чиқиб, маълум билимлар тури ва ҳажмини эркин ҳолда танлаб олиш.

Мақсад — ҳар қандай ҳаракатни бошлашдан олдин ҳаракат якунида эришиладиган нарса ёки ҳодисани бутунлигича ҳамда унинг асосий кўрсаткичлари билан киши тасавурида пайдо бўлиши. Мақсад реал ва хаёлий бўлиши мумкин. Реал мақсад илмий асосланган бўлиб, объектив борлиқда содир этиладиган нарса ва ҳодисаларни ўзида намоён қилади.

Ақлий тарбия — табиатдан берилган ақлий кучлар, сезгилар, руҳий ҳолатлар, билувчанлик ва фаолият эркинлигини ривожлантириш натижасида инсонда мустақил фикр юритиб, олдига мақсад қўя олиш ҳамда кўзлаган мақсадига етиш қобилиятини шакллантириш.

Ахлоқий тарбия — онлада, меҳнат жамоаси ҳамда кенг жамоатчилик ўртасида ва умуман ҳамма жойда тартибга риоя қилиш ва умуминсоний қадриятларга асосланган ахлоқ ва одоб қоидаларини ўзлаштириш.

Жисмоний тарбия — инсоннинг ҳамма жисмоний хусусиятларини: анатомик, физиологик системаларини ҳар томонлама ривожлантириш, соғлом ҳаёт кечиришнинг афзалликлари, шарт-шароитлари ҳамда жисмоний маънавиятнинг зарурий асосларини шакллантириш.

Ҳуқуқий таълим-тарбия — инсонда ҳуқуқий билимларни ошириш, қонунларни яхши ўзлаштириб, уларга тўлиқ риоя этиш кўникмасини ҳосил қилиш.

Эстетик таълим-тарбия — инсонда завқ уйғотувчи ва уни ҳаракат, шижоат, қаҳрамонликларга ундовчи барча турдаги кўринишлар, ҳолатлар, ҳодисалар ва бадний-эстетик тафаккурни шакллантириш.

Иқтисодий таълим-тарбия — ишлаб чиқаришнинг жамиятда тутган ўрни, ишлаб чиқариш васиталари ва иш кучларининг моҳияти, улар орасидаги узвий алоқадорликни ўргатиш ва одамларда шу билимларга кўникма ҳосил қилишдир.

Экологик таълим-тарбия — экология илмидан билим бериш, уларда ташқи муҳит ва вужуд орасида узвий боғлиқлик мавжудлигини ҳис эттириш, табиий ва ижтимоий муҳитларга нисбатан оқилона муносабатда бўлиш кўникмаларини ҳосил қилдириш.

Педагогик мулоқот — бевосита таълим-тарбия билан боғлиқ мулоқот тури.

Маҳорат — ўзлаштирилган билимлар ва ҳаётий тажрибалар асосида барча амалий ҳаракатларни (шу жумладан дарс беришни) кам куч ва кам вақт сарфлаб бажариш.

Малака — киши эгаллаган билимлари кўникма босқичидан ўтиб, доимий ҳаракат турига айланиши, маҳорат ҳосил қилиши.

Қобилият — кишига табиатдан берилган иқтидор, лаёқат.

Жўшқинлик, мижоз (темперамент) — одамнинг хатти-ҳаракатлари ва ўзига хос табиати, руҳий кечинмалар мажмуаси.

Характер (инсон қиёфасининг тавсифий жиҳатлари) — инсон хатти ҳаракатларининг ўзига хослиги, одат тусига кириб қолган энг муҳим руҳий ҳолатлар, ақлий ва руҳий хусусиятлар мажмуи.

Ҳиссиёт — объектив дунёдаги нарса ёки ҳодисаларнинг киши сезги органларига бевосита таъсир этиш жараёни, руҳиятнинг оддий шакли, ички ҳис-туйғулар.

Идрок — мазкур муддатда сезги органларига таъсир этиш орқали бир бутунни ташкил қилувчи нарса ёки ҳодисаларнинг инсон онгида ўзича акс этишидир.

Диққат — фаолият кўрсатиш мақсадида танланган объектга онгининг жамланиш ҳолатидир.

Хотира — объектив дунё таъсирларини тасаввурда, ёдда сақлаш ва қайта тасвирлашга оид бўлган руҳий жараёнларнинг мажмуидир.

Тафаккур — билиш, англашнинг юқори шакли бўлиб, онгининг ўзида объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни ташкил қилувчи қисмлар орасидаги ва объектларнинг ўзаро алоқадорликларини акс эттиришидир. Бу воқелик объектив борлиқни тўғри акс эттириш чоғида қонуниятлар ҳамда тушунчалар даражасига қадар умумлаштиради.

Қасбга йўналтириш — жамият эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тарбияланувчига маълум бир касб-ҳунар ўргатишнинг маърифий жараёни.

Олинган билимларни текшириш

учун саволлар:

1. Инсониятда таълим-тарбияга эҳтиёж туғилишининг тарихий шарт-шароитлари тўғрисида гапириб беринг.

2. Қадимги Марказий Осиё ва Эрон ҳудудларида яшаган халқларнинг таълим ва тарбияга қўйган мезонлари тўғрисида нималар дея оласиз?

3. Зардуштийликда таълим-тарбия масаласи қандай талқин этилган?

4. Қуръони карим ва ҳадиси шарифда билим эгаллаш ва таълим-тарбия масаласида нималар дейилган?

5. Имом ал-Бухорий ва ат-Термизийнинг таълим-тарбия тўғрисидаги фикрларини таҳлил қилиб беринг.

6. Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино ва Бегунларнинг педагогик ғояларини шарҳлаб беринг.

7. Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Қайковус, Умар Хайём ва бошқа ўрта аср алломаларининг педагогика фанига қўшган ҳиссаларини гапириб беринг.

3-мавзу бўйича семинар машғулот

саволлари:

1. Билим, маълумот, таълим, тарбия, шахс шаклланиши ва ижтимоий тараққиёт тушунчаларини шарҳлаб беринг.

2. Педагогик фаолият, педагогик жараён, педагогик тамойиллар, педагогик тажриба тушунчаларини таърифлаб беринг.

3. Шахснинг ҳар томонлама камол топиши, педагогик муҳит, ижтимоий муҳит, ички муҳит, ирсийлик, руҳият, тафаккур деган тушунчалар мазмунини тушунтириб беринг.

4. Таълим-тарбияни демократик асосда ташкил этиш ва инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш, илғор педагогик технология тушунчаларини таърифлаб беринг.

5. Ақлий тарбия, ахлоқий тарбия, жисмоний тарбия, руҳий тарбия, меҳнат тарбияси, ҳуқуқ тарбияси, нафосат тарбияси, иқтисодий тарбия ва экологик тарбия тушунчаларининг мазмунини очиб беринг.

Адабиётлар: 1, 4, 8—21; 23—26.

«XVIII—XX асрларда Марказий

Осиёда маърифат» мавзунда

Ўтказиладиган мустақил таълим режаси:

1. Темурийлар салтанатидан кейин Марказий Осиёда таълим ва тарбиянинг ҳолати.
2. Туркистон ўлкаси Чор Россияси томонидан истило қилинганидан сўнг таълим-тарбиянинг аҳволи.
3. Жадиdlар ҳаракатининг ижтимоий-тарбиявий аҳамияти.

Адабиётлар: 14—19, 24, 25, 27;

Оралиқ назорат саволлари:

1. Педагогик илм, фан ва амалиётини таърифланг.
2. Педагогика илмининг тадқиқот объекти, предмети, мақсади ва вазифалари.
3. Педагогиканинг асосий тушунчалари.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ ВА УМУМИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИНГ ТАРКИБ ТОПИШИ

Одам туғилиши билан ўзида инсоний хислатларни шакллантира бошлайди. Бу хислатлар шахсий характер, миждоз, ҳиссиёт, диққат, идрок ва хотира таъсиридан ўтиб, шахсий хислат тусини ола бошлайди. Инсон секин-аста шахс деган мақомга эга бўлади. Шахслар эгаллаган билимлари ҳажми ва одамлар тақдирини ўзгартира олиш доирасига қараб оддий, кучли ва буюк шахслар тоифасига бўлинадилар.

Шахснинг камолотга эришиш жараёни мураккаб бўлиб, кишининг ирсий бирликларидаги дастури (тақдири азал), шахсий шиждоати ва ташқи ижтимоий, шу жумладан мақсадга йўналтирилган таълим-тарбия муҳитларининг таъсири остида кечади.

Ижтимоий муҳит моддий ва маънавий турларга бўлинади. Моддий муҳитга киши умри давомида яшаб, кўрган-кечирган моддий олам таассуротлари киради. Буларга умри кечган уй-жойининг моддий ва маданий ҳолати, ҳудудининг (кичик ватанининг) маданийлаш-

ганлиги, сайр-саёҳат қилган даврида олган маънавий ва эстетик завқи ва бошқалар киради.

Маънавий муҳит, деб кишининг умри давомида уни ўраб турган одамларнинг ғоя, фикр, ахлоқ ва одобини ифодаловчи ўзаро муносабатлар мажмуига айтилади.

Инсон биоижтимоий мавжудот сифатида ижтимоий ривожланиши давомида сифат ўзгаришларига дуч келиб, биологик тур вакилидан то шахс даражасигача кўтарилади.

Ижтимоий ривожланиш — бу одамнинг руҳияти ва вужудидаги ижобий томонга бўлган сифат ўзгаришларидир. Албатта, ривожланиш жараёнига кишининг меҳнат ва рекреацион (меҳнат жараёнида сарфланган кучларни тиклаш) фаолияти, таълим ва тарбия тизимининг фаолияти ҳамда давлатнинг олиб бораётган сиёсати фаол таъсир кўрсатади.

Инсон ижтимоий ривожланишини ҳаракатга келтирувчи кучлар, деб инсон эҳтиёжлари таъсирида юз берадиган объектив омилларни одамларнинг оддий жисмоний (моддий) эҳтиёжларидан бошлаб, олий маънавий (руҳий эҳтиёжларига қадар бўлган эҳтиёжлар мажмуи ва уларни қаноатлантириш имкониятлари орасидаги муносабатларга айтилади. Бундай эҳтиёжлар у ёки бу фаолиятнинг сабабларини вужудга келтиради. Ўзининг эҳтиёжларини қаноатлантириш учун киши восита ва манбалар қидиради ҳамда одамлар билан мулоқотда бўлади. Ушбу жараёнлар давомида инсоннинг ижтимоий сифатлари шаклланиб, мустақкамланиб боради. Ўзаро боғлиқ, айтилиши вақтда ўзига мустақил бўлган биологик ҳамда ижтимоий омиллар инсон коэволюциясига таъсир этиб, шахсни шакллантиради.

Бундай ўзаро таъсирлардан самаралироқ фойдаланиш учун йўналтирилган тарбиявий таъсирнинг муваффақиятли бўлиши етакчи ўринни эгаллайди.

Шахснинг шаклланишида оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида катта роль ўйнайди. Шахснинг ижобий хислатлари асосан оилада таркиб топади ва умрининг охиригача унинг руҳиятида сақланади.

Мактабгача тарбия янги жамоада вужудга келган хислатлар билан бойитилади. Мактаб, лицей ва коллежларда етуклик кўламида билим ва кўникмалар шаклланиши билан бирга ижобий фазилатлар сайқал топади.

Мактабдан ташқари маданий-маърифий муассасалар, радио, телевидение ва оммавий ахборот воситала-

ри таъсирида шахсий хислатлар жамиятга, атроф муҳитга мувофиқлаштирилади.

Маълум мақсадга йўналтирилган тарбия фаолиятида санъат, адабиёт, маданият муассасалари, ижтимоий ташкилотлар ва уюшмаларнинг фаолиятларидан фойдаланилади. Ижтимоий тарбия эса махсус белгиланган, вакил қилинган шахслар воситасида амалга оширилади.

Ёшларни ҳаётга тайёрлаш учун мутасадди кишилар балоғатга етмаганлар дунёқарашини шакллантиришда жамият олдида масъул ҳисобланадилар.

Мақсадга йўналтирилган таълим-тарбия шахс ривожланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Жамиятнинг кўпчилик аъзолари ўзаро мақсад қилиб олган ва эришиши шарт бўлган маълум ғоялар мажмуини миллий мафкура дейилади. Ҳар қандай миллий мафкуранинг асосий кўрсаткичлари бўлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, бутун тарихий тараққиёт даврини, халқимизга мансуб ва аждодларимиз томонидан эъзозланган асосий ғоялар, миллий қадриятларни, шунингдек ҳозирги ривожланган мамлакатлар қадриятларини чуқур ўрганиб, истиқболга мўлжалланган миллий мафкурани ишлаб чиқди. Бу мафкура Президентимизнинг асарлари, нутқ ва маърузаларида аниқ ва равшан баён этиб берилган.

Мақсадимиз Ўзбекистон ҳудудида ҳуқуқий ва демократик тамойилларга асосланган давлат қуриш ҳамда эркин ва фаровон фуқаролик жамиятини барпо қилишдир. Бу умумий мақсадларнинг аниқ кўрсаткичлари бўлиб, уларнинг йиғиндиси миллий мафкурани ташкил этади.

Таълим ва тарбия тизимида фаолият кўрсатаётганларнинг вазифаси ёш авлодга диний, дунёвий ва фазовий билимлар бериш билан биргаликда уларда миллий мафкурамизга мос бўлган ижтимоий хислатларни шакллантириш ва келгусида бу хислатлар миллий фазилатларимизда чуқур ўрнашиб қолишига ёрдам бериш.

Миллий истиқлол мафкурасини, умуминсоний қадриятлар билан миллий ўзига хослик ўртасидаги мувозанатни белгилайдиган мезонларни аниқлаш мақсадида умуминсоний фазилатлар ва миллатга хос хислатларни теранроқ ўрганишга ҳаракат қилинди.

Маълумки, жаҳон маданияти миллий маънавиятлар йиғиндисидан иборатдир. Маънавият кўрсаткичлари ва тонфалари чегара билмайди, минтақа танламайди.

Масалан, ҳадислар бутун мусулмон мамлакатларида тарбиянинг асоси қилиб олинган.

Ўзбек халқининг миллий анъаналари, удумлари, турмуш тарзини синчиклаб ўрганиб, ҳадисларда келтирилган хислатларни ҳозирги илғор маданият дурдоналари билан бойита бориб, тўғри тарбияга хос умуминсоний фазилатларни олтига бўламиз.

I. Шахснинг умумий фазилатлари

1) **Ёқимлилик, жозибадорлик, дилбарлик, кўркемлик** — инсонни биринчи кўришдаёқ кўзга ташланадиган жозибалик, дилбар, ўзига хослиги. Кўркем одам фақат кийими билангина эмас, муомаласи, одоби билан ҳам эътибор топади.

2) **Мафтункорлик, фусункорлик** — кўпроқ аёлларга хос бўлиб, гўзаллик, ўзига мафтун этувчи ўзига хослик билан характерланади.

3) **Ойдинлик, ёрқинлик, очиқлик** — бундай хислатли инсонларни кўнгли очиқ одам, тескарисини эса муғомбир дейилади.

4) **Салобатлилик, ҳурматга сазоворлик.** Ҳурматли инсоннинг салобати босади, дейишади. Савлатлилик кишининг камтарлиги, бошқаларнинг ҳурматини жойга қўйиши билан характерланади.

5) **Буюклик, даҳолик** — бу жамият ҳаётини ўзгартириш ташаббусини ўз гарданига олган инсон. У инсонлар тақдирини ижобий томонга буришни дилига тугиб яшайди.

6) **Ривожланганлик, етуклик, ақли расолик, иқтидорлилик, салоҳиятлилик** — инсон олган билимлар салмоғи бу билимларни яхши ишларга тезкор қўлланиши билан ўлчанади.

7) **Яшовчанлик, умрбоқийлик.** Шундай инсонлар борки, уларнинг номи тириклигидаёқ тарих дафтарига олтин ҳарфлар билан ёзилади. Бири қолдирган шогирдлари, бири яратган буюк кашфиётчи, яна бири афсонавий қаҳрамонлиги билан.

8) **Сўзга чечанлик, шоиртабиатлик** — мазмунли ваъз айта оладиган, сўзмол, гапга чечан кўникма соҳиби.

9) **Рухланганлик, кўтаринкилик, жўшқинлик** — ўқувчиларни, тингловчиларни маълум бир фаолиятга сафарбар этадиган даъваткор сўз эгаси, салоҳиятли инсон.

10) **Жиддийлик, босқичлик** — ҳар бир масалага жиддий ёндошадиган, кам гапириб, кўп ишлайдиган, катта тажриба соҳиби.

11) **Мослашувчанлик, эгилувчанлик** — кутилмаган шароитларга тез мослашадиган, ҳаётда баҳона қидирмай имконият топадиган шахс.

12) **Зиёлилик, саводхонлик, ўқимишлилик** — ўзининг хатти-ҳаракатлари билан бошқаларга зиёбилим тарқатадиган шахс. Унда доим бошқаларга билим, таълим-тарбия бериш эҳтиёжи мавжуд бўлади.

13) **Табиийлик, оддийлик** — одамнинг ўз хатти-ҳаракатлари, табиатан қандай бўлса, шундайлигича кўрсатиш хислати.

II. Ахлоқий хислатлар

1) **Одабийлик** — чин инсонга хос фазилат бўлиб, бу ақл-заковат мевасидир. Буюк бобомиз Алишер Навоий инсонни севишни, унинг бахт-саодати учун курашишни ҳаёт гултожи, юксак орзу-умидларнинг энг чўққиси, тирикликнинг ўлмас гоёси, яшашнинг мазмуни, деб билади.

2) **Қаноатлилик** — кишининг ўзида мавжуд бўлган ва ўз имкони даражасида ишлаб топган ҳалол маблағи билан кифояланиб, оз бўлса ҳам унинг созлигини ҳисобга олиб, мамнуният билан кун кечириши. Қаноатлилик кишига хотиржамлик келтиради.

3) **Жонкуярлик, меҳрибонлик** — бошқалар дардига шерик бўлиш, ота-онага, етим-есирларга хизмат қилиш, ижтимоий муҳофаза ишларида фаол қатнашиш.

4) **Раҳмдиллик, мушфиқлик** — инсон салоҳиятида бошқалар кўнглига очиқ йўл қолдириш, тўйига ҳам, азасига ҳам қатнашиш.

5) **Олижаноблик, ҳимматлилик** — инсонларга яхшилик истаб яшаш ҳисси.

6) **Болажонлик** — миллатимизга хос, мос хислат, кўп болалилик, болалар учун яшаш.

7) **Атроф-муҳитга эътибор, муҳофазакорлик-шахс ўз ҳаёти давомида атроф-муҳитга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси муҳофазасига жавобгарлик туйғусини ҳис этиши**

8) **Мулойимлик, хушмуомалалик, назокатлилик** — доим кўнгли очиқлик, гапида туриш, ўз ишини самимий бажо келтириш.

9) **Узрлилик, кечиримлилик** — айб иш қилганда кечирим сўрашга шошилиш, фарзандларни, ёшларни кечириб қўлиш ҳисси.

10) **Андишалилик** — катталар сўзига қулоқ солиш, ота-онага, катталарга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш; сабр-тоқатли бўлиш ҳисси.

11) **Сертакаллуфлик, сермулозаматлик** — инсонларнинг ўзаро муносабатларида ишончлилик ва самимийлик туйғуси.

12) **Одамларга эл бўлишлик** — инсон руҳий ҳолатига, темперамен турига, дунёқарашига, тўғри тарбияланганлигига боғлиқ бўлиб, унинг характерини белгилайдиган асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади.

13) **Шахсий манфаатларни ижтимоий манфаатга бўйсундириш, шахсий манфаатдан ижтимоий манфаатни юқори қўйиш.**

III. Ишбилармонлик, ишчанлик, удабуронлик хислатлари

1) **Қунтлилик, тиришқоқлик** — касб эгаллаш, мутахассис бўлиш учун жуда зарур хислат. Фаолият ҳафсала билан бажарилса, меҳнат унумдорлигининг юқори чўққиларига эришиш мумкин. Япония умумтаълим мактабларида махсус қунт дарслари киритилган. Ўқувчилар узоқ вақт давомида ўзларида ҳафсалалилик, қунтлилик малакаларини шакллантирадилар, жуда майда қўл меҳнати билан шуғулланадилар.

2) **Жавобгарлик, масъулиятлилик** — берган сўзини бажариш, ишга, ўқишга масъулият билан ёндошиш ҳисси.

3) **Ҳалоллик, поклик** — тадбиркорлик ишларига ҳалоллик, поклик асосий мезон бўлиб, ҳар бир тадбирнинг муваффақиятли яқунини белгилайди.

4) **Мусобақалилик, рақобатлилик** — бир ишни тезроқ бажаришга шошилиш муваффақият келтиради. Мусобақалилик айни вақтда ўқув жараёнини фаоллаштириш омили ҳисобланади.

5) **Ижро этувчанлик, ишчанлик** — ишлаб чиқариш, ўқув ишларини вақтида бажариш, интизомлилик ва тартибга қатъий риоя этиш туйғуси.

6) **Малакалилик, салоҳиятлилик** — орттирилган билимларни ҳаёт тарзига айлантира борадиган мутахассис юқори малакали ҳисобланади.

7) **Чаққонлик, абжирлик** — шахснинг топширилган ишни кўп куч, вақт ва меҳнат сарфламасдан усталик билан бажариш кўникмаси.

8) **Саранжом-саришталик** — шахснинг кийинишида,

иш тутишида, одобида ўқиш-ўрганишида намоён бўладиган тартибли кўникмалар.

9) **Ташаббускорлик, тадбиркорлик** — шахснинг ҳали очилмаган йўлдан турли усуллар, имкониятлар топиб, олға юра олиши, янгиликни, ташаббусни қўлга олиб, атрофдагиларни шу ишга сафарбар қила олиш кўникмаси.

10) **Чидамлилиқ, сабр-тоқатлилиқ** — шахснинг узоқ вақт катта кучланишни талаб қиладиган фаолиятда қатнаша олиш кўникмаси.

11) **Мунтазамлилиқ, режаллилиқ** — шахснинг режали иш тутиш кўникмаси.

12) **Тежамкорлик, мўътадиллик** — кримидан чиқимни кам сарфлаб иш юритиш.

13) **Сахийлик, очиқлик, ҳотамтойлик** — тадбиркор шахс сахий бўлиши керак.

IV. Шахснинг заковатлилиқ хислатлари

1) **Зеҳнлилиқ, зийраклик** — шахснинг табиат ҳодисалари, қонуниятларига, жамият иқтисодий жараёнларига оид қонуниятларни умумлаштира олиши ва ундан керакли жойда самарали фойдаланиш кўникмалари.

2) **Хотираллилиқ** — шахснинг энг асосий руҳий хислатларидан бири. Фаолиятда кўп нарса айнан хотирага боғлиқ.

3) **Мантиқийлилиқ, изчиллик, теран фикрлилиқ** — шахснинг ҳодисалар, қонуниятлар орасидаги ўзак боғланишлар тизimini, мантиқини туза олиш кўникмаси.

4) **Асослилиқ, исботланганлик, муҳрланганлик** — шахснинг тайёрланаётган ахборотни нечоғли асосли қилиб тайёрлаш кўникмаси.

5) **Олдиндан айтиб берувчанлик, башоратгўйлик** — ҳодисаларни, жараёнларни олдиндан айтиб беришинсоннинг энг ноёб хислатларидан бири ҳисобланади.

6) **Ижодкорлик, топоғонлик** — шахснинг ўз фаолияти давомида, ҳанузгача ечилмаган муаммони ечиш, ихтиро қилиш кўникмаси.

7) **Тушунарлилиқ, равшанлилиқ, лўндалик** — назария қанчалиқ ҳақиқатга яқин бўлса, тушуниш шунчалик осон кечади, кўриниши содда бўлади.

8) **Танқидийлилиқ** — шахс ўз фаолиятида ишга танқидий муносабатда бўлиши, ўз хатти-ҳаракатларини танқидий нуқтаи назардан баҳолаши муҳим хислатлардан ҳисобланади.

9) **Хабардорлик, омилкорлик** — шахснинг ўз мута-

хассислиги бўйича тўлиқ маълумотга эга бўлиши, ўз соҳасини дунёвий жараёнлар билан қўшиб олиб бориши, улардан ўрганиши.

10) **Одатдан ташқари фикрлаш** — шахс иқтидорининг мезони, ўзига хослиги, бошқалардан фарқли ўлароқ янгича фикрлаш кўникмаси.

11) **Қизиқувчанлик, ишқибозлик** — шахснинг табиатга, турли жараёнларга, фанга, санъатга қизиқувчанлиги.

12) **Синчковлик, диққатлилиқ** — ҳозирги ахборотни асраш, ишлов бериш даврида синчковлик хислати аниқ жавоб топиш учун жуда ҳам қўл келади.

13) **Чуқур билимдонлик, савиялилиқ** — савиялилиқ фақат билимдонликкина эмас, балки универсалликни, ҳозиржавобликни билдиради.

V. Иродалилиқ хислатлари

1) **Серғайратлик, серҳаракатлик, қатъиятлилиқ** — шахс темперамент турига, типига мос серҳаракатлик даражаси фаолиятининг самарадорлигини белгилайди.

2) **Чаққонлик, эпчиллик, уddaбуронлик** — шахс саъйи-ҳаракати самарали бўлиши учун уddaбуронлик хислатларига эга бўлиши керак. Бу хислат ҳам билвосита шахс эҳтироси типларига боғлиқ.

3) **Жўшқинлик, серзавқлик, иссиқмижозлик** — шахснинг фаолиятида завқли-шавқлилиқ, жўшқинлик, кўтаринки руҳ билан иш юритиш одати, қалтис вазиётларни серзавқлик билан енгиш.

4) **Зардаси тезлик, серзардалиқ** — шахснинг эҳтирос турига боғлиқ хислати, айрим ҳолатларда зардали шахснинг иши юришади, атрофдагиларнинг уюшиши осонлашади, кўп ҳолларда ижобий натижа беради.

5) **Қатъиятлилиқ, қатъийлик** — шахснинг мақсад йўлида оғишмай қилган фаолияти.

6) **Ташаббускорлик, илғорлик** — шахснинг тезкорлик, тиниб-тинчимаслик, тадбиркорлик хислатлари. Ташаббус жуда жавобгарлик талаб этадиган хислат.

7) **Интизомлилиқ, босиқлик, уюшганлик** — ишни, фаолиятни ташкил қилишнинг асоси. Интизом бўлмаса ишлаб чиқариш ҳам, оддий дарс ҳам ўз мақсадига эришмайди.

VI. Эҳтиросли хислатлар

1) **Шодмонлик**, ўз ҳаётидан розилик, бахтиёрлик, кўтаринкилик, тантанаворлик, қувноқлик—руҳий жиҳатдан шахснинг доимо қувноқ юриши. ўз фаолиятини яхшилаш, турли руҳий касалликларнинг олдини олиш, оғир шароитда ҳам атрофдагиларнинг кайфиятини кўтариш, чарчашнинг олдини олиш имконини беради.

2) **Ҳазил-мутойибалик**, **ҳазилкашлик**, жойида усталик билан ишлатилган ҳазил фаолиятда одамлар ўртасидаги муносабатларда, дипломатияда жуда катта аҳамиятга эга.

3) **Ишонувчанлик** — шахснинг ижобий-хислатларидан бири, бошқаларга ишониши.

4) **Кек сақламаслик**, **адоватсизлик**, **гина-кудурасизлик** — мусулмонликда аразлаш уч кундан ошмаслиги керак. Агар уч кундан ортиқ аразлаб юрилса, гуноҳ ҳисобланади.

5) **Оташинлик**, **қизғинлик**, **жўшқинлик** — барча шахсларга хос хислат, лекин баъзиларда озроқ намоён бўлади, баъзиларда эса ўта кучли намоён бўлади.

6) **Уятчанлик**, **тортинчоқлик**, **мўмин-қобиллик** — меъёридаги диёнатлилик инсонга ҳусн беради, атрофдагиларда унга нисбатан ижобий фикр уйғотади.

7) **Озодалик**, **нозик табиатлилик** — инсон эҳтирослилик хислатларининг энг нафиси гард юқтирмаслик ҳисси ҳисобланади. Қаерда бўлмасин инсон ўзини озода тутса, шунча руҳи пок, фикри-зикри яхши бўлади.

Юқорида кўрсатилган шахсий хислатларни шакллантириш ўқув-тарбия ишларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Ҳамма мамлакатларда ҳам ана шундай ижобий хислатларни ўз халқида шакллантиришга ҳаракат қилинади. Тарбиянинг умумий мақсади дунё педагогик жараёнида ягона мақсадга — умуминсоний хислатларни шакллантиришга қаратилади.

Олинган билимларни текшириш учун саволлар:

1. Одамда ижтимоий хислатлар қандай шаклланади?

2. Инсонлар қандай шахс турларига бўлинадилар ва нима асосда?

3. Ижтимоий муҳит турлари ва уларнинг таърифи.

4. Инсон ривожланишини ҳаракатга келтирувчи кучлар.

5. Мақсадга йўналтирилган тарбиянинг таърифи.
6. Туғма хислатлар қайсилар?
7. Шахснинг камолга етишидаги омиллар.
8. Миллий мафкурани таърифлаб беринг.
9. Миллий ва умуминсоний фазилатлар.

4-мавзу бўйича семинар машгулот саволлари:

1. Марказий Осиё алломалари комил инсон сиймоси ҳақида.
2. Миллий истиқлол мафкураси ва уни шакллантиришда Президентимиз Ислам Қаримовнинг роли.
3. Умуминсоний фазилатлар ва уларнинг миллий фазилатлардан фарқлари.

Адабиётлар: 1—4, 8—10, 10—12, 17, 18

МУТАХАССИС МАЪНАВИЯТИ ЕЎУД ШАРҚОНА ФАЗИЛАТЛАР

Ўзбекистон давлати жаҳондаги иқтисодий ривожланган, маънавияти юқори мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун бутун халқини, жумладан, зиёли кадрларнинг касбий ва ахлоқий маънавиятларини кўтариш йўлидан бориши лозим. Чунки яқин ўтмишимизда ишлаб чиқариш воситалари иш кучидан бегоналантирилиб юборилганлиги ҳамда ишчининг ишлаб чиқарган маҳсулотига эгаллик қила олмаслиги, шунингдек меҳнаткашларнинг иш ҳақлари улар сарф қилган ақлий ва жисмоний кучларидан анча паст миқдорда белгиланганлиги ва бошқа бир қанча сабабларга биноан аҳоли ўз ишига лоқайд, ҳеч нарсага қизиқмайдиган, ялқов ва ёлғонни кўп ишлатадиган кишиларга айланиб қолган эди. Мустақиллигимиз шарофати билан бу ҳол ўзгариб, ишлаб чиқариш воситалари улар билан тинмай алоқада бўладиганлар қўлига, яъни асл эгасига топширилди. Ишлаб чиқарган маҳсулотини қаерда, қимга ва қайси нархда сотиш тамойили ва бошқа бир қатор иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар одамларни жонлантириб, ҳаракатга солиб қўйди.

Аmmo бу демократик тамойил ва бозор муносабатларига мос бўлган кайфиятни, руҳиятни, хусусан маънавиятни одамларда ёшлигидан шакллантира бориш зарур. Бунинг учун шўролар даврида шаклланган таълим-тарбия тизими ва мазмунини ислоҳ қилиш керак. Айнан ана шу мақсадда Республика Олий Мажлиси

ўзининг IX сессиясида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни қабул қилди. Дастурнинг асосий мақсади — дейилган ушбу тарихий ҳужжатда, — таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла холис этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир. Сўнг ушбу дастурнинг мақсадини рўёбга чиқариш бўйича ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар ва бу вазифаларни амалга ошириш тадбир-чораларни аниқлаб берилган. Бундай тадбирлардан бири: «Кадрлар тайёрлаш тизимини ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиялар замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш». Бу тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш учун Ўзбекистоннинг XXI асрдаги мутахассислари қандай маънавиятга эга ва қайси фазилатлар соҳиби бўлишлари керак, деган саволга жавоб топишимиз жоиз.

Бу саволга жавоб топиш учун тарихимизга мурожаат қилайлик.

Геродотнинг «Тарих» китобида ёзилганидек, уч минг йил аввалги аждодларимизда кадрланадиган хислатларнинг энг асосийси жасурлик экан. Ундан кейинги муҳим хислат адолатлилик ва моҳирлик бўлган. Ҳар бир ишни бажарганда, жумладан, отда юриш, ов қилиш кабиларни юқори маҳорат билан бажариш аждодларимиз учун фазилат ҳисобланган¹.

Маънавий меросимиз ҳисобланган эпик ривоятларда, жумладан: «Авесто», Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк», «Гўрўғли» ва «Алпомиш» дostonлари ва бошқа асарларда аждодларимизнинг ватанини, халқини севиш, ор-номус ва дўстларига садоқат каби сифатлар уларнинг асосий ижтимоий хислатлари ҳисобланган.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да тарбия ҳаётининг энг муҳим тиргаги сифатида кўрилиб, ҳар бир ёшни тарбиялаганда у аввало яхши ўқишни, ёзишни ўрганиши керак, дейилган. «Авесто»да инсон

¹ Геродот. История в девяти томах, Книга первая. Москва. «Наука», 1972. 55—56-бетлар.

Ўз меҳнати туфайли барча ёмонликлардан, ёвузликлардан қутулиши мумкин, деган ғоя бор. Унда ахлоқийликнинг асоси — яхши фикр, саховатлилик, яқин кишига меҳрибон бўлиш, муҳтожларга кўмаклашиш, ёвузликка қарши курашиш, кишиларнинг тинчлиги ва бахтсаодатини муҳофаза қилиш, аҳиллик ва дўстликда яшашга интилиш, яхши ниятлар ва фикрлар тушунилган. Зардўштиийлик таълимоти талабларига, ўғрилиги ва бировнинг мулкига хиёнат қилмаслик, аёлларга, айниқса ҳомиладорларга гамхўрлик қилиш, ер суғориш, дарахт экиш, ўз вақтида уйланиш ва болаларга гамхўрлик қилиш каби масалалар киради. «Авесто»да яна ер, сув ва ҳаво муқаддас ҳисобланиб, уларга ҳурмат ва эҳтиромда бўлишга даъват этилган¹.

Қадимий аждодларимиз инсоний мезон қилиб олган, ҳар бир кишидан талаб қилинувчи бу ижобий хислатларни жамлаб, уларни тартибга солиб чиқсак, қуйидаги ижтимоий сифатлар тизими тавдаланади: биринчи ўринда жасурлик, кейин — билимдонлик, удабуронлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, одамийлик, ахлоқ ва одоблилик, дўстлик, тежамкорлик ва сарамжонлик хислатлари турган.

Турон замин аҳолиси минг йилдан ортиқ давр ичида ислом таълимоти остида яшади. Унинг маънавияти ва бутун руҳияти шу дин талабларидан келиб чиқиб шаклланди ва ривож топди. Ислоннинг киши ижтимоий сифатларига қўядиган талабларини кўриб чиқадиغان бўлсак, у одамларни яхшиликка даъват этиб, ёмонликдан қайтаришини кўра-миз. Ислон инсонпарварликни тарғиб этиб, разолатни қоралайди, одоб ва ахлоқ, руҳий поклик ва маънавий комилликка, меҳнат қилишга ҳамда ер юзини обод ва гўзал қилишга ундайди. Ушбу сўзларимизнинг тасдиқи сифатида Қуръон каримдан бир неча оят келтирайлик. Қуръон Бақара сурасининг 177-оятда: «Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларига бураверишингиз яхшилик эмас, балки Оллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга иймон келтирган, ўзи яхши кўриб туриб молини қариндош-уруғларига, етим-есирларга, мискин-бечораларга, йўловчи-мусофирларга, тилан-

¹ А. О. Маковельский. Авесто. Баку. «Азербайджан». 1960. 18-бет.

чи-гадоларга ва қулларни озод қилиш йўлида берадиган, намозни тўқис адо қилиб, закотни берадиган киши ва аҳдлашганларида аҳдларига вафо қилгувчилар ва хусусан оғир-енгил кунларда, жангу жадал пайтларда сабр-тоқат қилувчилар яхши кишилардир», — дейилган.

Ҳалолликка даъват этувчи шу суранинг 188-оятини ўқиб кўрайлик: — «Мол-дунёларингизни ораларингизда ноҳақ — ҳаром йўллар билан емангиз». Мазкур суранинг 217-оятда «Фитна (алдаш) ўлдиришдан-да каттароқ гуноҳдир», — дейилган. Бақара сурасининг билимга даъват этувчи 269-оятини олиб кўрайлик: «У ўзи истаган кишиларга ҳикмат (фойдали билим) беради. Қимга ҳикмат берилган бўлса, бас, муҳаққаққи, унга кўп яхшилик берилибди». Ол-и Имрон сурасининг 92-оятини олсак: «Суйган нарсаларингиздан инфоқ-эҳсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшиликка, жаннатга етмагайсиз». Нисо сурасининг 85-оятда: «Ким (одамлар орасида) чиройли — ҳақ тараф олиш билан тараф олса, ўзига ҳам унинг савобидан бир улуш тегур. Ким ноҳақ тараф олиш билан тараф олса, ўзи учун унинг гуноҳидан бир улуш тегур». Шу суранинг 112-оятда эса: «Кимки бирон хато ёки гуноҳни қилиб қўйиб, сўнг уни бир пок одамга тўхмат қилиб отса, муҳаққаққи, у бўхтон ва очиқ гуноҳни ўз зиммасига олибди», — дейилган. Кўриб турибмизки Ислоом одамларни иймонли бўлишга ундаб, уни ўзига хос мезони қилиб, саховат, меҳмоннавозлик, жасорат, сабр-қаноат, тўғрилиқ, вафодорлик ва содиқлик каби хислатларни биринчи ўринга қўяди.

Қуръонни бир неча ўн маротаба синчиклаб ўқиб чиқиб инсонни ёмон ишлар қилишга ундаш уёқда турсин, бунга руҳсат берувчи бирорта ҳам оятни учратмадик. Аксинча, барча оятлар одамларни иймон, инсоф, диёнат, эзгу мақсад ва тўғриликка ундайди. Мисол тариқасида Моида сураси 90-оятда: «Эй мўминлар, ароқ, маст қиладиган ичкилик ичиш, қимор (ўйнаш), бутлар (яъни уларга сиғиниш) ва чўплар — фол (яъни чўплар билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар биридан узоқ бўлингиз!», — деб ўқиймиз. Шу суранинг 105-оятда: «Яхшиликка юрингиз, ёмонликдан қайтингиз. Қачон одамларнинг баҳилликка, нафсу ҳавога ва молу дунёга берилиб кетганларини кўрсангиз, ўзингизни бу иллатлардан сақлангиз, шунда уларнинг қилган ишларининг сизга зарари бўлмай-

ди», — дейилган. Қуръонда инсонларнинг молу дунёга берилиб кетишидан кўрадиган зиёнини очиб берувчи бир неча оятлар бор. Аммо, энг таъсирчани Худ сура-си 15—16-оятлардаги каломдир: «Қим (фақат) шу ҳаёти дунёни ва унинг зебу зинатларини истайдиган бўлса, уларга қилган амалларини (нг ажир-мукофотини) шу дунёда комил қилиб берурмиз ва улар бу дунёда зиён кўрмайдилар. Ундай кимсалар учун охиратда дўзах ўтидан ўзга ҳеч қандай насиба йўқдир. Уларнинг бу дунёда қилган барча яхшиликлари беҳуда кетур ва қилиб ўтган яхши амаллари бефойдадир», — дейилган. Фикр юритувчига бу оятларда кўп ҳикмат бор.

Мусулмонларнинг иккинчи муқаддас манбаи ҳадисларда инсоннинг маънавий камолот мезони, унинг билимларни қай даражада эгаллаганлиги кўрсатилган. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳининг биринчи китоби, 11-бобида: «Билгил, Оллоҳ яккаю ягонадир», — деган сўзини ҳам «бил» деган сўздан бошлаган... «Қимки билим истаб қадам қўйса, Оллоҳ таоло унга жаннат йўлини осон қилгайдир», дейилади. Шу тўплам 16-бобида: «*Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳу бундай деганлар*: «Бошлиқ бўлмасингиздан аввал илмни чуқур ўрганнинг! Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саламнинг саҳобалари ёшлари улғайганда ҳам илм ўрганганлар», — дейилган.

Ҳадисларда билим эгаллашнинг фойдаси ҳақида жуда кўп фикрлар бор. Қизиққан киши бу ҳадисларни ўқиб чиқса нур устига аъло нурдур.

Шарқ илк жонланиш даври (IX—XI асрлар) алломалари Ислом ақидаларида тарбияланиб, уларни ҳаётда бир неча бор синовлардан ўтказиб, ҳикматли сўзлар орқали бизларга етказишга ҳаракат қилганлар. Жумладан, Абу Райҳон Беруний: «Барча иллатларнинг асосий сабаби билимсизликда», — деган эканлар. Абу Али ибн Сино: «Ҳақиқатни билиш учун билимга эга бўлиш керак, лекин ҳар қандай билим ҳам ҳақиқатга олиб келавермайди. Ўз билимининг ҳақиқийлигини билиш учун мантиқни билиш зарур», — деганлар. Урта асрлар Марказий Осиё алломалари ва XIX асрдаги жаидлар ҳаракати намояндалари ҳам кишининг инсоний сифатларига алоҳида тўхталиб, комил инсон сиймосининг асосий белгилари (хислатлари)ни кўрсатганлар. Бу даврда яшаган мутафаккир олим, шоир ва донишмандларнинг асарларида, ижтимоий тараққиёт учун муҳим бўлган инсоний сифатлар — инсонпарварлик, билимга эътиқод, халқ манфаатини ҳимоя қилиш,

маънавиятни юксалтириш, комил инсон ва етук жамоага эришиш каби масалалар ёритилган. Заминимизнинг маънавий меросидан фойдаланиб, жамиятимизнинг шахсга, мутахассисга қўйган, шу кундаги талабларидан келиб чиқиб, юксак маънавиятга эга бўлган мутахассис сиймосини кўз олдимизга яққол келтира олишимиз керак. Чунки пировард мақсадимиз замонга жавоб берадиган миллий маънавиятга эга мутахассис тарбиялаш экан, унинг сиймоси бизнинг ҳаракатимизга методологик асосдир. Яъни маърифат соҳасининг умумий мақсади ҳуқуқий ва демократик давлат талабига жавоб берувчи кишиларни тарбиялаб беришдан иборатдир. Бундай кишиларнинг ижтимоий сифатлари маърифат соҳасига умумий методология бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистонда ўтказилган кўп йиллик тадқиқодлар шуни кўрсатадики, эркин, маърифатли ва демократик давлатнинг фуқаролари қўйидаги ижтимоий сифатларга эга бўлиши керак:

1. **Ақлли** — мустақил фикр юрита оладиган.
2. **Одобли** — миллатимиз тўплаган барча фазилатларга эга бўлган.
3. **Меҳнатсевар** — меҳнат кишининг эҳтиёжига айланганлик ҳолати.
4. **Билимли** — диний, дунёвий ва фазовий билимларни чуқур эгаллаб, уларни ҳаётда қўллай олиш даражаси.
5. **Соғлом** — жисмоний, руҳий ва ижтимоий саломатлик.
6. **Миллий ғурурга** эга — аждодларимизнинг моддий ва маънавий меросини эгаллаб, улар билан фахрланувчи ва уларни бойитишга ҳисса қўшувчи.
7. **Ватанпарвар** — Ватани учун, халқи учун фидо-корона меҳнат қилувчи ва зарур бўлса, улар учун жонини ҳам фидо қилувчи.
8. **Байналмилал** — бошқа миллатларни ўзининг миллати қаторида ҳурмат қилувчи.
9. **Инсонпарвар** — инсон зотига фақат яхшиликлар қилишни ўйловчи.
10. **Жасур** — ҳар бир ишга қўрқмасдан киришиб, охирига етказувчи.

Юқорида санаб ўтилган сифатлар жамиятнинг, давлатнинг ижтимоий буюртмаси бўлиб, уларнинг йиғиндиси иймонни ташкил қилади. Маориф ходимлари учун умумий методология бўлиб хизмат қилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, инсоннинг кўпгина

бошқа ижобий хислатлари шу ўн сифатнинг қисмларини ташкил этади. Қуйида бу сифатларнинг ҳар бирига шарҳ бериб ўтамиз.

Ақл инсоннинг тафаккур қила олиш қобилиятидир. Ақл эгаси ўз тафаккурини ишлатиб, ундан фақат эзгулик мақсадида фойдаланади. Агар ақлни етарли ишлата олмаса ёхуд ёвуз ниятларда ишлатса, ундай одам ақлсиз ҳисобланади. Чунки ҳамма ёмон ишлар пировардида унинг ўзига зиён етказади.

Одобли фазилати тўғри сўзлик, хушмуомалалик, озодалик, дид-фаросатли, жамоат тартибига риоя қилувчи, миллий қадрият ҳисобланган катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўлиш, ота-онани севиш ва ардоқлаш, аждодларни хотирлаш каби хислатларни ўз ичига олади.

Меҳнатсевар деб, меҳнатга садоқатли, уни малакали ижро этувчига нисбатан айтилади. Бундай одамлар ҳаётида меҳнатсеварлик ҳаёт тарзига айланиб кетади.

Билимли одам диний ҳамда дунёвий билим асосларини яхши эгаллаган ва улардан фойдалана оладиган бўлади.

Соғлом деган тушунчага жаҳон тиббиёт уюшмаси қуйидагича таъриф беради: «Соғлиқ, бу инсоннинг руҳий, жисмоний ва ижтимоий муваффақиятидир». Маълумки, оламни ёритувчи ва иситувчи куч — қуёш нури бўлганидек, инсон қалби, тафаккури ва бутун вужудини равшан қилувчи ва ҳаракатга келтирувчи куч — бу руҳдир. Халқимиз: «Руҳинг тоза — бардам бўлса ва руҳингни тетик сақласанг, қолган барча ишларнинг кўнгилдагидек бўлади», — деб бекорга айтмаган. Аммо деярли бир аср давомида халқ руҳиятига мутлақо эътибор берилмади. Хайриятки, истиқлолимиз халқимизга эркин ва мустақил ҳаёт кечириш имкониятини яратиб берди. Демак, энди руҳимизни, гуруримизни тезроқ тиклаш давр талабидир. Ҳар бир киши ўз руҳини тоза, беғубор ва феълини кенг тутиши учун асосан нималарга эътибор бериши лозим? Бу ҳақда Ҳусайн Воиз Кошифий қуйидаги фикрни билдиради: «Футувват илмининг ўз мавзуси бор, бу мавзу — инсон руҳидир. Зеро, инсон руҳини тарбиялаш воситасида уни гўзал ва ҳамиша (ёқимли) хулқ-атвор соҳиби, фазилат эгаси қилиб камолга етказиш мумкин».

Инсон руҳини тарбияловчи ва чиниқтирувчи бирдан-бир восита бу илоҳий қонунларни ўзида мужассамлаштирган Таврот, Забур, Инжил ва Қуръондаги би-

лимларни эгаллаш ва уларга амал қилишдир. Аждодларимиз руҳлари тоза ва луқмалари ҳалол бўлиши учун бирор кишининг тариқча ҳам ҳақини емаганлар. Улар халқ ва афкор омманинг ғамини ейиш, дўсту биродарларига доим ёрдам кўрсатиш мақсадида «футувват» ва «жавонмардлик» каби жуда кўплаб инсоний қадриятларни яратганлар. Шунингдек, олиму донишмандлар, авлиёлар ҳам инсоннинг руҳий билимларини ўрганиш лозимлигини уқтирганлар. Шундай экан, ҳар бир киши аввало ўз руҳини юқори даражага кўтариши ва унга амал қилиш учун ўзини тўла эркин ҳамда мард тутиши зарур. Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек:

Эркин улким, сайд этиб нафсоният,
Ғолиб ўлса умрида руҳоният.

Жисмоний саломатлик, деганда жисмонан бақувват, тани-жони соғ кишини тушунилади. Бунинг учун киши танаси ва вужудини тоза тутиши ва шамоллашдан ўзини сақлаши керак. Тана поклиги, киши танасининг санитария ҳолати билан белгиланса, вужуд тозаллиги деганда қони, ошқозони, ичак-чавоқ, ўпкажигар ва бошқа ички аъзоларининг тозаллиги тушунилади. Танасини тоза тутиш учун киши доим тоза ювиниб, чўмилиб, санитария ва гигиена мезонларининг барчасига риоя қилиши керак бўлади. Вужуд тоза ҳолда бўлиши учун инсон емоқ-ичмоқ, ётмоқ-турмоқни тартибга солиши шарт. Бунинг учун истеъмол қиладиган овқатларини иложи борича аралаштирмасдан тановул қилмоғи лозим. Овқат кам миқдорда, яъни керагича истеъмол қилиниши шарт. Овқат яхши ҳазм бўлиб, вужудга сингиши учун киши тоза ҳавода кўп бўлиб, доимо жисмоний ҳаракатлар қилиб туриши мақсадга мувофиқдир. Ухлаш учун ҳар кун бир вақтда, эртароқ ётиб, эртароқ, бир вақтнинг ўзида туриш инсоннинг жисмоний саломатлигига ижобий таъсир ўтказади. Қисқаси, жисмоний саломатликка тана ва вужудини тоза тутиб, уни маълум бир тартибда ушлаб, жисмоний тарбиялаш йўли билан етишса бўлади.

Ижтимоий саломатлик кишининг олдига қўйган мақсадлари, яъни ниятлари билан белгиланади. Инсон ўз олдига оиласи, ёру биродарлари ва миллатининг фаровонлигини оширишни, одамларга яхшилик қилишдек эзгу ниятларни қўйган бўлса, у ижтимоий саломатдир. Ижтимоий саломатлик яна фаолликни тақозо

этади. Киши яхшиликни фақат ният қилиб қолмай, амалга ошириши керак.

Миллий ғурур. Ҳар қандай одамда инсоний ғурури бўлади. Бу ўзини онгли мавжудот сифатида ҳис қилишидан келиб чиқиб, ҳар бир мустақил бажарган ҳаракатидан, фаолиятдан хурсанд бўлиши орқали намоён бўлади. Буни инсоний ғурур дейилса, ўзининг маълум бир халққа, миллатга тааллуқли эканидан рози бўлиши миллий ғурур, дейилади. Бу сифат киши ижтимоий фаоллигини оширувчи асосий омил бўлиб, инсонни эзгуликка, яхшиликлар қилишга ундайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир кишининг инсоний ғурури асосида, унда миллий ғурурни шакллантириш жамиятнинг буюк келажаги сари интиштирувчи асосий омил бўлиб хизмат қилади. Одамларда миллий ғурурни шакллантириш учун муайян миллатнинг тарихий қаҳрамонлари, олиму фозиллари, авлиёю анбиёлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиб, уларни дунё маънавиятига, илм-фан ва маданиятига қўшган ҳиссалари ҳақида хабардор бўлиши зарур.

Ватанпарварлик хислати миллий ғурур ва бошқа ижобий хислатлар натижасида рўёбга чиқади. Ўз миллатининг тарихини, маданияти ва маънавиятини яхши билган одамда миллий ғурур пайдо бўлади. Миллий ғурур такомиллаша бориб, кишида ватани учун жон фидо қилиш ҳис-туйғуси пайдо бўлади. Бундай хислатга эга бўлганлар инсоний камолотга етган ҳисобланадилар.

Байналмилаллик фазилати умуминсоний ижтимоий қадрият бўлиб, бунда киши бошқа халқ ва миллатларнинг ўзига хос маънавиятини, урф-одати, санъати ва маданиятини ҳурматлаши тушунилади. Бу фазилат жаҳонда тинчлик ва тотувлик ўрнатилишига, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётга ҳамда сиёсий барқарорликка ижобий таъсир кўрсатади. Пировардида ер юзида тинч ва фаровон ҳаёт ўрнатилишининг асосий омили ва гарови бўлиб хизмат қилади.

Инсонпарварлик деганда, инсон зотига унинг ирқидан, миллатидан, жинси ва ёшидан қатъи назар, доимо ғамхўрлик қилувчи одам тушунилади. Бу тушунча жамиятда тотувликни таъминлаб беради ва ижтимоий соғломлаштиради, инсонларни биродарлаштиради.

Жасурлик. Ҳар қандай фаолият жараёнида бир қатор тўсиқлар, қийинчиликлар, гоҳо хавф-хатарлар учрайди. Улардан қўрқмай, ўз йўлида мақсади сари

мардонавор ҳаракат қилувчи одам жасур ҳисобланади. Бу фазилат бошқаларда завқ уйғотиши билан биргаликда ҳар қандай фаолиятни якунига етказишнинг асосий омилidir. Бу ижтимоий сифатларга эга бўлганлар комил инсон мақомини оладилар.

Маърифат соҳаси умумий методологиясининг иккинчи қисмига дидактиканинг умумий тамойиллари киради. Буларга таълим-тарбия жараёнида таълим олувчи диққатини берилаётган билимга қаратиб, уни жараён охиригача сақлаб туриш; ҳар бир билимни илмий асослаб бериш; билим беришда тингловчининг имконияти ва ёш хусусиятидан келиб чиқиш; билим беришда мумкин қадар кўпроқ кўргазмали воситаларидан фойдаланиш; билим беришда мунтазамлик ва давомийликни сақлаш; уни меҳнат жараёни билан қўшиб олиб бориш; таълим ва тарбия жараёнида тингловчиларнинг фаолиги ва онглигини таъминлаш; таълим ва тарбиянинг тизимли, изчил бўлиши ва унинг бирлиги қонуниятлари киради.

Маърифат илми ва амалиёти жараёнида бу қонуниятларга умумсоҳавий тамойил сифатида амал қилгандагина маърифатчилар ўз олдига қўйган мақсадларига етадилар.

Олинган билимларни текшириш учун саволлар:

1. Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш учун қайси йўлни танлади?
2. Ўзбекистон давлати маориф соҳасида қабул қилган тарихий ҳужжатлар ва уларнинг ҳаётга жорий қилиниши тўғрисида нималар дея оласиз?
3. Миллат фарзанди, комил инсон, деган тушунчаларни шарҳлаб беринг.
4. «Авесто»да комил инсонга қўйилган талаблар?
5. Ислом таълимоти «иймонли инсон» тушунчасига киритган инсоний хислатлар?
6. «Ақлли» ва «одобли» тушунчаларни қандай шарҳлайсиз?
7. «Билимли» ва «меҳнатсевар» тушунчаларини қандай шарҳлайсиз?
8. «Миллий гурур» ва «ватанпарвар» тушунчаларини таърифлаб беринг?
9. «Байналмилал» ва «инсонпарвар» деган инсоний хислатлар нимани билдиради?
10. «Жасурлик» хислати ҳақида нималарни биласиз?

5-мавзу бўйича семинар машғулоти саволлари:

1. Олий Мажлиснинг IX сесиясида қабул қилинган «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилишдаги роли.

2. Комил инсон сиймоси тўғрисида аجدодларимиз таърифини шарҳланг.

3. Зиёли мутахассислар сиймосига қўйилган талаблар ва унда шарқона фазилатларнинг намоён бўлиши.

Адабиётлар: 1—4, 8—10, 12—18, 19, 25.

ДИДАКТИКАНИНГ МОҲИЯТИ ВА АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Дидактика таълим назарияси деган тушунчани англаатади. Таълим назарияси таълим жараёнида амал қилиниши шарт бўлган тамойиллар, таълим усуллари ва услублари ҳамда таълим-тарбия шакллариини ўз ичига олади. Шунингдек, ўқувчиларни тарбиялаш мақсадларига жавоб берувчи умумий қонуниятларни аниқлаб олиш вазифасини қўяди.

Демак, дидактика ёш авлодни «нимага ўқитиш», «нимани ўқитиш» ва «қандай ўқитиш» каби саволларга жавоб беради. Дидактика, ўз навбатида, айрим ўқув фанларига оид усул ва услублар билан узвий боғлиқдир. У ўқитишнинг умумий қонуниятларини аниқлаб бериши билан бирга, ҳар бир ўқув фанини ўқитиш усуллари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Энди дидактика илмининг тадқиқот объекти, предмети, мақсади ва вазифалари устида тўхталиб ўтамиз.

Умуман педагогиканиннг тадқиқот объекти узлуксиз таълим-тарбия жараёни ҳисобланади. Дидактика педагогиканиннг назарий қисми бўлиб, унинг тадқиқот объекти ҳам умумий педагогика объекти ичидадир. Шундай қилиб, дидактиканиннг тадқиқот объекти педагогика назариясидир. Педагогиканиннг назарияси бир бутунликни ташкил қилиб, қўйидаги қисмлардан иборат:

Биринчи қисм — ўқитувчи, унинг ўз фанини эгалланганлиги, педагогик маҳорати, ўзига жалб қила олиш хусусияти ва ҳоказо хислатларини ўз ичига олади. **Иккинчиси** — ўқувчи, унинг табиатан берилган

билиш қобилияти, шу фанга интилиш қуввати ва бошқа бир қатор ижтимоий шароитлар. **Учинчиси** — ўргатиши лозим бўлган билимлар мажмуи. **Тўртинчиси** — дидактик материаллар деб номланган методик қўлланмалар, кўргазмали қуроллар, техник воситалар ва бошқалар. **Бешинчи** — дидактиканинг боқий қонуниятлари.

Дидактиканинг тадқиқот предмети таълим-тарбия жараёнини ташкил қилувчи шу беш қисм орасидаги функционал боғлиқликдир.

Дидактиканинг тадқиқот олиб боришидан мақсади ўқитувчи ва тингловчи, ўқитилаётган фан, дидактик материаллар, дидактик тамойиллар орасидаги муносабатларнинг қонуниятларини аниқлаш.

Таълим мазмуни ҳам мажму бўлиб, таълим жараёнидаги ўзгача элементлар билан билвосита боғлиқ: ўқув-дастурий ҳужжатлар, ўқув режаси, дарслик, ўқув қўлланмалари шаклида мавжуд бўлади. Ўқув-дастур ҳужжатларини тузиш белгилаш ўқув-тарбия жараёнини педагогика ва услубий назария билан боғлайдиган элемент ҳисобланади. Таълим мазмунини танлаш ҳозирги босқичма-босқич ўқитишни ташкил қилиш шароитида алоҳида аҳамиятга эга, чунки бу ерда ўқув-дастур ҳужжатлари ҳар қайси алоҳида олинган йўналишга (бакалаврият, магистратура, лицей — коллеж) алоҳида-алоҳида тузилади.

Таълим мазмунининг тузилиши қуйидаги тамойилларга асосланади:

1. Таълим мазмунининг давлат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўналишларига боғлиқлик тамойили. Президентимиз И. А. Қаримов республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 5 та тамойилини белгилаб берган:

1) Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, яъни барча сиёсий масалалар иқтисодиётга боғлаб ечилади, сиёсий партиялар ўқув юртларида бевосита фаолият кўрсатмайди.

2) Қонунларнинг устунлиги таъминланади.

3) Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнини давлат бошқаради.

4) Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кам таъминланган ҳар бир фуқаро ижтимоий муҳофаза остида бўлади.

5) Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни босқичма-босқич амалга оширилади.

И. А. Қаримов Олий Мажлис сессиясида, фан, маданият арбоблари билан учрашувларида истиқлол мафкураси масаларига тўхталиб, таълим-тарбия масалаларида биз умуминсоний қадриятларга асосланишимиз кераклигини уқтирадилар. Бу гоёвий йўналиш бизда умуминсоний ижобий хислатларни шакллантириш йўналишида, яъни сиёсий партиялар таъсири, халқ педагогикаси дурдоналари асосида, юз беради, демакдир.

2. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тамойили. Ватанни севмоқ учун уни билмоқ керак. Ватан байроғи, герб нишонасини билиб, ёшларда унга нисбатан ҳурмат ҳиссини тарбиялаш лозим. Байроқдаги ранглар ва белгиларни яхши таърифлаш керак. Ватан герби ҳақида ҳам яхши тушунчага эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон мадҳиясини ҳар бир фуқаро ёддан билиши даркор.

Ватанпарварлик тарбияси масалалари алоҳида олинган фанлар ёки ижтимоий фанлардагина ўз ифодасини топмасдан, балки бутун фанлар мазмунига сингдирилиши зарур.

3. Фанлараро комплекс алоқалар тамойили. Бакалавр ва магистрлар тайёрлаш мазмуни структурасида ўқув материаллари орасидаги боғланиш бўлади. Бундай боғланишларнинг маъноси умумтехника, умуммуҳандислик, махсус фанлар, турли ишлаб чиқаришлар, технологик жараёнлар билан бевосита боғлиқ бўлган табиий фанлардир.

Фанларнинг ўзаро мантиқий тузилишида қуйидаги боғланишлар аҳамиятли ҳисобланади:

а) турли предметларда кўриладиган умумий объектлар бўйича боғланиш;

б) турли ўқув предметларидаги турли объектларнинг таърифига оид бир-бирига яқин қонун ва назариялар бўйича;

в) тадқиқот методлари ва талабаларнинг амалий фаолиятлари бўйича;

г) турли умумфалсафий тушунчалар бўйича;

д) турли характердаги ўлчов-ҳисоблаш боғланишлари;

е) ишлаб чиқариш жараёнини ифодаловчи илмий билимлар бўйича;

ж) таълим ва тарбия услубларининг педагогик-психологик ва фалсафий билимлар билан боғлиқлиги.

4. **Касбларга йўналтириш тамойили.** Уқув режаси даги барча предметлар бўйича билимларнинг ўзи етарли эмас. Чунки ёш мутахассис ўқишни битириб, иш бошлагунича реал технологик жараёнда кўпгина ўзгаришлар рўй бериб бўлади. Шунинг учун ҳам таълим маъноси маълум билимларни кўзда тутати. Мутахассисда тезроқ билим ва кўникмаларни шакллантириш, касбий йўналтирилганлик кўникмаларини тараққий эттириш, жумладан, касб маҳоратини шакллантириш кўзда тутилади.

5. **Таълим мазмунини танлашда устувор ва ўзгарувчан (динамик) қисмларга бўлиб танлаш тамойили.** Асосий устувор қисмларга бўлиб тайёрлаш умумназарий, умумтехник, умумпедагогик ва политехник билим ва кўникмаларни шакллантиришни кўзда тутати. Шунингдек, илм тарихи, илғорлар тажрибасини ҳам ўз ичига олади. Булардан ташқари асосий тайёргарликка политехник аҳамиятга эга бўлган технологик билимлар киради ва маълум йўналиш бўйича тайёрланаётган барча мутахассисликлар учун мажбурий минимумни ташкил этади. Бўлғуси мутахассисларнинг махсус тайёргарлиги саноат, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши масалаларини ҳамда махсус йўналиш бўйича ишлаб чиқариш билим ва кўникмаларини шакллантириш ва мустақкамлашни ўз ичига олади. Асосий ва махсус тайёргарлик орасидаги муносабат мутахассисликнинг характерига, касбнинг ўзига хос хусусиятларига кўн жиҳатдан боғлиқ бўлади.

6. **Таълим мазмунини унификациялаш ва табақалаштириш тамойили.** Таълим мазмунини унификациялаш ва табақалаштириш, биринчидан, маълум бир йўналиш бўйича мутахассис тайёрланаётганида унинг бир неча тур модификациясини (хилларини) тайёрлаш имкониятини берувчи, унификациялашган ўқув режаларини тузишни кўзда тутса, иккинчидан, умумтехник, умумпедагогик ва махсус предметлар мазмунини табақалаштириш, ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланиши аънаналарини ҳисобга олади. Шунинг учун ҳам назарий, ҳам амалий махсус предметларнинг маъноси турли йўналишдаги мутахассисликлар учун турлича танланади.

Тайёрланаётган мутахассисликларнинг таълим мазмунини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан чиқарилган «мутахассисликлар классификатори»ни асос

қилиб олиб, янада янги мутахассисликларни модерни-
зациялаш зарурати туғилади.

Бўлғуси мутахассисликларни тайёрлашда таълим-
нинг ягона умумполитехник тайёргарлигини таъминлаш
мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга мутахассис-
ликнинг турли йўналишларини ҳисобга оладиган мах-
сус тайёргарликнинг ўзгарувчан қисмини ажратиш
лозим.

Усул, услуб ва методология тушунчалари. Зеро,
инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқи, унинг ҳар
қандай ҳаракати мақсадга йўналтирилган бўлади.

Киши мақсадига етишиши учун йўлда учрайдиган
бир қатор табиий ва сунъий, моддий ва номоддий бўл-
ган тўсиқларни енгиб ўтиши лозим бўлади Бу тўсиқ-
ларни бартараф қилиш учун у бир қатор тад-
бир ва чоралар қўллаиди. **Мақсадга етишишдаги муай-
ян тўсиқни енгиш учун қўлланиладиган тадбир ва чо-
ралар йиғиндиси усул (метод) дейилади.**

Қайд қилганимиздек, киши мақсадга етишишда бир
қанча, гоҳо ўнлаб — юзлаб тўсиқларни енгиши учун
шунга яраша усулларни қўллаиди. Уларни у маълум
бир қонуният асосида, яъни тартиби билан қўллаши
ҳам аён. Шундан келиб чиқиб, **мақсадга етишишда**
**қўлланиладиган усуллар тизимини йўл, услуб (мето-
дика) дейилади.**

Усулларни маълум бир тартибда, яъни услубда
қўллаш жараёнида, киши ҳар бир ҳаракат мақомини
мақсадга, тўғрироғи, мақсад кўрсаткичларига бўйсун-
диради. Ундан ташқари, киши маълум бир соҳа тар-
моғидаги фаолият давомида, яъни мақсад сари қилган
ҳаракати пайтида унинг тармоғидаги мавжуд қонуният-
ларга ҳам амал қилиши шарт. Акс ҳолда, мақсадга ета
олмайди. Демак, инсон ҳар қандай фаолият кўрсатиш
вақтида, фаолияти якунида қандай кўрсаткичларга эга
бўлган нарса ёки ҳодисаларга эришишни кўз олдига
келтириб, табиат ва жамият ривожланишининг энг
умумий қонуниятларидан келиб чиқиб амалга ошира-
ди. Шуларни эътиборга олиб, методология тушунчасига
қуйидаги таърифни берамиз. **Методология деб, киши**
**мақсад сари қилган ҳаракатида, унга тамойил сифа-
тида хизмат қилувчи мақсад кўрсаткичлари билан шу**
соҳадаги турғун қонуниятлар мажмуасига айтилади.

Педагогиканинг умумий методологияси бўлиб, ди-
дактиканинг умумсоҳавий қонуниятларидан келиб чиқ-
қан тамойиллар (принциплар) тизими хизмат қилади.

Дидактиканинг тамойилларига: таълим-тарбия жараёнида таълим олувчининг диққатини берилаётган билимга қаратиб тўплаш ва уни жараён охиригача сақлаб туриш; ҳар бир билимни илмий асослаб бериш; билим беришда билим олувчилар имконияти ва ёш хусусиятларидан келиб чиқиш; билим беришда мумкин қадар кўп кўргазмали қурооллардан фойдаланиш; билим беришда мунтазамлик ва давомийлик; билим беришни мумкин қадар меҳнат жараёни билан қўшиб олиб бориш ёки билимни тушунтиришда ҳаёт билан боғлаш; таълим-тарбия жараёнида таълим олувчиларнинг фаоллиги ва онглилигини таъминлаш; таълим-тарбиянинг тизимли ва изчил бўлиши; таълим ва тарбиянинг бирлиги қодалари киради.

Диққат қилдириш тамойили деб, таълим-тарбия олувчиларга билим бериш ва кўникма ҳосил қилдириш жараёнида, ўқитувчи ёки домла ҳар бир ўқувчи ёки талабанинг эътиборини жамлаб, тушунтираётган билимнинг мазмуни ва кўрсатаётган ҳаракатининг ҳар бир мақомига қаратиб, бу эътиборни дарснинг охиригача сақлаб қолишига айтилади. Таълим олувчилар диққатини берилаётган билимга қаратиш усуллари чексиз кўп бўлиб, таълим-тарбия берувчи уларни махсус адабиётлардан олиш ёки дарсга тайёргарлик кўриш пайтида ўзи ўйлаб топиши мумкин. Ўқувчи ва талабалар диққатини ўргатилаётган билимга қаратишнинг энг қадимий ва энг самарали усулларидан бири, маълум бир муаммони кўтариб чиқиб, унинг ечимини ўқувчи ва талабаларга ҳавола қилиш усулидир. Уни муаммоли дарс ўтиш усули дейилади.

Билим беришнинг илмийлик тамойили деб, бериладиган ҳар бир билим мазмунини ўқувчи ва талабаларга яхши маълум бўлган, аввалдан илмий асосланган ва тажрибада синаб кўрилган билимлар асосида тушунтиришга айтилади. Илмийлик тамойили фақат бериладиган ахборотни илмий асослаб бериш билан чегараланмай, уларнинг манбаларини таҳлил қилиш, тарихийлик усулларини қўллаш ҳам илмийлик тамойилларига киради.

Таълим олувчилар имконияти ва ёш хусусиятларидан келиб чиқиш тамойили: физиологик ва ижтимоий руҳиятшунослик илмлари таъкидлашича, инсон боласи ҳеч қачон бирдай иқтидорли, билимларни бирдай қабул қиладиган бўлиб туғилмас экан. Бундай имкониятлар ҳар кимда ҳар турли бўлиб, ёш улғайиши билан махсус

машқлар орқали уларни такомиллаштириш мумкин. Демак, ўқитувчи таълим олувчилар ёш психологиясини яхши билиши шарт. Шунингдек, ҳар бир боланинг қабул қилиш ва хотирасида сақлаб қолиш қобилиятига жиддий эътибор бериши зарур.

Таълим-тарбияда кўргазмалилик тамойили: бу тамойилга амал қилинганида тингловчининг кўриш аъзолари ҳам иштирок этади. Россия Педагогика Академиясининг тадқиқодларига қараганда, инсоннинг сезги аъзолари орқали олинган билимларнинг хотирада сақланиб қолиш даражаси қуйидагича: эшитиш аъзолари орқали олинган билимларнинг 15—20 фоизи қолса, кўриш орқали олинган билимларнинг 80—85 фоизи эсда қолар экан. Шунинг учун ҳам кўргазмалилик тамойили ўқув-тарбия жараёнининг асосини ташкил этади. Халқимизнинг «юз марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган маъқул» деган сўзи ҳам бежиз эмас. Аммо кўргазмалилик меъёрида ишлатилгандагина бу тамойил самара беради.

Мунтазамлилик ва давомийлик тамойили: бу тамойил таълим-тарбиядаги зарур физиологик қонуният ҳисобланиб, ўқув материални мантиқий боғлиқликда ўрганишни таъминлаб беради. Бу тамойил фанлар бўйича тузилган ўқув режа ва дастурларида, дарслик, ўқув қўлланма ва услубий тавсияномалар ёзишда амалда татбиқ этилади. Бу тамойил тушунчалар, далиллар ва бошқа фикрлар, қонун ва қоидалар билан амалий ишларни бажариш ўртасидаги мантиқий боғлиқликларни ўрнатиш орқали амалга оширилади. Бу тамойил орқали ўрганилаётган билимларнинг етакчи тушунчаларини аниқлаш, уларнинг бошқа тушунчалар билан алоқалар ўрнатишини, таълимдаги баъзи бир умумий қонуниятларни ёритиб бериш ва уларнинг ривожланиши манбаини очиб берадиган маълум бир мунтазамлиликка, кетма-кетликка риоя этишни таъминлайди. Мунтазамлилик ва давомийлик тамойили амалга оширилаётганда албатта фанлараро интегратив боғланишни кўзда тутиш муҳимдир. Бу тамойил ўқувчи ва талабалар ўқув фаолиятини ташкил этишнинг ҳам асоси ҳисобланади.

Таълим-тарбияни ҳаёт билан боғлаш тамойили: дидактикада таълим ва тарбияни ҳаёт билан ва ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлаб олиб бориш тамойили энг асосий ва етакчи қоида бўлиб, билиш фаолиятининг психологик асосларидан келиб чиқади. Ҳар қандай

билимлар кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти эҳтиёжлари асосида пайдо бўлиб, ана шу фаолиятга хизмат қилади. Муайян билимни бошқаларга ўргатиш жараёнида уни ҳақиқий меҳнат шароитидаги, лаборатория, микроучастка, устахона ва бошқаларда кўрсатиб берилиши зарур. Бу тамойил таълимнинг илмийлик ва кўргазмалилик тамойиллари билан мустаҳкам боғлиқдир. Ўқувчи ва талабалар билимларни назарий жиҳатдан ўрганар экан, уни амалий эҳтиёж туфайли пайдо бўлганлигини, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш омилларини ўрганиши керак.

Таълим билан амалиёт бирлиги тамойили даставвал ўқув фанининг мазмуни ва ўзига хос хусусиятига боғлиқ ҳолда ўқиш жараёнида амалга оширилади. Бу бирлик билимларни пухта ўзлаштириш ва уни амалда қўллай олиш, билимларни идрок қилиш, англаш уни мустаҳкам эсда сақлаб қолиш каби руҳий ҳодисалар билан боғлиқ. Ўқувчи ва талабалар томонидан ўзлаштирилган назарий билимлар ўқув-тажриба хоналарида, ер майдончаларида меҳнат жараёнида синовдан ўтиб, кўникма ҳосил қилади. Ўқувчи ва талабалар олган билимларнинг туб моҳиятини тўғри тушуниб етсаларгина келажакда уларнинг фаолияти юқори самара беради.

Таълимда онглилик ва фаоллик тамойили: ўқувчи билимларни ҳаётда қўллай олиши учун таълим бериш жараёнини фаол фикрлаш жараёнига айлантириш керак. Шундай шароит яратилганда ўқувчида ижодий ташаббускорлик ва мустақил тафаккур, нутқ маданияти ва илмий дунёқараш, эътиқод таркиб топади. Ўқувчи ва талабалар янги билимларни эгаллаш жараёнида турли қонда, теорема, шеър ёдлашнинг ифодаланишинигина эмас, балки уларнинг ҳаётий ҳодисалар, жараёнлар билан боғлиқ мазмунини ҳам тушунишларини талаб этади. Акс ҳолда эгалланган билимларда юзакичилик авж олади, билим қуруқ ёдлаб олинган бўлади. Билимларни онгли равишда ўзлаштириш ўқувчиларда билимга нисбатан маълум муносабат ҳосил қилишни, эмоционал кечинмалар уйғотишни ўз ичига олади. Таълим олувчининг билимларни ўзлаштиришга фаол муносабатда бўлиши унинг билиш фаолияти онгли кечишига ёрдам беради. Ўқитиш жараёнида онглилик ва фаоллик қондаси тафаккур ва нутқни ривожлантиришни назарда тутади.

Таълим ва тарбиянинг тизимли ва изчиллиги:

Дарс мазмунининг муқобил тузилишини танлаш, ўқитишдаги дидактиканинг «умумийдан хусусийга ва хусусийдан яна умумийга» қондасини ҳисобга олишни талаб қилади. Таълим-тарбияда изчилликка риоя қилиб ўқитиш лозим, токи бугун ўрганилган билимлар кечагисини мустаҳкамласин ва эртага ўрганиладиганларига замин ҳозирласин. Билимнинг ўзаро боғланишларини такомиллаштириш — янги билимларни баён қилиш жараёнида олдиндан ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни яна ҳам чуқурлаштириш, кенгайтириш ва мустаҳкамлашни таъминлашга қаратилган бўлиши шарт. Тизимлилик ва изчиллик ўқувчи ва талабаларда ҳар қайси фаннинг бир-бири билан узвий боғлиқ бўлишини курсатишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Таълим-тарбиянинг тизимли бўлиш тамойили баён қилинган билимларни мустаҳкамлаш ва илгари ўтилган дарсларни тўлдиришга хизмат қилиши лозим.

Таълим ва тарбиянинг бирлиги тамойили. Қишларга билим бериш, ўргатиш ва уларни ривожлантириш бир бутунликда амалга оширилиши зарур. Таълим ва тарбиянинг бирлиги тамойили асосий ва етакчи қондалардан бири ҳисобланади. У дидактика қонуниятларини ўқитиш ва ўргатиш борасидаги туб моҳиятини ифода қилади. Демак, бир бутун таълим жараёнида икки ўзаро боғлиқлик; ҳаётни билиш ва унга амалий муносабатни таркиб топтириш жараёни намоён бўлади. Ўқув муассасаларида бериладиган таълим билан тарбия ўртасидаги жараённинг бутунлигини таъмин этувчи узвий боғлиқлик мавжуд. Бу жараёнда таълим етакчи ролни ўйнайди. Чунки билим бермай туриб уни ҳаётга татбиқ қилишни ўргатиб бўлмайди. Аммо, билим беришдан мақсад бу билимни ҳаётда қўллашликдир. Шунинг учун бу билимни амалда ишлатишга ўргатиш (тарбия) жараёни бўлиши шарт.

Ўқувчилар табиий фанларни, хусусан, математика, химия, биология, жуғрофия, астрономия ва бошқа фанларни ўзлаштириш орқали дунёни билиш мумкинлигини англаб оладилар, дунёқарашни шаклланади, ҳақиқатга ишонч билан қарайдилар. Нарса ва ҳодисалар устидан ҳаққоний ҳукм чиқара оладилар. Таълим-тарбиянинг бирлиги таълим жараёнини тўғри ташкил қилиш, ўқитишнинг хилма-хил усул ва услубларидан фойдалана олишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Айниқса, таълим билан тарбиянинг бирлигини таъминлаш учун қуйидагилар амалга оширилиши зарур:

а) баён қилинган билимлар мазмунли бўлиши, ҳаётда ўз ифодасини топиши;

б) ўтилаётган мавзунинг моҳияти очиб берилиши, таълим жараёнида ҳаётий ҳодисалардан фойдаланиш имконияти яратилиши;

в) баён қилинаётган билимларнинг пухта ва мустаҳкам ўзлаштирилиши ва турмушда унга риоя қилиниши;

г) таълимда муаммоли жараёни вужудга келтириш орқали ўқувчи ва талабаларнинг қизиқишлари, фаоллиги ва ташаббускорлиги кучайтирилиши;

д) таълим жараёнида ўқувчи ва талабаларнинг уюшқоқлик, интизомлилик ва жавобгарликни сезиши, уларда ўзаро ёрдам ҳислари тарбияланиши.

Таълим-тарбия жараёнини амалга оширишда дидактиканинг тўққиз асосий қонуниятлари тавсифини берар эканмиз, дарс беришда уларга бирдай амал қилиниши шарт эканлигини таъкидлаб ўтишимиз даркор. Чунки бу тамойилларнинг бирортасига амал қилинмаса, таълим-тарбия жараёни илмий асосда ўтган бўлмайди ва ўқитувчи кўзлаган мақсадига ета олмайди.

Таълим-тарбия беришда дидактиканинг юқорида келтирилган қониниятларига бўйсунилдан ташқари, ҳар бир фанда дарс беришнинг ўз қонуниятлари ҳам мавжуд. Дарс берганда уларни ҳам эътиборда тутиш лозим.

Олинган билимларни аниқлаш учун саволлар:

1. Дидактика тушунчасининг моҳияти?
2. Дидактика фани ва унинг вазифалари?
3. Дидактика илмининг тадқиқот объекти, предмети ва мақсади.
4. Тадқиқот объектининг таркибий тузилиши?
5. Таълим мазмунининг тузилиш тамойиллари?
6. Фанлараро алоқаларни таърифланг.
7. Усул, услуб ва методология тушунчалари?
8. Дидактика тамойиллари педагогиканинг умумсоҳавий методологик асоси сифатида?
9. Дидактика тамойилларини санаб беринг?

6-мавзу бўйича семинар машғулоти саволлари:

1. Дидактиканинг моҳияти, тадқиқот олиб бериш объекти, предмети ва мақсади ҳамда фан сифатидаги вазифалари?

2. Таълим мазмунини тузишда қўлланиладиган та-
мойиллар?

3. Педагогларга методологик асос бўлиб хизмат
қилувчи дидактиканинг умумий тамойиллари?

Адабиётлар: 4, 10, 14, 15, 18—22.

БИЛИШ ВА УНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

Киши билим эгаллаш жараёнида бир қатор таш-
килий масалаларни ечади, онг ва руҳда маълум бир
ўзгаришлар содир бўлади. Бу жараённи гуруҳларга
ажратганимизда қуйидаги босқичларни кўрамыз;

Биринчи босқич — сунна ёки ибрат босқичида
билим эгаллаш жараёни инсоннинг ташқи сезги аъзо-
лари ва тафаккури орқали ҳис этиб билган нарса ва
ҳодисаларнинг маълум хусусиятлари ва қонуниятлари-
га тақлид қилиш орқали кечади. Бу жараён инсоният-
га маълум бўлган билимларни асосан эслаб қолиш
ва механик равишда бажариш, яъни тақлид қилиш
орқали амалга ошади. Бу босқичда эгалланган билим
«асотир билим» дейилади, аждодларимиз бундай би-
лимни «илмул яқин» деб атаганлар. Бу босқич асо-
сан кишининг ёшлик ва ўсмирлик даврига мансубдир.

Иккинчи босқич — маърифат босқичида инсоннинг
манتيқий тафаккури шаклланиб, эгалланган асотир
билимлар асосида янги қонуниятлар, яъни янги ало-
қадорликлар аниқланади. Бунда инсон тафаккури билан
биргаликда тасавури фаол қатнашиб, кишида билим
бериш эҳтиёжи пайдо бўлади ва билишнинг илмий
усуллари вужудга келади. Бу йўл билан топилган
билимлар «илмий билим» дейилади. Қадимги аллома-
лар бундай билимларни «айнул яқин» деб номлаган-
лар. Бу билиш босқичи одамларнинг вояга етган дав-
рига тўғри келади.

Учинчи босқич — урфон ва тасаввуф босқичи бўлиб,
унда билим топиш учун руҳ сафарбар этилади. Яъни
ички ҳиссиётни ишга солиб, мувоқаб ва илҳом усул-
лари орқали билим эгалланади. Бундай билимларни
«ботиний билим» дейилади. Алломалар уни «ҳаққул
яқин» дейишган. Бундай билиш босқичини киши вояга
етганда, яъни етуклик ёшида эгаллаши мумкин.

Бу босқичларнинг ҳар бирида ўзига хос билим

эгаллаш ва амалий ҳаракатларнинг усул ва услублари мавжуд.

Яқин ўтмишимизда асотир ва илмий билимларни эгаллаш ҳамда уларни амалиётда қўллаш, усул ва услубларини ўрганиш, янгиларини яратишга зўр берилган, аммо ботиний билимларни эгаллашнинг усул ва услублари ўрганилмаган. Аслида ботиний билим ҳақиқатга жуда яқин ҳаётий билимлардир. Бу босқичдаги билимни эгаллаш усуллари руҳ тарбияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, махсус руҳий машқларни қайта-қайта такрорлашлар (зикр қилиш) йўли билан руҳни мақсад сари сафарбар қилинади. Тасаввуф таълимотининг таъкидлашича, вужуд зарур жами билимларни, яъни нарса ва ҳодисалардаги қонуниятларни ўзида сақлайди. Уларни билиш учун бировлардан сўраш ёки китоб татишнинг ҳожати йўқ. Нимаики билимни билмоқчи бўлсанг, ўзингга, яъни руҳингга мурожаат қил. Тасаввуфни тарғиб этган шоир ёзади:

Бир сават ширмой нон турар бошингда
Тилайсан эшикдан бурда нон нечун?
Қишилар эшигин тақаллатгунча
Қоқсанг-чи, эй нодон, дилинг эшигин!

Билим эгаллашнинг бундай табиий ва самарали босқичига амал қилинмаслиги чала, гоҳо эса сохта билимлар кўпайиб кетишига ва дунёни бир ёқлама, баъзида нотўғри тушунишга олиб келади.

Юқорида билим эгаллаш ташкилий нуқтаи назардан босқичларга бўлиб чиқилди. Энди уларни инсон онги ва руҳиятида содир бўладиган ўзгаришлар нуқтаи назаридан ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Инсон мақсад сари қиладиган ҳаракатини, шу жумладан илмий тадқиқотни мулоҳаза юритишдан бошлайди. Яъни баъзи эҳтиёжлар одам руҳида ўзини кучли намоён қилавериши натижасида киши бу эҳтиёжни мақсадга айлантириш тўғрисида ўйлайди. Тўғри, уларнинг кўпи ният, яъни эҳтиёжлар босқичида қолиб кетади. Аммо баъзилари одам руҳида ўзини кучли намоён қилавериши натижасида киши бу эҳтиёжни қондириш ёки қондирмаслик устида ўйлаб қолади. Кейин бу эҳтиёжни қондириш шартлиги ёки шарт эмаслиги тўғрисида бир фикрга келади. Қондиришга қарор қилинса, демак, эҳтиёж мақсадга айланади. Қондирмасликка қарор қилинса, эҳтиёж эҳтиёжлигича қолиб кетаверади. Инсон фаолиятидаги мулоҳаза бос-

қичи деб, инсон руҳида пайдо бўладиган табиий ва ижтимоий эҳтиёжларнинг қондирилиши ёки қондирилмаслиги тўғрисида ҳукм чиқариб, эҳтиёжни мақсадга айлантириб берадиган тафаккурнинг фаолият турига айтилади.

Эҳтиёж мақсадга айланганидан кейин киши бу мақсадга етишиш йўлини излайди ва ўз тасавури ёрдамида бу йўлни ижро этиш режасини тузади. Нарса ёки ҳодисага етишиш бўйича инсон томонидан мақсад қилиб қўйилган, ammo илмий асосланмаган бўлсада, мантиқан боғлиқ тадбирлар мажмуига тахмин (гипотеза) дейилади.

Мақсадга етишиш тахмини мавжуд қонуниятларда асослаб берилган босқични концепция ёки илмий асосланган тахмин дейилади.

Тахмин ўз босқичида қолиб кетиши ҳам мумкин. Шундай ҳолатлар бўлиши мумкин; тахминнинг баъзи ўринлари тасдиқ топиб, баъзи ўринлари инкор қилиниб, сўнгра маромига етказилади.

Илмий асосланиб, маромига етказилган тахмин концепцияга айланади. Ҳар қандай илмий асосланган лойиҳани амалда синаб кўриш талаб қилинади. Мақсадга етишишнинг илмий асосланган лойиҳасини амалда синаб кўришни тажриба дейилади.

Лойиҳа қанчалик илмий асосланган бўлишига қарамай, тажрибадан ўтмаслиги мумкин. Бундай ҳолда ҳамма жараён бошидан қайтарилади. Яна бошқача тахмин қилинади ва ҳоказо. Кейинги фикрлар ҳам тажрибада ўз тасдиғини топмаса, жараён яна қайтарилди ёки мақсаддан воз кечилади. Чунки тажриба ҳақиқат мезонидир. Фақат тажриба синовидан ўтган ва таърифи маромига етган билим тўғри деб ҳисобланади ва шу соҳа фан назариясини бойитади.

Назария деб, тафаккурнинг барча босқичларидан ўтган ва амалиётда синалиб кўрилиб, маромига етган билимлар мажмуига айтилади.

Билим эгаллаш жараёнида инсонда муайян амалий фаолият билан бирга ички руҳий фаолият ҳам юз беради. Бу фаолият шахснинг руҳий ривожланишига олиб келади. Хўш, таълим бирламчими, ижтимоий ривожланиш бирламчими? Бу саволга кўпчилик психолог олимлар жавоб беришга ҳаракат қилишган. Кўпчилик олимларнинг фикрича, таълим бирламчи, ижтимоий ривожланиш иккиламчи, яъни ҳар қандай ижтимоий ривожланиш маълум даражада тўпланган билимларга

асосланади. Билимлар мажмуаси — таълим ҳажм жиҳатидан кенгая боради. Сифат яхшиланиши натижасида ривожланиш ҳам шунга узвий боғлиқ равишда рўй беради. Албатта, бу икки қирра орасида жуда ҳам узвий боғланиш мавжуд. Тарбия жараёнида одам меҳнат қуролларидан фойдаланиш кўникмаларини эгаллаб олади. Ўз-ўзидан маълумки, кишиларнинг тарбия мобайнида намоён бўладиган ижтимоий муносабатлари уларнинг руҳий фаолиятлари ривожланишига олиб келади.

Педагогик психологиянинг ўзига хос томонларидан бири инсоний бурчларни шакллантиришга фаол йўналтирилганидир. Ривожланишни ҳисобга оладиган, уни таъминлайдиган таълим тизимини тузиш миллий педагогикамизнинг асосий принципларидан ҳисобланади. Таълим ривожланишнинг бугунги даражасига эмас, балки бир неча даража юқори, ўқувчи етиши мумкин бўлган ривожланишга асосланиши лозим. Педагогик психологиянинг яна бир муҳим томони ҳар бир ёш даври учун ўзига хос ўқув меҳнат фаолиятини белгилашдир. Мактабгача ёшдагилар учун билим жараёни асосан яккама-якка ва жамоа бўлиб амалга ошириладиган ўйин орқали, бошланғич синф ўқувчилар учун ўйин билан биргаликда ўрганиш, ўрта синф ўқувчилари учун ўқув меҳнат, ижтимоий-фойдали унумли меҳнат, бадий санъат ижодкорлиги билан боғлиқ бўлган ҳунармандчилик меҳнати, жисмоний зўриқишни талаб қиладиган ўқув-ишлаб чиқариш меҳнатларини уюштириш мумкин. Ўрта синф ўқувчилари етарли даражада актив, мулоқотга муҳтож, ўқув дастурини эгаллашда бир мунча фаоллик кўрсатадилар. Юқори синф ўқувчилари ёшида ахлоқий фикрлар бир мунча мустақил, ўз-ўзини баҳолаш ва ўз-ўзини тарбиялаш, ўзини назорат қилиш элементлари шаклланиб ва аксарият ҳолларда ривожланиб боради. Юқори синф ўқувчилари ёшида касбга қизиқувчанлик, касб танлаш билан боғлиқ ўқув фаолияти етакчи ўринни эгаллайди. Албатта, ёш тоифасига бўлиниш нисбий тушунчадир. Амалда ҳамма ёшдаги ўқувчиларга таклиф этиладиган ўқув меҳнати ва бошқа фаолият турлари уйғунлашиб кетади. Яъни бу ҳар бир ёш даврида ўқувчи етакчи фаолият тури билан машғул бўлсин, деган маънони билдирмайди. Ўқувчи шахсининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайдиган фаолият турларидан мунтазам равишда фойдаланиши даркор. Шу билан бирга ишларни ташкил

этишда ёш хусусиятларини эътиборга олиш имконини беради.

Шахснинг ривожланишида ўқув, ақлий меҳнат, ижодиёт билан бирга мулоқот фаолияти ҳам алоҳида ўрин тутади. Мулоқот билимларни ўзлаштириш учун шарт-шароит яратади, билиш жараёнини ташкил қилишнинг бир шакли ҳисобланади. Мулоқотнинг амалда кенг қўлланиладиган турли шакллари мавжуд. Булардан **энг мукаммали оғзаки мулоқотдир.** Оғзаки мулоқот, яъни сўзлар орқали амалга ошириладиган тури бир неча минг йиллик тарихга эга. Оғзаки мулоқот икки киши ўртасида, яъни устознинг икки ва ундан ортиқ шогирдлари билан олиб борадиган мулоқоти, ўқитувчининг гуруҳ, синф, аудитория билан олиб борадиган мулоқоти, радио орқали ўтказиладиган мулоқот, телевидение орқали ўтказиладиган мулоқот, компьютер орқали ўтказиладиган мулоқот турларига бўлинади. Оғзаки мулоқотнинг ўзига хос устунликлари мавжуд. Биринчидан, ўқитувчи оғзаки мулоқот учун алоҳида тайёргарлик кўради ва олдиндан унинг мазмунини боийитишга ҳаракат қилади; иккинчидан, мулоқот ўқувчиларни доимо сўзлашга тайёр туришини талаб қилади; учинчидан, ўқувчилар бошқа ҳамсинфлари, касбдошлари олдида ботиниб сўзлашга ўрганадилар; тўртинчидан, ўқувчилар ўз ички фикр-мулоҳазаларини сўзлар орқали мантиқий нутққа айлантириш кўникмасини эгаллай бошлайдилар; бешинчидан, оғзаки мулоқот ўқувчилар нутқ маданиятини ўстиради, адабий тўғри сўзлар ишлатишга ўргатади; олтинчидан, оғзаки мулоқот талаффузнинг етувчанлигини таъминлаш учун оғиз бўшлиқларини машқ қилдиради; еттинчидан, оғзаки мулоқот жараёнида сўзлаш давомида фикрлаш кўникмаси шаклланади; саккизинчидан, оғзаки мулоқот ўқувчиларда аналитик, дедуктив алгоритмик фикрлаш кўникмаларини шакллантиради; тўққизинчидан, оғзаки мулоқот ўқувчиларда шоироналик хислатларини, ваъзхонликда нутқни драмалаштириш орқали унинг таъсирчанлигини таъминлайди.

Ўқув-билиш фаолияти ўқувчилар томонидан ўқув маълумотларини ўзлаштириш билан бирга ички руҳий кечинмалар тарзида юз беради. Албатта, ҳамма ўқувчилар ҳам ички руҳий кечинмаларни оғзаки мулоқот пайтида очиқ айтишга ботинавермайдилар. Шунинг учун ҳам **ўқув-тарбия жараёнида ёзма мулоқот ҳам кенг тарқалган.** Ёзма мулоқот ўқувчилар, талабалар

гуруҳида ўтказиладиган ёзма назорат ишлари, баён, уйда бажариладиган ёзма ишлар, реферат, курс иши шаклида амалга оширилади, кенг маъноли қисқа сўзлар билан ифодалаш кўникмасини, ички кечинмаларини очиқ-ойдин ёритиш имконини беради. Ёзма мулоқот ўқувчилар ҳуснихатини ва ниҳоят ўқувчилар билимини баҳолашда расмий ҳужжат функциясини бажаради.

Кўпчилиқни ташкил этадиган гуруҳларда оғзаки ҳамда ёзма мулоқотни бевосита ўқув жараёнида, дарсда ўтказиш бирмунча қийинчиликлар туғдиради. Бундай ҳолларда мулоқотнинг бошқа шаклларида фойдаланилади. Улардан бири **нигоҳий мулоқотдир**. Ўқувчилар томонидан амалга ошириладиган ўқув фаолиятини, уларнинг диққатини кузатиш орқали ҳам назорат қилиш мумкин. Айниқса бу услуб кар-соқов ўқувчилар билан ишлашда имо-ишоора тарзида қўлланилади.

Кейинги йилларда ахборот воситалари сифатида компьютерлар ва телевидениедан кенг фойдаланилмоқда. «Ахборотлар банки» кўрсаткичи бўйича ҳеч қандай восита ҳисоблаш машиналарига тенг келмайди. Бу ерда ўқувчилар билан бевосита мулоқот синфда, аудиторияда ўрнатилган гуруҳий компьютер орасида амалга оширилиши мумкин. Оммавий ахборот воситаларида эса компьютер бутун бир корпорация, соҳа, вазирлик, туман ёки давлатлараро кўламда амалга оширилган бўлиши мумкин.

Юқорида келтирилган воситалар фақатгина психологик нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилингандагина ижобий натижалар беради. Бунинг учун билимларни ўзлаштириш жараёни нималарга боғлиқлигини аниқлаш даркор. Билиш фаолияти умумийлиги, тафаккурдан тежамли ва малакали фойдаланиш, мустақил фикрлаш таълимнинг ривожланишига таъсир этади. Ақлий тафаккурнинг ана шу сифатлари таълим жараёнида ривожлана бориб, ўзлаштириш самарадорлигини оширишига кўмаклашади.

Таълим жараёнида фақат индуктив анализ, яъни айрим-айрим олинган билимларнинг умумлашган билимларга айланиши ёки, бошқача қилиб айтганда, осондан қийинга, оддийдан мураккабга ўтиши принципида кечиши билан чекланмай, хусусий ўзига хосликларни дедуктив равишда ажратиб чиқариш жараёнини тўлиғича кўрсаткичлари билан биргаликда кўриш ҳоллари ҳам учрайди.

Ўқитувчилар амалга оширадиган таълим жараёнини

икки томонлама тасаввур этиш мумкин. Биринчидан, дарс давомида ўқитувчи ахборот воситаси сифатида таълим шаклини амалга оширади. Иккинчидан, ўқувчиларнинг дарс пайтида ва дарсдан ташқарида амалга ошириладиган ўқув ишлари тарзида юз беради.


Таълим жараёни бевосита ўқитувчи раҳбарлигида амалга оширилганида ўқувчилар ўқитувчи томонидан таклиф этилган ўқув вазифаларини ҳал этиш тадбирларини бажарадилар. Ўқитувчининг системали назорати остида ўқув фаолиятини вақти-вақти билан тўғрилаб борадилар. Ўқитувчилар раҳбарлигида ўқув фаолияти натижаларини таҳлил этадилар.

Таълим жараёни бевосита ўқитувчининг раҳбарлигисиз мустақил амалга оширилганида ўқувчилар ўзларининг ўқув фаолиятини режалаштирадилар ва вазифаларини ойдинлаштирадилар, ўқув фаолияти давомида ўз-ўзларини назорат қиладилар, назорат натижаларига асосланиб, ўқув фаолиятларини кучлари етганча тўғрилайдилар, ўқув фаолиятлари натижаларини ўзлари ва ўқувчилар аро таҳлил этадилар.

Таълим жараёнида ўқитувчининг раҳбарлик, таълим бериш фаолияти билан ўқувчиларнинг ўқув фаолиятлари чамбарчас боғланиб кетади. Агар ўқитувчи ўқув ҳаракатларини назорат қилиш билан бирга ўз фаолиятини ҳам тўғрилаб борса, ўқувчилар ҳам унинг таъсирида ўз ҳаракатларини тўғрилаб боришади. Фақат ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ўқув фаолиятлари мана шундай уйғунлашгандагина таълим жараёни яқдил, яхлит, бир бутун бўлиб ривожланади. Аксинча, агар ўқитувчи бутун вужуди билан фаолият кўрсатсаю, ўқувчиларни ўз ортидан эргаштира олмаса, таълим жараёнининг вазифалари амалга ошмай қолади.

Ўқитувчи — ўқувчиларнинг биргаликдаги ёки ўқувчиларнинг мустақил ҳолатдаги ўқув фаолиятлари — билиш жараёнининг асосини ташкил этади. Булардан ташқари, билимларни ўзлаштиришнинг ички жараёнлари ҳам мавжуддир. Шу нуқтан назардан ўзлаштириш жараёнининг психологик тавсифини қўйидагича тасаввур этиш мумкин:

Билиш жараёни.



Қабул этиш (эшитиш, сезиш) ўқувчи сезги органларига таъсир этадиган ҳодисалар ва жараёнларнинг инсон тафаккурида акс этишидир. Қабул этиш жараёнига кўриш, фикр юргизиш, мулоҳаза қилиш билан бирга уларнинг аввалги тажрибалари ҳақида маълумотлар ҳам киради. Инсон қабул этиш жараёнида ўзининг аввалги билимлари, амалий тажрибаларига суянган ҳолда ҳодисаларнинг айрим ўзига хосликлари, белгилари, шакллари, шу билан бирга ўқитувчининг товуш асосидаги маълумоти ҳам қабул қилинади. Бу жараёнда педагог фаолият ўқувчиларда сафарбарлик ҳолатини юзага келтириш, ўқувчилар сезги майдонларини кенгайтириш, ўқувчилар ҳаётий тажрибасига кенгроқ суяниши, кўргазмали қуроллардан мувофиқ фойдаланиш, оғзаки нутқини ниҳоятда драмалаштириб, шоирона иборали сўзлар ишлатиб ўзига ром қила олиш билан изоҳланади. Бундан ташқари педагог ўқувчилар диққатини моҳирлик билан қўлаб-қувватлаб туриши, янги материални ўзлаштиришда ўқувчилар куч-ғайратларини фаоллаштириши лозим.

Қабул этиш (эшитиш) ўрганилаётган объектни тушунишга олиб келиши керак. **Тушуниш**, яъни билим эгаллаш айрим жараён ва ҳодисаларни ташкил қилувчи қисмлари ва уларнинг келиб чиқиши орасидаги боғлиқликнинг моҳиятини очишдан иборат. Изоҳланадиган ўқув материали тушунарли бўлиши учун ўқитувчи ўқувчиларни ўз фикри ортидан эргаштира олиши, аниқ мантиқий баён этиши муҳимдир. Хусусан таълимни шу хусусда қуриш керакки, ўқувчиларнинг ўзлари ашёвий далиллар, тажрибавий маълумотларни қиёслаб кўрсинлар, уларнинг илк сабабларини изоҳласинлар, мустақил хулосалар чиқарсинлар.

Тушунилган ҳодиса энди атрофлича англаниши керак. Маълумотни англаш тушунишдан кўра кўп қирралироқ, чуқурроқ ҳисобланади. **Англаш** давомида тушунилган ҳодиса бойитилади, ўзаро боғланишлар янада ойдинлашади, ўқувчининг ўзига ишончи янада ортади. Англашнинг самарали амалга ошиши учун ўқитувчи ақлий фаолиятнинг ҳар турли усуллари, яъни таҳлил, қиёслаш, муаммо қўйиш усулларида кенг фойдаланиши лозим. Ўқувчилар суҳбатларга, тадқиқот ишларига ва тажрибалар ўтказишга жалб этилиши керак.

Билиш жараёнида **умумлаштириш** алоҳида ўрин тутади. Билим, иқтидор ва кўникмалар оддий элементлар бўлакчаларидан йиғилиб мураккаб билимларга, мурак-

каб кўникма эса мураккаб малакаларга айлана бошлайди. Соҳа бўйича умумлашган билимлар бўлғуси мутахассисларнинг малакали иш бажаришларида қўл келади.

Шундай умумлашган билим, иқтидор ва кўникмаларга политехник билим мисол бўла олади. Бундай умумлашган билим ва кўникмалар ишлаб чиқаришнинг умумий асослари, кенг тарқалган технологик жараёнлар, политехник малакалардан иборатдир. Умумлашган билимлар мутахассисга янги соҳани эгаллашда назарий билимларни амалда қўллаш имконини беради.

Ўзлаштирилган, умумлаштирилган билим бирон-бир муайян ҳаётий шароитларда қўлланилиши керак. Тажриба корхонадаги ўқув цехи, мактаб ер участкасида амалга оширилса, ўрганилаётган масаланинг амалий аҳамияти яққол намоён бўлади, билимларни **мустаҳкамлайди**, унинг ҳаётийлигини таъминлайди.

Ўқувчи ўрганилаётган ҳодисани англаб, кейин тушуниши ёки, аксинча, олдин тушуниб, кейин англаши мумкин. Ўзлаштиришнинг ҳар бир таркибий қисмлари: умумлаштириш, мустаҳкамлаш ва қўллаш ўзаро бири бири билан синтетик равишда чамбарчас боғлиқ.

Ўзлаштириш жараёнининг кетма-кетлиги дарс репродуктив тарзда, яъни таҳлил методи билан ўтказилганда намоён бўлади. Амалда ўқув материални ўзлаштириш муаммоли ҳаётий масалаларни ҳал этишдан бошланиши мумкин. Ўқувчиларга муаммо ёки назарий масала таклиф этилади. Ўқув жараёнида назарий хулосаларни ҳаётда қўллаш, татбиқ этишдан назарий жиҳатдан тушунишга, англаш ва фикрлашга томон борилади. Таълим жараёнига шундай дедуктив ёндошиш ўқитиш муаммоли метод билан ўтказилганда самарали натижа беради.

Ўзлаштириш жараёнининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўрганилаётган ўқув материалнинг қанчалик асосланиши, ишончли далиллар билан тасдиқланишига боғлиқ. Ўқув жараёнини ташкил этар экан, педагог ўқувчилар йўл қўйиши мумкин бўлган камчиликларни олдиндан кўрсатиши, яқин вақт мобайнида айнан қайси камчиликлар устида жиддий ишлаши лозимлигини ўқувчиларга уқтириб бориши лозим. Уқитувчи ўқувчилар томонидан ўқув материални ўзлаштиришга сафарбар этилганлигини тушунтириш юзасидан чоралар кўради. Уқитувчи ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, меҳнат унумини ошириш каби ҳо-

латларнинг жамиятимизни ижтимоий ва маданий тараққий эттиришдаги аҳамиятини очиб берадиган ишонарли мисоллар танлайди. Уқитувчи ўқувчи ижодий интилишларини (яъни лойиҳалаш, ихтирочилик фаолияти ва ҳоказолар) қўллаб-қувватлаб, улар нималарга эътибор беришларини англашга ёрдам қилади. Буларнинг ҳаммаси мактаб ўқувчиларига мазкур мавзунини фаол ўрганишга имкон беради, уларда яратувчилик кўникмасини шакллантиради. Уқув жараёнида ўқитувчи талабчанлик ва рағбатлантиришнинг мақсадга мувофиқ меъёрини сақлаб туриши керак. Булардан ташқари, ўзлаштиришнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқувчилар ҳиссиётининг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Қувонч, қайғу, ваҳима, ҳайратланиш, уят, ачиниш, хафагарчилик, раҳмдиллик, норозилик, нафрат ва бошқа кечинмалар ўқувчида ўқув-тарбия жараёнининг боришига бевосита таъсир этади. Агар ўқувчилар асар қаҳрамонларидан таъсирлансалар, уларга нисбатан хайрихоҳлик ёки ачиниш туйғуси шакллана боради. Бадий асарлар ҳар доим ўқувчиларнинг ҳиссиётига таъсир кўрсатади, уларни мулоқотларга чорлайди.

Гуруҳ ўқувчиларининг ҳаммаси ҳам бир хилда таъсирланмайдилар. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўқувчининг индивидуал психологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндошиш мақсадга мувофиқдир. Заиф, суст ўзлаштираётган ўқувчининг ютуқлари ҳам бўлади. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда ҳам ҳиссиётнинг аҳамияти катта. Иқтидорли ёшлар мураккаб масалаларни ечиш жараёнида қийинчиликларни бошидан ўтказишади. Шу билан бирга масала ечилганида чексиз қувонч туйғуси, масала ечилмаганида эса қайғу чекиш ҳолатлари юз беради. Иқтидорли ўқувчилар кўпинча худбинроқ бўлиб ўсишади. Уларда ўз ўртоқларига нисбатан хайрихоҳлик кечинмаларини йўлга қўйиш жуда зарурдир.

Ҳозир ўқувчиларнинг билимни мустақил ўзлаштириши асосий ўринни эгаллайди. АҚШ ўқув юртларида, коллеж, университетларида ўқувчилар шахсий активлиги биринчи ўринга қўйилади. Дарс мустақил тажрибалар ўтказиш, кузатишлар, масалалар ечишлар билан бойитилса, ўқувчилар тайёргарлиги юқори бўлади. Дарсда беихтиёр муаммоли вазиятларни ҳосил қилиш, ўқувчилар фаолиятини рағбатлантириш, ўқувчиларга қийинчиликлардан ўзлари чиқиб олиш имкониятларини яратиб бериш ўқитувчининг вазифасидир. Ўзлаштириш жараёнида ижодий тафаккурни ривожлантириш учун мах-

сус усуллардан фойдаланиш зарур. Бунинг учун тадқиқий амалий ишларни бажариш, ижодий масалаларни ечишнинг оригинал вариантларини қидириб топишга хизмат этадиган машқлар ёрдам беради. Меҳнат ва техника юзасидан машқлар мобайнида ўқувчиларни оддий қурилмалар ва жиҳозларни лойиҳалаш ишларига, ихтирочилик ва кашфиётчиликнинг мумкин бўлган усулларига ўргатиш зарур. Ижодий тафаккур ривожланишининг фойдали воситаси — шеър, ҳикоя, қўшиқ ва бошқа адабий шаклдаги топшириқларни ёзиш, тасвирлаш ёки муסיқий ижодиётдан фойдаланиш самарали натижалар беради.

Олинган билимларни аниқлаш учун саволлар:

1. Асотир билим деб қандай билимга айтилади?
2. Илмий билим қандай топилади?
3. Ботиний билим нима ва у қандай йўллар билан аниқланади.
4. Мулоҳаза ва гипотеза нима, улар орасидаги тафовут?
5. Концепция тушунчасини шарҳлаб беринг?
6. Назария деб нимага айтилади?
7. Педагогик психологиянинг ўзига хос томонлари нимада?
8. Ўқув фаолияти жараёнида мулоқотнинг аҳамияти ва мулоқот турларини санаб беринг?
9. Билишнинг психологик томонларини айтиб беринг?
10. Ўзлаштиришни ташкил қилиш йўлларини кўрсатиб беринг?

7-мавзу бўйича семинар машғулоти саволлари:

1. Билим босқичлари ва уларнинг таснифи?
2. Мулоҳаза, гипотеза, концепция ва назария тушунчаларининг таърифи?
3. Билиш жараёнининг педагогик асослари?
4. Билишнинг психологик томонлари?

Адабиётлар: 4, 10, 15, 18—22; 26.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ МОҲИЯТИ. ТАШҚИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ

Таълим жараёни — ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг йиғиндисидан иборат. Бу жараён ўқитувчи томонидан маълум бир мақсадга йўналтирилган бўлади, доимо динамик тарзда ўзгариб боради. Таълим давомида ўқувчиларнинг шахсий хислатлари шакллантирилади ва ривожлантирилади. Таълим жараёнининг асосий вазифаси илмий ҳақиқатларни ижодий ўзлаштириш орқали юз беради. Билим турлари, ўрганилаётган объектлар бевосита кўриш йўли билан эмас, балки ўқитувчининг ҳикояси, тасвирлаб бериши орқали идрок этиш йўли билан эгалланади. Уқув жараёнини ҳаракатлантирувчи кучлар қарама-қаршилиқлар бирлиги ва уларнинг ўзаро курашидан иборат. Бунга тўхтовсиз равишда мукамаллаштиришга муҳтож бўлган жараённинг муҳим ҳолатлари орасидаги қарама-қаршилиқлар мисол бўла олади. Булардан ташқари, ўқув жараёнининг ички ўзига хос қарама-қаршилиқлари мавжуддир. Уқувчиларнинг ўзлаштириши ва кўникмалар ҳосил қилиши билан ушбу эҳтиёжларни қондиришнинг ҳақиқий имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршилиқлар бунга мисолдир. Бундай қарама-қаршилиқларни турли педагогик услублар, шакллар, кўргазмалilik воситаларини жорий этиш орқали ҳал этиш мумкин.

Таълим-тарбия жараёни фақатгина билимлар, кўникма ва малакаларни шакллантириб қолмай, балки ўқувчи шахсига комплекс равишда таъсир этишга йўналтирилган бўлади. Таълимнинг таҳлили билан бир вақтда ахлоқий тарбия вазифалари ҳам амалга оширилади, яъни ўқувчиларда ахлоқий, эстетик, этик қарашлар, тасаввурлар ва шунга мувофиқ хатти-ҳаракатлар, муносабатлар, эҳтиёжлар системаси шакллантирилади. Таълимнинг тарбиявий вазифаси объектив жараёни белгиланган мақсадга йўналтирилганлик билан белгиланади.

Ҳар қандай ахлоқий тарбия таълим жараёнининг боришига ижобий, фойдали таъсир кўрсатади. Ахлоқий тарбия интизомга, уюшқоқликка, фаолликка ундайди ва, ўз навбатида, таълим вазифаларини осон бажариш имконини беради.

Таълим-тарбия жараёни уч қирралидир. Биринчи қирраси—билим кўникмага ва ундан кейин малакага ай.

ланиш жараёни, **иккинчиси**—шахсий сифатларни тарбиялаш ва, ниҳоят, **учинчиси**—шаклланган хислатларни мустаҳкамлашдан иборат. Таълимнинг бу жараёнлари ёнма-ён амалга оширилади деб ёндошиш мумкин эмас. Бу қирралар жуда мураккаб боғлиқликда бўлади, бири бошқасининг давоми сифатида юзага чиқади. Албатта, ахлоқий тарбия жараёни тўғри ташкил этилган ҳолатда таълимнинг бориши жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Чунки бундай тарбия интизом, уюшқоқлик, фаоллик ва бошқа кўпгина фазилатни шакллантириш учун шарт-шароит яратади. Ахлоқий тарбиясиз самарали таълим жараёни бўлиши мумкин эмас. Мана шунинг учун ҳам таълим жараёни таълимий ва тарбиявий вазифаларнинг муштараклигини намоён этади. Ахлоқий тарбия ва таълим яхлитлигини таъминловчи омиллардан бири таълим усуллари тарбиянинг таркиби сифатида намоён бўлса, иккинчидан, тарбия усуллариининг ўзи таълим олишни рағбатлантирувчи сифатида намоён бўлади. Таълим ва ахлоқий тарбия шахснинг ривожланишига кўмаклашади.

Ўқув жараёнини ташкил этиш давомида талабаларнинг бир-бирини тўлдириб бориш воситаларини қўллаш таълимни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаради. Таълим ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро алоқаларини назарда тутаяди, ўзаро боғлиқ бу икки жараён — ўқитиш ва ўрганишдан иборат. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро дидактик ҳамжиҳатлигисиз таълимни амалга ошириб бўлмайди. Ўқитувчи қанчалик фаоллик кўрсатмасин, агар билимларни ўзлаштирадиган ўқувчиларнинг ўзида онгли фаолият бўлмаса, ҳақиқатан ҳам таълим жараёни амалга ошмайди. Шунинг учун таълим жараёнида педагог ҳар икки томон фаоллигини таъминлаши керак. Таълим жараёнида ўқитувчи билан ўқувчи мулоқотлари муҳим аҳамиятга эга. Таълим жараёнидаги мулоқот ўрганиш зарурлигини кўрсатади, ўқиш ўрганишга нисбатан ижобий муносабатларнинг шаклланишига хизмат қилади. Ўқитувчининг ўз фанига иштиёқманд бўлиши, ўқувчилар билан яхши муносабат ўрнатиши, бир-бирига нисбатан ўзаро ҳурматни сақлаши, ўқув жараёнида ёрдам қўлини чўзиши, ўқувчиларнинг ютуқлари, муваффақиятлари ўқитувчи томонидан ўз вақтида ва адолатли баҳоланиши ҳамда оғир вазиятларда ўзини тута билиши — буларнинг барчаси ўзлаштириш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Ўқи-

тувчининг маҳорат билан мулоқот ўрнатиши натижа-
сида таълимнинг тарбиявийлик даражаси ортади.

Таълим ва тарбия фақатгина бир қолипдаги нарса эмас, балки уни қуршаб турган муҳит, ижтимоий фойдали меҳнат, оммавий ахборот воситалари, жисмоний машқлар ва бошқа шунга ўхшаш дарсдан ташқари машғулотлар ёрдамида ҳам амалга оширилади.

Таълим жараёнининг таркибий қисмлари: мақсад-
лилик, рағбатлантириш, назорат, тўғри йўлга солиш,
баҳолаш билимларидан иборатдир. Таълим жараёнининг
ушбу таркибий қисмлари педагоглар ва ўқитувчилар
олдига мақсад қўйишдан тортиб, уларни амалга оши-
риб натижалар келтиришига қадар бўлган ҳамжиҳат-
ликларнинг ривожланишини аке эттиради. Шу билан
бирга, таълим жараёнининг ушбу таркибий қисмлари
педагоглар ва ўқувчиларнинг ҳамжиҳатликларини на-
зарда тутиши лозим.

Таълимнинг мазмуни ўқув даражаси, давлат ўқув
дастурлари ва дарсликлар билан белгиланади. Айрим
дарсларнинг мазмуни, мундарижаси ўқитувчи томони-
дан қўйилган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда кон-
кретлаштирилади. Фаннинг мазмунида ўқувчиларнинг
қизиқишлари, «тайёргарлик даражаси», ишлаб чиқа-
риш ва мактабдаги ижтимоий муҳит ўз ифодасини
топиши керак.

Таълимни баҳолаш — педагоглар томонидан баҳо-
лаш ва таълим жараёнида эришилган натижаларни
ўқувчиларнинг ўзлари баҳолашларини жорий этиш;
четга оғиш аниқлаганда уларнинг сабабларини аниқ-
лаш, кўникмалар ва билимларда топилган камчилик-
ларни тўлғазиш, режалаштирилган янги вазифаларни
лойиҳалашни ҳам назарда тутати.

Таълим жараёни асосида ўқувчилар томонидан ўқув
материалини ўзлаштириш ва мазкур фаолиятни бош-
қаришни амалга ошириш ётади. Шунинг учун ўқув
жараёнида раҳбарлик ролини ўқитувчи бажаради.
Аммо ўқув жараёнининг ўзи ўрганиш субъекти сифа-
тида ўқувчиларнинг актив фаолиятларисиз амалга ош-
майди. Ҳозирги даврда, ҳар бир дарс ўқувчиларнинг
ўзи янги билимлар, кўникмаларни ўзлаштириш фао-
лиятини ташкил этишига йўналтирилган. Ўқитувчи ўз
фаолиятини дарс режаларни тузиш воситасида амал-
га оширади. Намунали мавзуга тегишли режалар мах-
сус ойномаларда нашр этилади ва ўқитувчи мактаб
ҳамда синфнинг ўзига хос томонларидан келиб чиқиб

баъзи бир ўзгаришларнигина киритади. Дарс режалаларини ишлаб чиқишда фанни ўқитиш услуби юзасидан нашр этилган махсус қўлланмалар ёрдам бериши мумкин. Ушбу қўлланмаларда дарс бериш давомида ечилиши керак бўлган масалалар, топиришлар характерлари хусусида маслаҳатлар берилади. Жуда мураккаб таркибий қисмлари алоҳида таъкидлаб ўтилади, жуда ҳам бебаҳо, фойдали тажрибалар мустаҳкамлаш учун машқлар, кўрғазмалар, такрорлаш ва уй ишлари сифатида тавсия этилади. Шундай қўлланмалардан ўқитувчининг доимий равишда фойдаланиши дарсларни режалаштириш давомида ўз вақтини тежаш имкониятини беради. лаётган ўқитувчиларга ишларнинг биринчи босқич-Режанинг матни ўқитувчининг педагогик тажрибасига боғлиқ бўлади. Ёш; ўз фаолиятларини эндигина бошларида машғулотларини бир қанча даражада батафсилроқ режалаштиришга тўғри келади, яъни ўқув, тарбиявий, ривожлантирувчи характердаги асосий вазифаларни ўзида бирлаштирган ҳолда дарснинг мақсадини қайд этиб ўтиш, билимларни қўллаш ва мустаҳкамлаш учун ишланадиган машқларнинг тартиб рақамларини кўрсатиш, уй иши учун топшириқларнинг мазмунини, адабиётлар, жиҳозларнинг номи ва саногини кўрсатиш лозим.

Ўқитувчининг белгиланган режани бажариш юзасидан ташкил этадиган ўқув ишлари тайёрлов ва бажариш босқичларига бўлинади. Дарсга тайёрланиш давомида ўқитувчи ўз имкониятига қараб қуйидагиларни таъминлайди: таълимнинг зарур бўлган техник воситаларини, кўрғазмаларни қурооллар, қўлланмаларни, дидактик ва тарқатиладиган материалларни тайёрлайди; мураккабликлар вужудга келишининг олдини олиш ва, энг муҳими, жойларни танлаб олиш учун навбатдан ташқари, дастлабки диафильмларни кўриш, кўрғазмаларни қараб чиқиш, тажрибаларни амалга ошириш ишларини ўтказиши; олдиндаги тажрибалар, амалий ишлар ва кўрғазмаларни тайёрлаш ишларига ўқувчиларни жалб этади. Уйда ва дарсда такрорлаш уй ишларини ҳамда ўзлаштирилган назарий мавзунини мустаҳкамлаш, машқларни аввалдан бажариб қўйишга чорлайди.

Ўқитувчи дастлабки ташкилий ишлар давомида дарснинг режасига баъзи бир ўзгаришлар, аниқликлар киритади, ўқувчиларда қийинчиликлар туғдириши мумкин бўлган баъзи бир топшириқларни олиб ташлайди

ёки бўлақларга ажратади. Бевосита дарсда таълим жараёнини ташкил этиш, бир томондан, ўқувчиларнинг ўқув материални ўзлаштириш юзасидан фаолиятларини ташкил этиш, уларнинг олдига ўқув топшириқларини қўйиш, ўқувчиларга тегишли шароитларни яратиш, амалий ишларни ташкил этиш давомида ўқувчилар ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлаш ва улар олдида турган фаолиятнинг турлари ҳақида тушунарли, аниқ йўл-йўриқлар бериш, ўқув топшириқларини бажариш мобайнида ўқувчиларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиш кабиларни қамраб олади. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаоллигини рағбатлантиришларсиз муваффақиятли ўқитишни тасаввур этиб бўлмайди.

Рағбатлантиришлар ўқувчиларнинг диққат-эътиборларини мавзуга жалб этиш ҳисобига, шунингдек ҳавасмандликни, тиришқоқликни, синчковликни, билимга қизиқувчанликни уйғотиш ҳисобига ҳам амалга оширилиши мумкин. Дарснинг бориши жараёнида, хусусан унинг иккинчи қисмида, ўқувчиларнинг табиий равишда чарчашлари юз бера бошлаганда ва улар толиқишни, чарчоқни кетказадиган таъсирларга муҳтож бўлганда фойдаланадиган рағбатлантириш усуллари йўлаб топиш керак.

Таълимнинг ташкилий жабҳаси. Таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятининг ташқи кўриниши таълимнинг ташкилий кўринишини белгилайди. Таълимнинг ташкилий шакллари ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамжиҳатликдаги фаолиятини аниқлаб беради, оммавий таълим ва алоҳида (индивидуал) ҳолдаги таълимнинг нисбатларини белгилайди.

Ўрта Осиё ва умуман Шарқ таълими алоҳидалик, айримлик, якка ҳолда ўргатиш хусусиятларига эга эди, ўрта асрлар даврида эса машғулотлар ўқувчиларнинг унча катта бўлмаган гуруҳларида ўтказилган. XVI асрда дунё мактабларининг тажрибаларини ўрганиш асосида Я. А. Коменский дарс шаклидаги таълимни ташкил этишдан иборат синф — дарс тизимини назарий жиҳатдан тушунтириб берди.

Таълимнинг ташкилий — дарс шакли давомида ўқув машғулотлари ўқитувчининг раҳбарлигида, ўрнатилган жадвалга кўра, доимий бўлган ўқувчилар гуруҳи билан олиб борилади.

Таълимнинг синф — дарс шакли XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Англияда ёйилди ва

белланкастер тизими деб номланди. Бу ном уни таклиф этган муаллифлар А. Белла ва Д. Ланкастер исми шарифларидан ҳосил қилингандир.

Синф — дарс тизими амалда кўп жиҳатдан устун эканлигини намоён этди ва кўпгина мамлакатларда қўллана бошланди. Ўқувчиларнинг англаш фаолиятларини янада фаоллаштириш учун қилинган ҳаракатлардан бири таълимнинг янги ташкилий тури бўлди. Бу XX асрнинг бошларида АҚШ жамоат арбоби Е. Таркхерст томонидан таклиф этилган эди. Бу дальтон — режа деб номланиб, таълимни индивидуаллаштириш ва ҳар бир ўқувчига ўргатишда мустақил равишда ҳамда ўз тезлигида илгари силжиш имкониятини берадиган таълим тури эди.

Дарс ҳозирги замон ўқув жараёнида таҳсил мақсадларини амалга оширишда асосий таълим шакли ҳисобланади. Бир неча асрлар давомида таълимнинг дарс шаклидан бошқа бир янги шаклини педагогика назарияси ҳам, амалиёти ҳам таклиф этганича йўқ.

Ўтказилган дарс ўқувчиларни ҳам, ўқитувчиларни ҳам қаноатлантириши учун маълум даражада умумий талабларга жавоб бериши керак. Шулардан баъзиларини эслатиб ўтамиз. Айрим олинган бирон-бир дарс — предмет календар дастуридаги ўз ўрнига эга бўлиши, мақсади аниқ белгиланган бўлиши керак. Дарс ўтиш жараёнида шакллантирилиши лозим бўлган билим иқтидор ва қўникмаларнинг эришиладиган даражаси билан ҳам белгиланиши маъқул бўлади. Дарсда ишлатиладиган усуллар, воситалар туркуми аниқ бўлиши олдиндан белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Дарсга қўйиладиган дидактик талаблардан яна бири шуки, бериладиган ўқув материал системали равишда осондан — қийинга, оддийдан — мураккабга, ўқувчилар ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Ўқитувчи дарсни ташкил қилар экан, ўқувчилар ўқув фаолиятини активлаштирувчи ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришнинг муқобил режаларини амалга оширишни кўзда тутмоғи лозим. Дарсга бир мунча тарбиявий талаблар қўйилади. Ҳар бир дарс маълум даражада ғоявий йўналган аниқ тарбиявий вазифаларни бажариши, олинган илмий билимлар асосида дунёқарашни, юқори ахлоқий фазилатларни, эстетик дидни шакллантириб, таълимнинг ҳаёт билан мустақил алоқаларини таъминлаши зарур. Ўқувчиларда

билимга қизиқишни, билимларни мустақил эгаллаш кўникмаларини қарор топтириш, ижодий ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тасаввурлари чуқурлиги тарбиявий талаблардан ҳисобланади.

Дарсга қўйиладиган ташкилий талаблар: мавзу (календар) асосида дарс ўтказишнинг ишлаб чиқилган аниқ режаси мавжуд бўлиши, дарс ўз вақтида бошланиб, ўз вақтида тугаши керак. Дарснинг мантиқий изчиллиги, тугалланганлиги ва дарснинг бошидан то охиригача ўқувчилар онгли интизоми таъминланмоғи лозим. Дарсни ташкил этишда турли-туман воситалардан, ўқувтехник, компьютер, стационар ва динамик кўргазмали қурооллардан фойдаланиш кўзда тутилади.

Дарснинг таркибий тузилиши ўрганилаётган материалнинг мазмунига, дарсда фойдаланиладиган таълимнинг усул ва услубларига, ўқувчиларнинг тайёрилиши ҳамда ривожланиш даражасига, ўқув жараёнида дарснинг ўрнига боғлиқ бўлади.

Дарслар жуда ҳам турли-туман таркибий тузилишларга эга бўлиб, уларни бир марта доимий равишда мавжуд бўладиган кўриниш тарзида режалаштириш ва қотиб қолган намуна асосида ўтказавериш мумкин эмас. Дарснинг таркибий тузилишига юқорида қайд этиб ўтилган омиллар қаторида мазкур синфда ишлашнинг ҳаққоний шарт-шароитлари, шунингдек ўқитувчи иш фаолиятининг ижодий характери катта таъсир кўрсатади. Ҳар бир дарс бошқа дарслардан ҳатто улар битта мавзу юзасидан тенг, ёнма-ён синфларда ўтказилганда ҳам, унинг ўзига хос жиҳатларига кўра фарқ қилади. Дарсда ҳар доим ўқитувчининг махсус «педагогик ёндашув тарзи»ни кўриш мумкин. Масалан, комбинациялашган дарс қуйидаги кўринишда ташкил этилади: ташкилий иш, ўқувчиларга берилган уй ишларининг бажарилишини текшириш, ўрганилган материал юзасидан ўқувчилардан сўраш, ўқитувчи томонидан янги материалнинг баён этилиши, ўрганилган материални мустаҳкамлаш, уйга топшириқлар, вазифалар бериш.

Дарснинг таркибий тузилиши ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳамжиҳатликдаги фаолиятларининг ташқи кўринишигина эмас, балки жараёнларнинг моҳиятларини ҳам акс эттириши керак.

Замонавий дарслар учун ўзлаштириш, қисмларга ажратиш, такрорлаш ва мустаҳкамлаш, янги ўқув материални эгаллаш ҳамда уни амалий жиҳатдан

қўллаш билан боғлиқ равишда олдин ўрганилганларни назорат этиш каби таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқликлари характерлидир. Ўқувчиларнинг қидирувчанлик фаолиятларининг таркибий қисмлари фақат муаммоли дарслардагина эмас, балки ҳамма турдаги дарсларнинг (комбинациялашган, назорат ва бошқалар) айрим босқичларида ҳам фойдаланилади.

Дарснинг муваффақиятли ўтиши ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг дарсга тайёрланишларига боғлиқдир.

Дарсга тайёрланиш ва уни олиб бориш. Дарсга тайёрланиш етарли даражада педагогик иш тажрибасига эга бўлмаган ёш ўқитувчилар учун жуда зарур.

Ўқитувчининг дарсга тайёрланишида дастлабки босқичлар алоҳида ўрин тутади. Ўқув йили бошланиши олдидан ўқитувчи дастурдаги ҳамма мавзуларни ўрганиш вақтини тақсимлаб чиқади, унга мувофиқ бўлган **календар режасини** тузади. Ушбу режа ўқитувчига дарс ўтишида биринчи ҳужжат сифатида хизмат қилади.

Дарснинг режаси ихтиёрий тузилади, аммо унда қуйидаги таркибий қисмлар акс этишини таъминлаш зарур: дарснинг ўтказилиш муддати ва унинг мавзу режаси бўйича тартиб рақами; ўтказиладиган синфи, дарс мавзуси; таълимнинг вазифалари, шакллантириладиган билим ва кўникмалар; ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантириш; дарс босқичларининг давомийлиги ва ушбу босқичларда вақтнинг тақсимланишини кўрсатган ҳолдаги таркибий тузилиши; ўқув материалининг мазмуни; дарснинг ҳар бир қисмида ўқитувчи ва ўқувчининг иш усуллари; таълимнинг кўرғазмали ва техник воситаларини қўшиб ҳисоблаганда дарсни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув қуроллари; дарсда бевосита ўтказиладиган тест синовлари; уй вазифалари, топшириқлар.

Дарснинг ютуғи ва унинг натижалари нафақат ўқитувчи тайёргарлигига, балки ўқувчиларнинг тайёргарликларига ҳам боғлиқдир. Афсуски, ушбу масалага кўпинча ўқитувчилар ўзларининг амалий ишларида етарли даражада эътибор бермайдилар. Шу билан бирга ўқувчиларнинг навбатдаги дарсга (ёки дарсларга) тайёрланишлари уларда ижобий психологик кайфиятни вужудга келтиради, англашга, билишга бўлган юқори даражадаги қизиқишни тугдиради. Ўқувчиларни дарсларга тайёрлашда қуйидагилар назарда тутилади: уларни олдинда турган дарснинг дастурий ўрганиш режаси билан таништириш (бу хусусан юқори синфлар билан

ўқув ишларида ҳам жуда зарурдир); ўқувчиларнинг тушуниши мумкин бўлган дарсларнинг айрим бўлимлари билан танишиш; навбатдаги дарсда кўрсатиладиган масалалар юзасидан илмий-оммабоп адабиётларни ўқиш, янги материални ўрганишга кўмаклашадиган кузатишлар ва унча мураккаб бўлмаган тажрибаларни ўтказиш.

Ўқувчиларнинг дарсдаги ишларини барча учун умумий (фронтал) шаклда ташкил этиш билан бир қаторда, турли машқларни гуруҳларга ажратиб бажариш шакллари ҳам қўлланилади. Шу билан бирга ўқувчиларнинг индивидуал (алоҳида ҳолдаги) ва ҳар томонлама (фронтал) ишлари билан жуда ҳам мустақам боғлиқдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, мақсадга мувофиқ бўлган гуруҳнинг таркиби 5—7 кишидан иборат бўлиши керак. Ҳамкорликдаги ишлар учун бир хил ишлаш қобилиятига ва тахминан бир хил ўзлаштириш даражасига эга бўлган ўқувчилардан гуруҳ жамлаш зарур. Қоида бўйича ушбу гуруҳларнинг таркиби донмий бўлмасдан, ҳар бир фан бўйича турлича бўлади, ўқувчиларнинг ўзлари томонидан белгиланади, ўқитувчи эса ўқувчилар орасидаги ўзаро муносабатларни ҳисобга олган ҳолда тўғрилаб, бир йўналишга солиб боради.

Ўқувчиларнинг гуруҳ ишлари деярли барча дидактик масалаларни: масала ва машқларни ечиш, мустақамлаш, янги материални ўрганишда қўлланилиши мумкин. Гуруҳларда ҳам ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари ташкил этилади, аммо табақалашган гуруҳга тегишли топшириқларни бажариш ўқувчиларни жамоа бўлиб ишлаш методларига ўргатади, мулоқот эса, психологлар таъкидлаб ўтганидек, шахсиятпарастликдан қутулиш имкониятини яратади.

Ўқувчиларнинг ҳар томонлама (фронтал), гуруҳ ва индивидуал (алоҳида) ишлари тарбиявий ҳамда таълим вазифаларини амалга оширишга таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзига хос томонларини, ўргатаётган материалнинг мазмунини ўқитиш методларини, синф ва айрим ўқувчининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда бу масалаларни мувофиқлаштириши керак.

Ўқитувчи дарсларда ўқувчиларга бўлган талабчанликни ўзаро ҳурмат, зийраклик билан олиб бориши лозим. Дарсда ўқувчиларга ўқитувчининг мурожаат шакли ҳам фарқсиз эмас. Ўқувчиларни исми шарифи

билан аташ мақсадга мувофиқроқдир. Уқитувчи дарсларда фақатгина зийрак ва меҳрибон, қувноқ, хушёр бўлибгина қолмай, балки жиддий қиёфага кириши ҳам керак.

Уқитувчининг ўқувчиларга муносабатидаги ишонч, ўқитишнинг турли шаклларида фойдаланиш, ўқувчи ишларига ҳаққоний баҳо бериш, уларга ҳар доим ёрдам кўрсатиш — булар жуда катта дидактик ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, ўқувчиларда меҳнат малакаларини ҳамда ижобий ахлоқий фазилатларни шакллантиради.

Дарс беришни такомиллаштириб бориш учун янги шароитларда таълимни ташкил этишнинг асосий шаклларини ўрганиш зарур. Бунда таълим самарадорлиги ўқувчилар томонидан олинган билимлар билан чегараланмайди, балки англашнинг кўникма ва малакаларини эгаллаш билишга бўлган қизиқишларни ҳам қўшиб олади.

Ўқув-тарбия муассасаларида дарс ўқувчиларнинг ёшига ҳамда уларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўзига хос шаклда, ташкил этилади. Масалан, қўйи синфларда, ўқувчилар диққатини қиёсан жуда ҳам тез қўшиш зарур бўлиб, дарсларда ўқув ишларининг ҳар хил турлари, жумладан, ўйин ва машғулот характерида эга бўлганларидан фойдаланилади.

Юқори синфларда ўқитувчи томонидан янги материални баён этишда дарсларнинг (ҳикоя, тушунтириш ёки маъруза қилиш) роли ортади ва ўқувчиларнинг мустақил ишларининг (дарсликлари ва ўқув қўлланмалари билан) аҳамияти ошади, муаммоли дарсларда ижодий характердаги индивидуал (алоҳида ҳолдаги) ва гуруҳ бўлиб иш бажариш кенг қўлланилади. Академик лицей ва коллежларда ўқув машғулотларининг жадвалига қўш дарслар деб номланадиганлари киритилади. Бундай дарсларни янги маълумот асосидаги маърузани ўтказишда, амалий ишларни, семинар ва амалий машғулотларни, практикумлар ва ўқув саёҳатларини бажаришда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Уқитувчи дарсларда ва кечки мактабларда ҳаётий масалаларни мустақил ҳал этиш (ишлаб чиқариш, турмуш масалалари) малакасига эга бўлган ўқувчиларнинг мустақил ишларига суянади.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ УСУЛЛАРИ ТУҒРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

Таълим усули — ўқитувчи ва ўқувчининг тартибга солинган ўзаро алоқадаги фаолияти.

Ўқитиш усуллари ўқув жараёнининг асосий қисми ҳисобланади. Бу фаолиятни тегишли усулларсиз амалга ошириб бўлмайди.

Усуллар ахборотни узатиш ва қабул қилиш характериغا қараб сўз орқали ифодалаш, кўргазмали ва амалийга бўлинади. Талим мазмунини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг билим фаолиятига муносиб равишда қуйидаги усуллар: тушунтириш — иллюстратив (информацион рецептив), репродуктив, муаммоли баён, хусусий қидириш ёки эвристик ҳамда ярим тадқиқот ва тадқиқот усуллари қўлланилиши мумкин.

Ўқув-билиш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш жараёни узатиш, қабул қилиш, англаш, ўқув ахборотни эсда сақлашни ҳам олинадиган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллай олишни назарда тутати. Таълим жараёни ўқув ахборотни ва уни мантиқий ўзлаштиришни англашни ташкил қилишни кўзда тутати.

Ўқув фаолиятини рағбатлантириш ҳамда таълимга бурч ва масъулиятни асослаш усулларига бўлиш мумкин.

Таълимни рағбатлантириш усуллари: 1. Таълимга қизиқишни рағбатлантириш усуллари 2. Таълимга бурч ва масъулиятни рағбатлантириш усуллари.

Таълим жараёнидаги назорат ва ўзини ўзи назорат қилиш усуллари оғзаки, ёзма, лаборатория — амалий, тест — рейтинг усулларига бўлинади.

Таълимда назорат ва ўзини-ўзи назорат қилиш усуллари қуйидагилардир: 1. Оғзаки назорат ва ўзини ўзи назорат қилиш. 2. Лаборатория — амалиёт назорати ва ўзини ўзи назорат қилиш. 3. Тест назорат.

Таклиф қилинаётган усуллар нисбатан яхлит ҳисобланади, чунки у фаолиятнинг барча асосий элементларини ҳисобга олади. Унда билиш фаолиятини қабул қилиш, англаш ва амалда қўллаш қирралари яхлит ҳолда кўринади.

Таълимнинг оғзаки усуллари. Таълимнинг оғзаки усулларига: ҳикоя, лекция, суҳбат ва бошқалар кирати. Бу усулларнинг қўлланилишида ўқитувчи сўз воситасида ўқув материални баён қилади, тушунтиради, ўқувчилар

эса тинглаш, эслаб қолиш орқали уни фаол қабул қилдилар ва ўзлаштирадилар.

Ҳикоя. Ушбу усулда ўқувчиларга ўқув материали мазмунини оғзаки баён қилиш кўзда тутилади.

Ҳикоянинг бир неча тури бўлиши мумкин — ҳикоя — муқаддима, ҳикоя — баён, ҳикоя — хулоса. Биринчисининг мақсади — ўқувчиларни суҳбат орқали янги материални қабул қилишга тайёрлашдир. Ҳикоянинг бу тури нисбатан баённинг қисқалиги, ёрқинлиги, қизиқарлилиги ва эмоционаллиги билан ҳарактерланиб, янги мавзуга қизиқиш, уни фаол ўзлаштиришга эҳтиёж уйғотади. Мана шундай ҳикоя вақтида, дарсда ўқувчи фаолиятининг вазифалари тўғрисида тушунарли шаклда хабар берилади.

Ҳикоя — баён даврида ўқитувчи янги мавзунинг мазмунини очиб беради, муайян ривожланувчи режа, асосий, муҳимларини ажратиб, иллюстрация ва ишонарли мисолларни изчил баён қилишни амалга оширади.

Ҳикоя — хулоса одатда машгулотнинг охирида келтирилади. Ўқитувчи ундан асосий фикрни якунлайди, хулосалайди ва умумлаштиради, мазкур мавзу юзасидан мустақил ишлаш учун топшириқлар беради.

Ҳикоя усулини қўллашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади: баён қилиш, диққатни фаоллаштириш, хотирада сақлашни жадаллаштириш усуллари, ўхшатиш, таққослаш, асосийсини ажратиш, якунлаш каби мантиқий усуллар.

Ҳикояни самарали қўллашнинг шартлари; режани кунг билан ўйлаш, мавзунинг ёритишнинг оқилона изчиллигини таъминлаш, мисоллар, ва иллюстрацияларни муваффақиятли танлаш, баёнда зарурий эмоционалликка эришиш даркор.

Маъруза. Таълимнинг сўз билан ифодалаш усуллари билан бири сифатида ўқув маърузаси ўқув материални оғзаки баён қилишни кўзда тутиб, ҳикоядан ўз ҳажмининг катталиги, мантиқий қурилиши, образли исботлаш ва умумлаштиришнинг мураккаблиги билан ажралиб туради.

Маъруза давомида ахборотни оғзаки баён қилиш, узоқ вақт давомида диққатни тутиб туриш, тингловчиларнинг фикрларини фаоллаштириш усуллари, далиллаш, исботлаш, таснифлаш, системалаштириш, умумлаштиришдан фойдаланилади.

Маърузалар орқали асосан ўрта мактабларнинг

юқори синфларида, шунингдек академик лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида ўқитилади. Маъруза режасини аниқ ўйлаш ва маълум қилиш зарур. Режа бандларининг барчасида, уларнинг ҳар бирининг яқун ва хулосаларини изчил баён қилишда мантиқий ўйғунлик бўлмоғи керак.

Баённинг енгиллиги, тушунарлилиги, атамаларни тушунтириш, мисоллар ва кўргазмалар тайёрлаш, унинг хилма-хил воситаларидан фойдаланиш ҳам бундай катта аҳамиятга эга эмас. Маъруза шундай суръатда ўқиладигани, тингловчи унинг зарур жойларини ёза олсин. Шунинг учун ҳам ўқитувчи маърузанинг ёзиб олинган жойларини аниқ ажратиши, ёзиб олишларини енгиллаштириш учун зарур бўлса такрорлаши лозим.

Кейинги йилларда юқори синфларни ўқитишда физика, кимё, тарих фанларидан кўпгина мавзулардаги маърузалар синфни кичик гуруҳларга бўладиган семинар машғулотлари билан биргаликда олиб борилмоқда. Бу икки синфни бир маъруза оқимида бирлаштиришдан умумий соатлар тежаб қолиниб, бу соатлар семинар машғулотларига берилмоқда.

Сухбат. Сухбат усули атрофлича ўйланган саволлар ёрдамида ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги сухбатни кўзда тутиб, у ўқувчини фактлар тизимини, янги тушунчалар ва қонуниятларни ўзлаштиришга олиб келади.

Сухбат усулининг қўлланилишида саволларни қўйиш (асосий, қўшимча, йўлловчи ва ҳ.қ.), ўқувчининг жавоб ва мулоҳазаларини муҳокама қилиш, сухбатдан хулосаларни шакллантириш, жавобларни тузатиш усуллари билан фойдаланилади.

Саволлар қабул қилиниши учун етарлича ҳажмли бўлиши лозим. Мавзунинг ҳаддан ташқари майда саволларга бўлиб юбориш мантиқий бутунликни бузса, ниҳоятда катта саволлар мавзунинг муҳокама қилиш учун тушунарсиз қилиб қўяди. Ўқитувчи ўргатаётган муаммони муҳокама қилишни давом эттиришга имкон берувчи ёрдамчи, йўлловчи саволлардан фойдаланиши мумкин. Шундай сухбатлар ҳам бўлиши мумкинки, унда ўқувчилар илгари ўзлаштирилганларини эслайдилар, тизимга соладилар, умумлаштирадилар, хулоса чиқардилар. Бундай сухбатлар асосан тушунтириш характерига эга ва илгари ўзлаштирилганларга суяниш, ўқувчилар хотирасини фаоллаштиришни кўзда тутди.

Таълимнинг кўргазмали усуллари. Таълимнинг кўргазмали усулларини шартли равишда икки катта гуруҳга бўлиш мумкин: иллюстрация ва намойиш қилиш усуллари.

Иллюстрация усули, ўқувчиларга иллюстрация қўлланмалар — плакат, харита, доскадаги расм, олимларнинг портретлари ва бошқаларни кўрсатишни кўзда тутати.

Намойиш қилиш усули, одатда, асбоблар, тажрибалар, техник қурилмалар, турли типдаги препаратларни намойиш қилиш билан боғлиқ. Намойиш қилиш усулига, шунингдек, кинофильм ва диафильмлар кўрсатишни ҳам киритишади. Кўргазмалилик усулини қўлланишда қўйидаги усуллардан фойдаланилади: кўрсатиш, яхши кўринишни таъминлаш, ўтказилган кўрсатиш, намойиш ва ҳоказолар натижаларини муҳокама қилиш.

Кейинги йилларда амалиёт кўргазма воситаларининг бир қатор янгилари билан бойиди. Янги, пластмасса қопламли анча рангдор жуғрофий хариталар, тарих, адабиётдан иллюстратив альбомлар яратилди. Уқитиш амалиётига кундузи синфни қоронғилаштирмасдан ўқитувчининг шаффоф клеёнкада тайёрлаган расм, схема, чизмаларини кўрсатувчи ЛЭТИ аппарати, кодоскоплар кириб келди. Дарсларда ватманга кенг фламастерлар ёрдамида чизилган, ўрганилаётган ҳодисанинг биринкетин барча босқичлари динамикасини очиб бериш имконини берувчи суратлар қўлланила бошланди.

Уқув киносини қўллаш усули таълим амалиётида одатдаги ҳодиса бўлиб қолди. Асосий ўқув фильмларининг рўйхати ҳозирги кунда мактаб дастурларига киритилди. Бу эса ўқитувчининг танлашини анча осонлаштиради. Уқув жараёнида мавзу бўйича тўлиқ фильм ҳам, шунингдек, кино парча ва кинокольцовкаларидан ҳам фойдаланилади. Кино парчалари тегишли мавзунинг айрим масалаларига бағишланади. Кинокольцовка одатда ёпиқ жараёнларни, масалан, ички ёниш двигатели моделининг ишлаш жараёни, самолётнинг учиши ва қўнишини акс эттиради. Мавзунини мустақкамлаш учун фильмлардан фойдаланиш самара беради.

Уқув жараёнида фильмларни фойдаланишга тайёрлашда ўқитувчи уни олдиндан кўриши, намойиш қилиш давомида ўқувчилар олдида қўйиладиган асосий саволларни тузиши, дарснинг тегишли лаҳзасида кўрсатиладиган парчаларни, саволларни тузиши, алоҳида

хатони аниқлаб, ўқувчи ҳаракатига тузатишлар киритишга ёрдамлашади.

Амалий усулларнинг иккинчи гуруҳини лаборатория тажрибалари ташкил қилади. Кейинги ўн йилликда мактаб амалиётида фронтал лаборатория ишлари мустақкам ўрин олади. Шунингдек, амалий усулларга устахоналарда, ўқув-ишлаб чиқариш цехлари, ўқувчилар бригадаларида меҳнат топшириқларини бажариш ҳам киради. Бу топшириқлар ўқув-машқ характериға эға бўлиши мумкин. Буларда ўқув устахонасидаги қоғоз, картон, ёғоч, металл билан ишлаш, машқ қилдириш, турли асбоблардан фойдаланиш, дастгоҳ ва механизмларни бошқариш, «конструктор» типидagi пермамадалар билан ишлаш билан боғлиқ барча ишларни киритиш мумкин. Таълимнинг шундай усуллари ҳам қўлланиладики, бунда ўқув корхонанинг ишлаб чиқариш топшириғи бажарилади.

Амалий усулларға, шунингдек, ўқувчиларни овоз ёзиш ва овозни қайта ишлаш аппаратлари билан бажарадиган ишлари ҳам киритилади.

Тарбия усулиға ўргатувчи машиналар билан машина тренажерлар ва репетиторлар билан машқ ҳам киради. Бу машиналар, одатда, ўқув материални дастурлаш, уни дозаларға бўлиш, ҳар бир доза учун назорат саволларини танлаш, жавобни мустақкамлаш ёки янги йўлловчи саволларни қўйишни ташкил қилади.

Амалий усуллар тарбиянинг сўз орқали ифодалаш ва кўргазмали усуллари билан чамбарчас боғлиқликда қўлланилади, машқ, тажриба, меҳнат операциясини бажаришдан олдин педагог тушунтириш беради. Оғзаки тушунтириш ва иллюстрацияни кўрсатиш, одатда, машқни бажариш жараёнининг ўзи билан бир вақтда олиб борилади.

Таълимнинг муаммоли-қидирув усуллари

Таълимнинг муаммоли-қидирув усули муаммоли таълим жараёнида қўлланилади. Бу методлардан фойдаланишда ўқитувчи аввало муаммоли вазиятни яратади, саволларни қўяди, масалаларни, экспериментал топшириқларни таклиф қилади, муаммоли вазиятни ечишға қаратилган муҳокамани уюштиради, хулосаларнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Ўқувчилар олдинги тажриба ва билимларға асосланиб муаммоли вазиятни

ҳал қилиш йўллари тўғрисидаги таклифларини айтадилар, олдин олган билимларини умумлаштирадилар, ҳодисаларнинг сабабларини аниқлайдилар, уларнинг келиб чиқишини тушунтирадилар, муаммоли вазиятни ечишнинг энг оқилона вариантини танлайдилар.

Таълимнинг муаммоли қидирув усуллари амалда таълимнинг сўз орқали ифодалаш, кўргазмали ва амалиёт усуллари ёрдамида қўлланилади. Шу билан биргаликда ўқув материални муаммоли баён қилиш усулларни қўллаш, муаммоли қидирув амалий ишларини ўтказиш ёки, ҳатто, тадқиқот типдаги ишлар тўғрисида гапириш мумкин.

Ўқув материални муаммоли ўтиш муаммоли тузилган маъруза усуллари орқали баён давомида мулоҳаза юритишни, исботлашни, умумлаштиришни, фактларни таҳлил қилиш ва тингловчи фикрини ўз ортидан эргаштиришни, уни фаолроқ ва ижодийроқ қилишни кўзда тутди.

Муаммоли таълим усулларида бири эвристик ва муаммоли қидирув суҳбати ҳисобланади. Бунда педагог ўқувчилар олдига қатор изчил ва ўзаро боғланган саволларни қўяди. Ўқувчилар уларга жавоб берганда қандайдир шаклларни айтадилар. Айтганларининг тўғри эканлигини мустақил исботлашга ҳаракат қиладилар. Бу билан бирга янги билимларни ўзлаштиришда мустақил равишда олдинга силжишни амалга оширадилар. Агар эвристик суҳбатда бундай тахминлар янги мавзунинг фақатгина бирор элементига алоқадор бўлса, муаммоли-қидирув суҳбатда ўқувчилар муаммоли вазиятнинг бутун сериясини ечадилар. Шунинг учун ҳам бу суҳбатларнинг фарқи шартли ва фақатгина муаммоли вазиятда қўлланиш тадбирларига тааллуқлидир.

Таълимнинг муаммоли қидирув усулларида кўргазмали қўлланмалар эса сақлашни фаоллаштириш мақсадида эмас, балки дарсда муаммоли вазиятни яратадиган экспериментал масалаларни қўйиш учун ишлатилади. Бундан ташқари, кейинги пайтда расмлар ва схемалар серияси кўринишида муайян ўқув вазиятлари тасвирларининг кўргазмали қўлланмалари кўп тайёрланмоқда. Бу усулда ўқувчиларнинг мустақил фикрлашининг устувор сабабларини аниқлаш осон кўчади.

Муаммоли-қидирув усуллари кўпроқ ижодий билиш фаолияти кўникмаларини ривожлантириш мақсадида қўлланилади. Улар ўқувчининг билимини чуқур анг-

лашига, мустақил эгаллашига ёрдам беради. Бу усуллар, айниқса, қуйидаги ҳолларда самарали қўлланилади: ўқув материалида тушунча, қонун ва назария каби-ларни шакллантиришга йўналтирилганда, фактик ин-формацияни маълум қилиш, меҳнат фаолиятининг ла-боратория-экспериментал ўқув ва кўникмаларини ҳо-сил қилишда, ўқув материалининг мазмуни принциал жиҳатдан янги бўлмасдан, илгари ўрганилганининг мантиқий давоми бўлса, унинг асосида ўқувчилар янги билимни қидириш учун мустақил қадам ташласа; маз-мун ҳодисадаги сабаб-оқибат ва бошқа алоқаларни аниқласа, умумлашмалар ва бошқаларга олиб келса. Қидирув усуллари ўқитувчилар ўқувчиларни муаммоли вазиятни ечиш фаолиятига тайёрлаган ҳолатларида қўлланилади.

Таълим-тарбия жараёнида таълим олувчиларни фаол-лаштириш. Агар таълим жараёни талабада фаол ҳара-кат, билим ва кўникмалар орттириш иштиёқини уйғот-сагина бу жараён самарали кечади ва сифатли нати-жалар беради.

Ўқув фаолиятини бундай ташкил қилиш учун унинг барча усуллари—оғзаки, кўргазмали ва амалий, реп-продуктив, қидирув, индуктив ҳамда дедуктив, шунинг-дек мустақил иш усулларида фойдаланилади. Таълим жараёнида рағбатлантиришнинг асослаш вазифасини ўтайдиган бу усуллари шартли равишда икки гу-руҳга, яъни талабаларнинг билиш иштиёқини уйғотувчи ҳамда таълимда бурч ва масъулият туйғусини шакл-лантирувчи усуллардан иборат гуруҳга ажратиш мум-кин.

Бу жараёнда ўқув фаолияти, унинг мазмуни, шакли ва амалга ошириш усуллари муносабатда ижобий ҳиссиётнинг юзага келишини таъминлаш муҳимдир. Ҳиссий ҳолат, ҳозиржавоблик, ҳамдардлик, қувонч, ғазаб, ҳайратланиш ўзаро боғлиқдир. Шунинг учун ҳам диққат, эслаб қолиш, англаш жараёнларига бундай ҳолатда ўқувчининг чуқур ички кечинмалари қўшила-дики, бу жараённи қизғин кечадиган қилади ва мақ-садга эришиш маъносида анча самарали бўлади.

Масалан, тажрибали ўқитувчилар талабалар билан уруш мавзусини ўрганишда шундай материал ва факт-лар танлайдиларки, улар ўз бадийлиги, ёрқинлиги, ҳамда ҳиссийлиги воситасида уларда фашизмга наф-рат, жонажон халқидан фахрланиш, жангдаги буюк ғалабадан шодланиш туйғусини уйғотади.

Таълимни ҳиссий рағбатлантириш усулларида бири дарсда қизиқарли вазиятни яратишдир. Бунда гап ўқув жараёнига қизиқарли мисолларни, тажрибаларни, фактларни киритиш устида боради. Масалан, физика фанида «физика рўзғорда», «физика эртақларда» каби мисоллар бўлиши мумкин. Бундай қизиқарли фактларни танлаш талабаларда ҳозиржавобликни шакллантиради.

Ҳиссий кечинмалар ҳайратланиш усулини қўллаш йўли билан ҳам ҳосил қилинади. Келтирилган фактнинг одатдагидай эмаслиги, дарсда намойиш қилинган тажрибанинг фавқулоддалиги, маълумотларни моҳирона қиёслаш, мисолларнинг ишонарли бўлиши ўқувчиларда чуқур ҳиссий кечинмаларни туғдиради.

Рағбатлантириш усулларида бири айрим табиат ҳодисаларини илм-фан нуқтаи назаридан келиб чиқиб тушунтиришдир. Масалан, бунда ўқувчиларга вазнсизлик ҳолати, эркин тушиш ва сузиш қонунларининг илмий ҳамда ҳаётий талқинларини таққослаб тушунтирилади.

Дарс давомида ҳиссий вазиятни яратиш учун ўқитувчи нутқининг бадийлиги ва ёрқинлиги катта аҳамият касб этади. Ўқитувчининг нутқи буларсиз ҳам ахборот сифатида фойдали бўлса-да, лекин у ўқувчининг ўқув-билиш фаолиятини рағбатлантиради. Қизиқишни шакллантириш усуллари нутқининг бадийлиги, образлилиги ва ёрқинлигини таъминлаш билан бирга ўз навбатида ўқув фаолиятига ижобий муносабатни уйғотиши ҳамда билишга қизиқишни шакллантиришда дастлабки қадам бўлиши керак.

Ўқув фаолиятига қизиқишнинг асосий манбаи, аввало унинг мазмунидир. Бу мазмун кучли рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиши учун таълим принциплари қатор талабларга жавоб бериши лозим. Бунда таълим мазмунининг рағбатлантирувчи таъсирини оширадиган айрим махсус усуллар ҳам мавжуддир. Уларга биринчи навбатда янгилик, долзарблик, яратувчилик ҳолатларини киритиш мумкин. Ана шу мақсадда ўқитувчи мамлакат жамоатчилигида алоҳида қизиқиш уйғотаётган, вақтли матбуотда эълон қилинаётган, телевидение ва радио орқали берилаётган фактлар, расмларни махсус танлайди. Ана шундагина ўқувчилар дарсда ўрганилаётган масалаларнинг муҳимлигини ёрқин ва чуқур ҳис қиладилар ва шунга асосан унга катта қизиқиш билан ёндошадилар.

Ўқишга қизиқишни рағбатлантиришнинг муҳим

усули сифатида билишга доир ўйинларни айтиш мумкин. У ўқув жараёнида ҳордиқ чиқариш вазиятини яратади. Ўйин ўқишга қизиқишни уйғотувчи восита сифатида аллақачон тан олинган. Масалан, саёҳат, электровикторина каби ўйинлар ёрдамида муайян турманларнинг ҳайвонот дунёси, ўсимликлари, табиати ўрганилади.

Таълимни рағбатлантириш ва асослаш усулларига билиш баҳси ҳам киради. Маълумки, ҳақиқат баҳсларда туғилади-ю, баҳс мавзуга катта қизиқишни ҳам уйғотади. Баъзи ўқитувчилар таълимнинг бу фаоллаштириш усулидан моҳирона фойдаланадилар. Улар, аввало, у ёки бу муаммо юзасидан турли илмий нуқтаи назарлар курашининг тарихий фактларини таққослайдилар. Масалан, «Тарбиядаги бўшлиқдан қўрқиш» тарафдорлари билан атмосфера босими тўғрисидаги таълимот тарафдорлари ўртасидаги кураш тўғрисида ҳикоя қиладилар. Натижада атмосфера босими ҳодисасини ўқувчилар қизиқиш билан ўрганишади. Илмий баҳслар фан ривожининг ҳозирги босқичида ҳам давом этапти. Мана шунинг учун ҳам юқори синф ўқувчилари физикадаги элементлар жадвалини тузишга турлича ёндашиш, ердаги иқлимнинг ўзгариши сабабларига оид турлича фикрларни солиштирадилар. Ўқувчиларни илмий баҳслар вазиятига жалб қилиш уларнинг билимини тегишли масала бўйича чуқурлаштирибгина қолмасдан, диққатини ихтиёрсиз равишда мавзуга ҳам жалб этади. Мана шу аснода уларни таълим сари интилишга олиб келади. Бунинг учун, ўқувчиларга у ёки бу ҳодисанинг сабаби тўғрисида ўз фикрларини айтишлари, у ёки бу нуқтаи назарни асослашлари таклиф қилинади. Бунда «Ким бошқача ўйлайди?» каби саволлар анъанавий бўлиб қолган. Агар бундай усул баҳс қўзғаса, ўқувчилар беихтиёр у ёки бу изоҳларнинг тарафдорлари ёки рақибларига айланадилар ва ўқитувчилардан асосланган хулосани қизиқиш билан кутадилар. Шундай қилиб, ўқув баҳси ўқишга қизиқишни рағбатлантирувчи усул ролини ўйнайди.

Мактаб иши амалиётида дарсда махсус ташкил қилинадиган ўқув баҳсларини тез-тез учратиш мумкин. Бунда юқори синф ўқувчилари ўқитувчиларнинг топшириғи билан у ёки бу бадий асарни турли хил нуқтаи назардан таҳлил қилувчи адабиётларни ўрганадилар, янги физикавий ва кимёвий кашфиётларга турлича

нуқтаи назарларни муҳокама қиладилар. Бундай ўқувчилар концепциялар тарафдорлари бўлиб чиқадилар. Табиийки, у ёки бу нуқтаи назарнинг адолатлилиги тўғрисида ўқувчилар узил-кесил қарорга келадилар, деб бўлмайди. Бу усул бирон-бир масалани чуқурроқ ўрганиш учун қаттиқ қизиқиш уйғотади. Ўқув баҳслари турли фанларни чуқур факультатив ўрганишда айниқса, кенг қўлланилади. Масалан, тарих дарсларида ўқитувчилар ўқувчилар эътиборини таҳлил қилишга тортади.

Ўқишга ҳавасни рағбатлантиришнинг таъсирчан усулларида бири талабаларда қувонч ҳиссини яраттирди. Маълумки, ўқувчи муваффақият қувончини бошидан кечирмас экан, кейинги муваффақиятларга тўла ишона олмайди. Шунинг учун ҳам тажрибали ўқитувчилар ўқувчилар учун топшириқларни шундай танлайдилар-ки, улар тегишли босқичда ечилиши осон топшириқларга айланади. Бунда икки турли топшириқлардан фойдаланилади, улардан бирини ўқувчи бемалол бажара олади ва нисбатан мураккаб бошқа топшириқни ечиш учун унда интилиш базаси яратилади. Муваффақият вазияти бир хил мураккабликдаги ўқув топшириқларни табақалаштириш йўли билан ҳам яратилади. Муваффақият вазиятини яратишда у ёки бу ўқув топшириғини бажариш учун қулай маънавий-психологик муҳитни танлаш ҳам роль ўйнайди. Қулай микро ижтимоий иқлим ўқиш вақтида ишончсизлик, қўрқинч туйғусига барҳам беради. Бунда иккиланиш ҳолати ишониш ҳолати билан алмашинади.

Талабаларнинг ўқиш давридаги бурч ва масъуллик асослари. Таълим жараёни билишга қизиқишгагина эмас, балки бир қанча бошқа омилларга ҳам таянади. Бу омиллар ўқувчига ўқишдаги муқаррар қийинчиликларни бартараф этиш, уларни енгишдан қувониш ва қониқиш туйғусини бахш этади.

Маълумки, талабаларнинг ўқишдаги бурч ва масъуллик асослари бутун бир гуруҳ усуллари қўллаш воситасида шаклланади. Талабаларга таълимнинг ижтимоий ва шахсий аҳамиятини тушунтириш, уларни бажаришга ўргатиш, ўз мажбуриятларини муваффақиятли, виждонан бажарганликлари учун тақдирлаш, топшириқлар бажарилишини назорат қилиш ва зарурат туғилган ҳолларда ўқишга масъулият билан ёндашишдаги камчиларини кўрсатиш, танбеҳ бериш шулар жумласига киради. Шунини алоҳида таъкидлаш ло-

зймни, ўқишда бурч ва масъулиятни шакллантириш таълим ва тарбия жараёнининг бирлигини тақозо этади.

Талабаларнинг ўқишнинг ижтимоий аҳамиятини англаб олишларида уларга ҳозирги жамиятда фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи куч сифатидаги ролини тушунтириш муҳимдир. Талабаларга ишонарли мисоллар асосида умумтаълим савиясини яхшилаш меҳнат унумдорлигининг сезиларли даражада ошишига, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришни кенг қўллаш эса ишлаб чиқаришда инқилобий ўзгаришлар ясалишига олиб келишини тушунтириш керак.

Талабаларда ҳамма фанлар бўйича муваффақиятли ўқишнинг шахсий аҳамиятини тушунишни шакллантиришда ўқитувчи бир қанча қийинчиликларга дуч келади. Агар талабалар бўлажак мутахасссиларга яқин ўқув фанларни ўзлаштиришнинг аҳамиятини тез тушуниб олсалар, уларга бошқа фанларни ўзлаштиришнинг аҳамиятини тушунтириш осон кечади. Бунда ўқувчи техник ихтисосини танласа, унга гуманитар цикл фанларининг аҳамиятини тушунтириш ўринли бўлади.

Талабаларга қўйиладиган талаблар ахлоқ қоидалари, фанлар бўйича билимни баҳолаш мезонлари, ички тартиб-қоидалар ва ўрта умум таълим мактаб низоми билан белгиланади. Шунинг унутмаслик керакки, ўқиш масъулиятини рағбатлантириш ўқув ишларини бажаришга ўргатиш усуллари билан олиб борилиши мумкин, чунки бундай кўникмаларнинг бўлмаслиги ўқишдаги қолоқликларга, шунингдек интизомнинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Таълим жараёнида билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражасини назорат қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Шу хусусда оғзаки савол-жавоб шакли анъанавий усуллардан бири ҳисобланади. Оғзаки савол-жавоб ўқувчи-талабаларни ҳозиржавобликка тайёрлайди. Оғзаки савол-жавоб якка-якка ва ёппасига сўраш орқали амалга оширилади. Якка ўқувчидан сўралганида ўқитувчи ўқувчига бир неча савол беради. Талабанинг жавобларидан ўқув материалининг қанчалик ўзлаштирилганлиги маълум бўлади. Бутунча гуруҳ ёппасига сўралганида ўқитувчи ўзаро мантиқий боғланган қатор саволларни танлайди ва уларни бутун синф олдига қўяди, талабаларни жавоб беришда активликка чақиради.

Оғзаки савол-жавоб талабалар оғзаки нутқ маданиятини ўстиради. Уларни сўзамолликка, равон сўзлар ишлатиб мантиқий жавоб ахтаришга, шаклланган билимларни сўзларда ифодалашга ўргатади. Педагогнинг вазифаси талабалар нутқидаги баъзи хатоликларни усталик билан тўғрилашдан иборат. Қўполлик билан берилган танбеҳ талабаларда сўзлаш иштиёқини қайтаради. Мақтов, далда бериш каби педагогик тадбирлар талабаларда ўзига ишонч уйғотади, гуруҳда муСОБАҚАВИЙ кўтаринкилик руҳини уйғотади, гуруҳ жамоасини янада, бирлаштиради. Аммо шунга қарамасдан, оғзаки савол-жавобга барча талабаларни юз фоиз жалб қилиб бўлмайди. Чунки айрим тортинчоқ характердаги талабалар бошқалар олдида сўзлашга ийманадилар, хато гапириб қўйсам кулгига қоламан, деб ўйлайдилар.

Кўп ҳолларда назоратнинг ёзма шакли талабалар ички сир-асрорларини, кечинмаларини, яшириниб ётган истеъдодларини очиш имконини беради. Бу усулда ёзма назорат, иншо, баён, диктант, ёзма синов ва ҳоказаларни 15—20 минут ёки дарс давомида ўтказиш мумкин.

Кейинги йилларда ёзма ишларнинг дастурлаштирилган шакли кенг қўлланиляпти. Бунда ўқитувчи саволлар рўйхатини тузади, уларнинг ҳар бирига мумкин бўлган жавобларни таклиф қилади, бу жавоблардан биттаси тўлароқ бўлади. Талабаларнинг вазифаси жавоблар ичидан нисбатан аниқроқ ва тўлароғини топиш.

Мактабларда назоратнинг нисбатан янги усули — бу талабалар тайёргарлигининг лаборатория назоратидир. У синфнинг ярим таркиби билан ўтказилади, аини вақтда синфнинг иккинчи ярми ёзма ишни бажаради. Бу хил назоратда талабаларнинг ушбу кунгача ўрганган назарий билимлари лаборатория шароитида синалиб, амалда татбиқ қилиб кўрилади. Масалан, талабалар меҳнат ва физика дарсида штангенциркуль, микрометр, амперметр, вольтметр, термометр каби ўлчов асбобларининг вазифалари, тузилишларини ўрганган бўлсалар, лаборатория машғулотида шу асбоблардан фойдаланиш кўникмаларини эгаллашади. Унга, тажриба ўтказиш талаб қилинадиган, назорат вақтида амалга оширса бўладиган масалаларни ечиш ҳам киритилади.

Талаба билимларини кўникма ва малакага айлантириш

Кўникма деганда одамнинг билим олиши, элементар тажриба ва малакага таяниб бирон ишни муваффақиятли бажариш имконияти тушунилади.

Орттирилган билимлар одам хатти-ҳаракатининг назарий асоси ҳисобланади. Билимларга асосланиб хатти-ҳаракатнинг кетма-кетлиги, алоҳида босқичлари хаёлдан ўтказилади. Элементар тажриба талабаларда айнан бирор фаолият ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бирон касб ёки фаолият ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишда элементар тажриба билан бирга бошқаларнинг тажрибасини тасаввур қилиш аҳамиятга эга. Бу ерда педагогнинг шахсий намунаси, новатор ишчи-хизматчиларнинг илғор тажрибаси, етук олим, ижодкорларнинг иш тажрибаси мисол бўла олади.

Бошқаларнинг тажрибасини ўзига сингдиришнинг асосий шarti одамнинг ўзида элементар тажрибанинг бўлишидир. Бундай тажриба ўқув меҳнати, ақлий меҳнат, ижодкорлик, рационализаторлик ёки оддий меҳнат операцияларини бажариш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай элементар тажриба бўлмаса ҳеч қандай натижа бермайди. Узатилаётган таълимни қабул қилиш учун талаба бошқалар тажрибасини ўзининг шахсий тажрибаси билан қўшиши керак.

Меҳнат кўникмаларининг шаклланиши жараёнида талабалар кўриш ёки эшитиш орқали фақат ҳаракатларнинг қандай бажарилиши ҳақида тасаввурга эга бўладилар. Бу фақат намуна, бажарилиши керак бўлган иш ҳақидаги кириш инструкцияси ҳисобланади. Кўникманинг шаклланиши учун талаба бу ҳаракатларни ўзи бажариб кўриши шарт. Талаба ёки ўқувчи бу ҳаракатларни «тотиб» кўриши жараёнида бошқаларнинг тажрибаси унинг шахсий тажрибасига айлана боради. Ҳаракатлар тартибга туша бошлайди. Талаба ҳаракат структураси ҳақида амалий тасаввур эгаллайди. Олдинига ҳаракатлар айрим, ҳар бир кейинги ҳаракат олдидан ўйлаш, чамалаш, солиштириш орқали сокин юз беради. Тарбиянинг турли босқичларида талабалар меҳнат кўникмаларининг даражаси ҳар хил бўлади. Элементар кўникмалар аста-секин мураккаб кўникмаларга айланади, мураккаб кўникмалар кўп

марта қайтараверилиши натижасида малакага айланади.

Малака — билимларга асосланиб машқ ёрдамида айланган фаолиятнинг автоматлашган компоненти ҳисобланади. Малака тез ва аниқ бажариш билан боғлиқ кўникмаларнинг автоматлашган элементлари саналади.

Талабаларнинг мураккаб машқларни бажариши давомида билимлар оддий кўникмаларга айлана бошлайди. Шу билан ҳамма билимлар ҳам кўникмага айлана бермайди. Малакалар бажарилаётган фаолиятнинг фақат маҳорат томонини, яъни айрим ҳаракатларни ифодалайди. Бутунча фаолият эса элементар кўникмалардан иборат бўлиб, бажариладиган мураккаб кўникмаларга асосланиб бажарилади.

Меҳнат кўникмаларининг шаклланиши учун фақат тафаккурнинг ёқи ақлий фаолиятнинг ўзигина етарли эмас. Талабаларда мураккаб кўникмаларнинг, умумлашган сафарбар кўникмаларнинг шаклланиши учун улар бевосита амалий меҳнат фаолиятида, узоқ пайт машқ бажаришда қатнашишлари шарт.

Албатта, талабаларни мутахассисликка тайёрлашда кўзда тутилган ва ўқув режасида мўлжалланган ҳамма кўникма ва малакаларни етарли даражада шакллантиришнинг баъзи объектив сабабларига кўра (ўқув жиҳозларнинг етарли эмаслиги, талабаларнинг табиий ўзига хослиги ва ҳоказолар) иложи бўлмас. Шунинг учун ҳам талабаларда умумлашган политехник кўникма ва малакалар шаклланган бўлишига эришиш лозим.

Илғор педагогик технология тўғрисида тушунча

Педагогик технология деганда таълим-тарбия жараёнига мажму сифатида ёндошиш тушунилади. Педагогик технология асосини педагогик жараёнга мажмули ёндошув тамойили ташкил қилар экан, у методика (услугиёт) деган тушунчадан ўзини воқеликка мажмули ёндашув қонуниятларидан келиб чиққанлиги билан ажралиб туради.

Педагогик технологиянинг педагогик услугиётдан иккинчи фарқи, у бутун педагогик жараён элементларини ўзаро узвий алоқадорликда кўрган ҳолда жараённинг лойиҳасини тузиб чиқади.

Унинг учинчи, анъанавий педагогик усул ва услублардан фарқи, у талабалар томонидан, уларга берилган

билимни айтиб беришга эмас, балки таълим ва тарбия жараёнининг якунида қандайдир бир амалий ишни бажаришга йўналтирилганлигидадир.

Педагогик технологиянинг бошқа таълим услубларидан тўртинчи фарқи, у дарс берувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ эмаслигидадир. Илмий асосланиб, яхши лойиҳалаштирилган педагогик технология бўйича ҳар қандай ўқитувчи ҳам, аъло бўлмаса-да, яхши дарс бера олади. Ҳар ҳолда, аввалгидек — «дарсдан кўзланган мақсадга объектив сабабларга биноан етиб бўлмади» ёки «кутилмаган омилларга биноан дарс бузилди» ва шунга ўхшаш гапларга педагогик технологияда ўрин йўқ.

Педагогик технологиянинг юқорида айтиб ўтилган хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг таърифини келтирамиз. Педагогик технология — таълим ва тарбия жараёнига янгича ёндашув бўлиб, педагогикада ижтимоий-муҳандислик онг ифодасидир. У педагогик жараёни техникавий тафаккур асосида стандарт ҳолга солиб, унинг оптимал лойиҳасини тузиб чиқиш билан боғлиқ тушунчадир.

Жаҳон педагогик тафаккурида бундай ёндашув янги бўлмай, XVII асрдаёқ «Буюк дидактика»нинг муаллифи Ян Амос Коменский таълим-тарбия жараёнини шундай шаклга солмоқчи бўлган-ки, «унда ҳар бир усул ва нарсалар вақт жиҳатдан шундай жойлаштирилиши керак эдики», «бутун педагогик жараён яхши созланган соат каби беҳато юриши керак» эди. Буюк педагог Коменский етмаган ниятга XX аср педагоглари етиб, педагогик технологияни яратишди. Бу ижтимоий воқелик илғор педагогик технология номини олиб, бутун дунё педагогларига дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Олинган билимларни аниқлаш учун топшириқлар:

1. Таълим-тарбия жараёнини шакллантириш тартиби.
2. Таълим жараёнининг уч қиррасини тавсифланг.
3. Таълим-тарбия жараёни икки узвий боғлиқ бўлган жараёнлардан ташкил топганлиги.
4. Таълим жараёнининг таркибий қисмлари.
5. Таълимни баҳолаш.

6. Таълимнинг ташкилий жабҳаси.
7. Дарсга тайёрланиш.
8. Дарсни олиб бориш.
9. Таълим бериш усулларини санаб беринг.

8-мавзу бўйича семинар машғулотлари саволлари:

1. Талабаларнинг ўқиш давридаги бурч ва масъу-
лик асослари.
2. Талаба билимларини кўникма ва малакага ай-
лантириш.
3. Педагогик технология тушунчаси.

Адабиётлар: 4, 19, 20, 23, 26.

«Таълим бериш усуллари» мавзусида ўтка- зиладиган мустақил таълим режаси

1. Таълимнинг оғзаки усуллари.
2. Таълимнинг кўргазмали усуллари.
3. Таълимнинг амалий усуллари.
4. Таълимнинг муаммоли-қидирув усуллари.
5. Таълим-тарбия жараёнида таълим олувчиларни
фаоллаштириш.

Адабиётлар: 4, 20, 23, 26.

Оралиқ назорат саволлари

1. Таълим-тарбия жараёнини шакллантириш ва
унинг таркибий қисмлари.
2. Таълимни ташкил қилиш ва уни олиб бориш.
3. Таълим бериш усуллари ва илғор педагогик тех-
нология.

МУТАХАССИСНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ ТАРБИЯЛАШИ. БОШҚАРУВНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

*Ешларда мустақил равишда билим олиш ва уни ҳаёт-
да қўллаш кўникмаларини ҳосил қилиш, ахлоқ ва
одобни яхшилаш зарурати талабалик даврида шакл-
ланади.*

Ешларни талаба бўлгунига қадар ота-онаси, мактаб ўқитувчилари, қариндош-уруғи, маҳалла-кўй назорат қилиб борса, талаба бўлганидан кейин бу назорат сусайиб кетади. Бу ҳолатни талабанинг ўзи англаб етиши лозим, шундан кейин бошқарув назариясининг асосий тамойили, тушунча ва қоидаларини эгаллаган ҳолда ўзини ўзи тарбиялай бошлаши керак. Қуйида бошқарув назариясининг энг умумий ҳолдаги тушунчаси берилган. Ҳар бир талаба уни ўрганиб, ўз шахсий ҳаётида қўллаши шарт.

Таълим-тарбиянинг бошқарув назарияси

Жамият тараққиётининг маълум бир босқичида жамиятнинг алоҳида қобилият ва билимларга эга бўлган кишилар томонидан бошқарилишига эҳтиёж пайдо бўла бошлади. Кейинчалик бошқарувчи кишилар сони кўпая бориб, алоҳида ижтимоий гуруҳга, сўнг табақага айландилар. Бу ижтимоий табақа кенгайиб, давлат деб номланадиган бошқарув органи пайдо бўла бошлади.

Давлатнинг турли чайқалишларсиз, илмий асосда бошқарилишига эҳтиёж орта бориши натижасида бошқарув назарияси вужудга келди.

Бошқарув назарияси инсбатан янги ва истиқболли фан тармоғи бўлиб, объектив борлиқни илмий билишга асосланади. У ўз фаолиятини бир қатор табиий ва ижтимоий фанлар заминида кўради. Академик Тодор Павлонинг айтишича, истисносиз барча фанлар пировард мақсадда бошқарувга хизмат қилади. Чунки ҳар қандай илмнинг тадқиқот олиб боришдан мақсади — табиат, жамиятдаги объектив қонуниятларни аниқлаб, уларни инсон эҳтиёжларига хизмат қилдиришдир. Бу эса — бошқарув. Бошқарув жараёнининг моҳияти ва қонуниятларини аниқлаш, бу жараёнда содир бўладиган муносабатларни очиб бериш, унинг тизимини ишлаб чиқиш ва бошқарув субъектининг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш бошқарув назариясининг вазифаларидир.

Масалан, ижтимоий ҳаётни бошқарув назарияси шу соҳани бошқариш жараёнида қўлланиладиган тадбирлар тартиби ва босқичларини аниқлаб беради.

Қуйидагилар ижтимоий жараёнлар бошқаруви назариясининг объектив асослари ҳисобланади:

— жамиятнинг тараққий этиши натижасида ижти-

мой ҳаётнинг алоҳида жабҳалари орасидаги адоқалар яқинлаша бориб, узвий муносабатлар даражасига кўтарилиши ва бир бутун ижтимоий мажмуни ташкил қилиши;

— илмий билишнинг замонавий босқичида жамиятдаги ҳодисаларнинг ижтимоий жараёнлар билан узвий боғлиқлиги ва ижтимоий ахборотлар оқимининг кўпайиб ва тезлашиб бориши;

— бошқарувчи ва бошқарилувчилар орасидаги муносабатларнинг тобора ривожлана бориб, бири иккинчисини тақозо этиши ва бошқарув технологиясининг такомиллашиб бориши.

Шу муносабат билан жамиятнинг объектив ижтимоий қонуниятлари ҳамда бошқарув қонуниятлари орасидаги узвийлик бошқарувни тўғри амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам бошқарув жараёнини шакллантиришда ижтимоий фанлардаги қонуниятларга суяниш керак.

Бошқарув субъекти ва бошқарилиш объекти орасидаги муносабатлар ижтимоий жараёнларни бошқариш назарияси тадқиқот предметига киради.

Бошқарув муносабатлари муайян бир мақсадга интилган кишиларнинг ўзаро қонуний равишда келишиб қилган ҳаракатидир. Аммо айрим шахслар ва ижтимоий гуруҳлар бошқарилиши жараёнида бир хил ва зифани бажариб, бир хил аҳамият касб этмайдилар.

Бошқарилиш жараёни ҳамма вақт «бошқарув органлари» деб номланган махсус ижтимоий гуруҳлар томонидан амалга ошириб келинган. Улар ижтимоий жараёнларнинг кечиш қонуниятларини ўрганиб чиқиб, уларни мақсадга йўналтирадилар ва назорат қилиб турадилар.

Бошқариш мақсадида олиб борилган муносабатларни бошқа ижтимоий муносабатлардан, жумладан, ишлаб чиқариш, ахлоқ-одоб, ўзаро мулоқот ва бошқалардан фарқлаш учун улар фақат жамиятни тартибга солиш учун қилинадиган муносабатлар эканини аниқлаш керак. Улар бошқарилиш жараёнининг умумий фаолиятидан келиб чиқиб, жамиятдаги мавжуд қонуниятларга асосланадилар.

Бошқарув деб тегишли қонуниятлар асосида (бу жараёни оптималлаш орқали) бошқарилувчи мажмуани бир ҳолатдан маълум бир бошқа мақсадга мос ҳолатга келтиришга айтилади.

Ижтимоий ҳаётни бошқаришни илмий асосда таш-

кил қилиш учун бошқарилувчининг муайян ҳолати тўғрисида тўлиқ ва объектив маълумотга эга бўлиш керак.

Шунинг учун ҳам бошқарилиш ҳолатига келишдан олдин бошқарув жараёнининг илмий асосланган лойиҳаси, ундаги тамойиллар, қўлланиладиган услублар, бошқарилиш босқичлари ва бошқа жабҳалар ижодий ишлаб чиқилиб, қоғозга тушурилади. Бунга **мажмуани илмий бошқариш дейилади.**

Бошқарувни илмий жиҳатдан амалга оширишда асосий омиллардан бири **бошқарув жараёнини иқтисодий** жиҳатдан асослаб беришдир. Бунга бошқарилувчи объектни муайян ҳолатдан жамиятга керак бўлган ҳолатга ўтказиш жараёнида сарфланадиган куч, маблағ ва вақтни ҳисоблаб чиқиш ҳамда уларни жалб қилиш манбаларини аниқлаш, бу жараён амалга ошгандан кейин жамиятга келадиган ижтимоий ва иқтисодий самараларни кўрсатиб бериш керак. Буни **мажмуларни иқтисодий бошқариш дейилади.**

Ижтимоий жараёнларни бошқариш назариясининг асосий вазифаларидан бири бошқаришни ташкил қилиш қонуниятларини аниқлаб беришдир.

Бошқарувни ташкил қилиш органлари деганда, жамият ҳаётини бошқариш мақсадида бирлашган кишилар жамоасига айтилади. Улар тузилиш жиҳатидан пирамидасимон шаклга эга ва бир-бирига бўйсунган босқичлардан иборатдир. **Бошқаришнинг бу босқичини маъмурий бошқариш дейилади.**

Ижтимоий жараёнларни бошқаришнинг мақсад ва стратегиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Арасту ўз вақтида айтганидек, ҳар доим ва ҳар жойда эзгуликка етишиш икки шартнинг бажарилишига: 1) ҳар қандай фаолият якунидаги мақсадни тўғри белгилашга; 2) пировард мақсадга эришиш тадбир ва чораларини излаб топишга боғлиқдир.

Бошқарувнинг мақсади ва кўрсаткичлари ўзгармас бир нарса эмас, мақсад амалга ошиши балан бирга улар ҳам ўзгариб туради.

Ҳар қандай жамият уч ижтимоий жабҳадан ташкил топади, улар ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, биргаликда «жамият ҳаёти» деган комплексни ташкил қилади. Улар қуйидагилардан иборатдир:

Сиёсий ҳаёт. Жамиятни бошқариш жараёнида «давлат» деб номланган ва бошқаришнинг масъулиятини зиммасига олган, махсус билим ва иқтидорга эга бўл-

ган муайян бир ижтимоий гуруҳнинг бошқа барча ижтимоий гуруҳлар билан, уларни тинчлик ва фаровонликка бошлаш мақсадида, амалга оширадиган муносабатлари ички сиёсат дейилади.

Демак, бошқарувга алоқадор масъул кишилар тинчлик ва фаровонликка эришиш мезонларини ва жамият тараққиётининг боқий қонуниятларини тўлиқ билишлари ва шу қонуниятлар асосида ўз сиёсатини шакллантиришлари шарт.

Барча ижтимоий гуруҳлар вакиллари, бошқача қилиб айтганда, бутун фуқаро қаёққа бошқарилаётганликларини ва унга эришишнинг ягона тўғри йўли шу эканлигини яхши билишлари шарт, Шундагина улар сиёсий ҳаётда фаол қатнаша оладилар. Шундагина демократик жамиятга эришиш мумкин.

Иқтисодий ҳаёт. Инсон бошқа мавжудотлардан ўзининг бунёдкорлик фаолияти билан ажралиб туради. У тинмай моддий ва маънавий бойликларни яратади. Бундай бойликларни яратишда маҳсулот, ишлаб чиқариш, уни сақлаш, савдо-сотиқ ва бошқа соҳалар иштирок этадилар.

Бу соҳалар ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, жамият иқтисодини ташкил қилади.

Ижтимоий ҳаёт. Инсон ўзини-ўзи намоён қилишини ижтимоий ҳаёт жабҳаси дейилади. Бу жабҳада киши ўқийди, дам олади, фуқаро сифатида, шахс сифатида, оила ва миллат аъзоси сифатида ўзини намоён қилади, ҳамда жамият ишлаб чиққан моддий ва маънавий бойликлардан фойдаланади.

Жамиятнинг фаровонлиги — ҳар бир жамият аъзоси ўзини тўла намоён қила олиш шароити билан белгиланади.

Инсон бу жараёнда ўқийди, билим ўрганади ва мазмунли дам олиб, маънавий бойлигини ортттиради. Оила аъзоси сифатида уйдагилар билан оилавий муносабатларда, эътиқоддош ва маслакдошлари билан мулоқотда бўлиб, ўзини эркин инсон сифатида кўради. Миллий маросим ва анъаналарда иштирок этиши натижасида миллий ғурур шаклланади. Сиёсий ҳаётда фаол қатнашиб, ўзини фуқаро сифатида намоён қилади.

Сиёсий ва иқтисодий жабҳаларнинг пировард мақсади ва фаолиятнинг самарадорлиги ижтимоий фаолиятга тўлиқ шароит яратилганлигида кўринади. Демак, иқтисодни ривожлантиришда бошқарув идоралари жа-

мятни тўғри йўлдан элтишни ўз фаолиятининг асосий мезони қилиб олишади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Марказий Осиё халқлари ўзининг ижтимоий ҳаётининг кўп қисмини оилада ўтказар эканлар. Шундан келиб чиқиб, фуқароларнинг оилавий шароитларига эътиборни кучайтириш лозим.

Иккинчи навбатда маърифат соҳаси туради, чунки маърифат соҳасида киши ҳам ишчи сифатида, ҳам оила аъзоси, ижтимоий гуруҳ ва миллат сифатида шаклланади ва ривожланади.

Маърифат соҳасига эътибор суст бўлган жамиятда яхши мутахассислар, билимдон олимлар етишиб чиқиши қийин.

Давлат иқтисодий ва маъмурий бошқаришни тўлиқ ўз зиммасига олган бўлса, ижтимоий соҳани бошқаришда етакчи ўрин таълим-тарбияга берилади. Давлат ижтимоий соҳани бошқаришда фақат иқтисодий ва маъмурий таъсир этиш йўли билан иштирок этади.

Таълим-тарбия соҳасини бошқариш

Илмий бошқарув. Бунда таълим-тарбия соҳасининг аввалги ҳолати атрофлича таҳлил қилиниб, унинг кўрсаткичлари ижтимоий бујуртмага таққослаб кўрилади. Сўнг мақсадга тўғри келадиган ва тўғри келмайдиганлари ажратилади. Ижтимоий бујуртманинг кўрсаткичларига мувофиқ келадиганлари ривожлантирилади, мувофиқ келмайдиганлари ўзгартирилади. Бу вақтда бутун таълим-тарбия жараёнининг тизими, унинг босқичлари, ҳар бир босқичда бериладиган билимлар мазмуни, таълим-тарбия билан шуғулланувчиларни ижтимоий муҳофазалашнинг илмий асосланган лойиҳаси, бажарилиши шарт бўлган ишлар, уларнинг кетма-кетлиги ва бажарилиш муддатлари, бошқарувни амалга оширувчи мутасаддилар ва бу жараённинг тадбир-чоралари ишлаб чиқилади. Одатда бу илмий асосланган лойиҳа бир неча вариантларда тузилади.

Иқтисодий бошқарув. Бу босқичда таълим-тарбияни мақсадга мос ҳолатга келтириш учун бошқариш босқичида режалаштирилган ишларни бажаришга кетадиган сарф-харажатлар миқдори аниқ ҳисобланиб, молиявий таъминланиш манбалари ҳамда ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилади.

Бошқарув жараёнининг муваффақиятли кечиши кўп

жиҳатдан иқтисодий бошқарув босқичининг илмий асосда ҳал қилинишига боғлиқдир. Иқтисодий бошқарув босқичи тўғри ҳал қилиниши учун бажариладиган ишга иш ҳақи тўғри белгиланиши, молиявий манбалари аниқ ва барқарор бўлиши ҳамда бу жараённинг барча масалалари иқтисодий қонуниятлардан келиб чиқиб бажарилиши зарур.

Маъмурий бошқарув босқичи. Бу — бошқарувнинг энг сўнгги босқичи бўлиб, уни муваффақитли амалга ошириш учун бошқарув моделини тўғри тузиб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Бу уч босқич ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, «бошқарув» деган ижтимоий ҳодисани ташкил қилади.

Ҳар қандай фаолият соҳасининг, айниқса, ижтимоий соҳаларнинг, шу жумладан маърифат соҳаси фаолиятининг самарадорлигига эришиш учун унинг илмий-тадқиқот ишларини тартибга келтириш ва ривожлантиришдан бошлаш керак.

Болаларни олинган билимларни ҳаётда қўллаш олиш-ликка ўргатиш зарур. Бунга қуйидагилар киради: ўзини-ўзи бошқара олиш; ижтимоий талабларни онгли равишда бажариш; сиёсат, ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт, экология ва бошқа фанлардан олган билимларига амалда риоя қилиш, эътиқод қила олиш, табиат ва жамиятдаги воқеаларни мустақил таҳлил қила билиш. Шундай ҳолатга эришиш керакки, билим кишининг барча ҳаракат ва фаолиятининг асоси бўлиб қолсин.

Болаларга маърифий фикрлашни ўргатиш, умуми руҳшунослик қонуниятларини бериш лозим. Чунки бугунги ўқувчи эртага ота-она, раҳбар, тарбиячи бўлади. Ундан ташқари, ҳар қандай шахс ўзи билан мулоқотда бўлган кишиларга озми-кўпми тарбиявий таъсир кўрсатади.

Олган билимларни аниқлаш учун саволлар

1. Ўзини-ўзи бошқариб туриб тарбиялашнинг моҳияти ва аҳамияти?
2. Жамиятнинг бошқарув органлари инсоният тараққиётининг қайси босқичида ва қайси сабабларга бинотан пайдо бўлди?
3. Бошқарув назарияси деб нимага айтилади?
4. Бошқарув жараёнининг таърифи?
5. Жамиятни илмий бошқариш деганда нимани тушунамыз.

Ф О Й Д А Л А Н И Ш Г А Т А В С И Я Э Т И Л А Д И Г А Н А С О С И Й А Д А Б И Ё Т Л А Р :

1. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. Т., «Ўзбекистон», 1994.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1995.
3. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995.
4. Каримов И. А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1997.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992.
6. Таълим тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Т., 1992.
7. Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мавқураси. Т., «Ўзбекистон», 1993.
8. Таълим тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Т., 1997.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Т. 1997.
10. «Маънавият ва маърифат» ижтимоий марказлари ишларини такомиллаштириш ҳақидаги Президент Фармони. Т., 1996.
11. Абдулла Авловий. «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ». Т., Ғафур Ғулом номли «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1991.
12. Ал — Фараби. О разуме и науке. Алма—Ата. АН Казахстана., 1995.
13. Ал — Бухорий. Ҳадис. «Қомуслар Бош таҳририяти». 1-жилд. Т., 1991.
14. Алишер Навоий. «Маҳбубул кулуб». Т., Ғафур Ғулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти., 1986.
15. Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Т., Ғафур Ғулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1982.
16. Абдурасулов М. Ўзбек маърифатпарвар шоирлари илм-маърифат ҳақида. Т., «Ўқитувчи», 1972.
17. Бобохонов А. Ўзбекистонда педагогик фикр тараққиёти тарихида. Т. «Ўқитувчи», 1967.
18. Зиёмуҳаммадов Б. Экология ва маънавият. Т., «Меҳнат», 1997.
19. Зиёмуҳаммадов Б. Маърифат асослари. Т., «Чинор ЭНК», 1998.
20. Йўлдошев Ж. Ғ. Таълимимиз истиқлоли йўлида. Т., «Шарқ», 1996.
21. Кайковус. Қобуснома. Т., «Ўқитувчи», 1994.
22. Коменский Я. А. Буюк дидактика. Т., «Ўқитувчи», 1970.
23. Миноваров А. К. Педагогика. Т., «Ўқитувчи», 1996.
24. Миртурсунов З. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг халқ маорифи ва тарбия ҳақидаги фикрлари. Т., 1961.
25. Собиров М. Фуркатнинг мактаб, маориф ва тарбия ҳақидаги фикрлари. Т., «Ўрта ва олий мактаб», 1961.
26. Турсунов И. Й., Нипоналиев Ў. Н., Педагогика курси. Т., «Ўқитувчи», 1997.
27. Хайруллаев М. М., Форобий. Т., «Ўзбекистон». 1991.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|-----|
| Кириш | 3 |
| Миллий педагогика фанининг мақсад ва вазифалари | 6 |
| Педагогика илмининг татқиқод объекти, предмети ва мақсади ва бошқа фанлар билан муносабати | 13 |
| Миллий педагогиканинг қисқача тарихи ва асосий тушунчалар | 23 |
| Миллий истиқлол мафкураси ва умуминсоний ғазилатларнинг таркиб топиши | 52 |
| Мутахассис маънавияти ёҳуд шарқона ғазилатлар | 61 |
| Дидактиканинг моҳияти ва асосий тамойиллари | 71 |
| Билиш ва унинг босқичлари | 81 |
| Таълим-тарбиянинг моҳияти, ташкилий жиҳатлари ва педагогик технология | 92 |
| Таълим-тарбия усуллари тўғрисида умумий тушунча | 102 |
| Мутахассиснинг ўзини-ўзи тарбиялаши. Бошқарувнинг назарий асослари | 118 |
| Фойдаланишга тавсия этиладиган асосий адабиётлар | 126 |

Бўри Зиёмухаммадов
Шоира Абдуллаева

ПЕДАГОГИКА

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти
700129, Тошкент, Навоий, 30.

Босишга рухсат этилди 20.01.2000. Формати 84×108¹/₃₂. Ҳажми
8.0 б.т. Нусха 2000. Буюртма № 7. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасининг Тош-
кент китоб-журнал фабрикасида босилди. Тошкент, Юнусобод,
Муродов кўчаси, 1-уй.

1905
A

H